

ЎЙДА ҚОЛИНГ! ЎЗИНГИЗНИ КОРОНАВИРУС БАЛОСИДАН АСРАНГ!

КОРРУПЦИЯГА

қарши бошқарув
тизими қандай
самара беради?



8

ДУНЁДА ГЎШТ

тақчиллиги юзага
келмоқда.

Ўзбекистонда-чи?



10

@mahalladoshuz @mahalladosh_uz www.mahalladosh.uz

№26

(1944-1947) 2020 йил
13 — 20 август

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

Маҳалла

КОММУНАЛ ХИЗМАТ

кўрсатиш соҳаси
қачон рақамлашади?



11

АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ

бош режаси нега
муҳокама қилинмайди?



14

ОБОДЛИК АСЛИДА

одамнинг
одоби эмасми?



15

ТАРИХ

фанини нега
қисқартириш
керак?



21

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

КАРАНТИН ЧОРАЛАРИ ЮМШАТИЛАДИ



Нималарга рухсат
берилдию, қандай
янги қоидалар
жорий этилди?

2

ПАНДЕМИЯ
шароитида дафн
маросимлари қандай
ўтказилади?

28

АЛЕКСАНДР
ЛУКАШЕНКО
олтинчи марта
ҳокимиятда қолди

29

«ТЕМИР ИНТИЗОМ БИЛАН БУ СИНОВЛАРНИ ЕНГИБ ЎТАМИЗ»

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 август куни ҳудудларда саноатни ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди.

Йиғилишда 15 августдан автотранспорт воситаларининг кун давомида юриши, маҳаллий авиа ва темир йўл қатнови учун рухсат бериш кераклиги айтилди. Санаторийлар, меҳмонхоналар, музейлар, болалар оромгоҳлари, дала ҳовлилар ижараси, гўзаллик салонлари, сартарошхоналар, очик ҳавода хизмат кўрсатадиган умумий овқатланиш объектлари фаолияти ҳам тикланади. Белгиланган талабларга амал қилган ҳолда уйда 30 кишилик оилавий маросимлар ўтказиш

мумкин бўлади.

17 августдан ҳудудлар ўртасида автотранспорт қатнови, жамоат транспорти (метрополитендан ташқари) ва шаҳар атрофидаги автобуслар қатнови тикланиши белгиланди. 20 августдан буюм ва қурилиш маҳсулотлари бозорлари, йирик савдо дўконлари, спорт заллари, фитнес клуб ва бассейнлар ишлай бошлади.

Эпидемиологик вазият яхши бўлган давлатлардан келган шахсларни карантинга олиш ва ундан

чиқариш тартиби энгиллаштирилади, пневмониядан тузалган аҳолини реабилитация қилиш марказлари ташкил этилади.

«Ҳаммамиз ҳам етарли тажриба орттирдик»

Антитаначалар тахлилини ўтказиш йўлга қўйилади. Телевидение ва радиода маданий-маърифий, кўнгилочар кўрсатув ва эшиттиришлар кўпайтирилади, ижтимоий масофани сақлаган ҳолда театр, кино, концерт ва бошқа тадбирларни ташкил этишга ҳам эътибор қаратилади.

— Карантин талаблари юмшатилаётган бўлса-да, барчамиз иж-

тимоий масофани сақлаш, ниқоб тақиш, дезинфекция ва бошқа санитария-гигиена талабларига сўзсиз амал қилишимиз, илгари йўл қўйган хатоларни такрорламаслигимиз керак. Худога шукр, ҳаммамиз ҳам етарли тажриба орттирдик. Кўпни қўрган халқимиз жуда катта матонат ва қаҳрамонлик, тиббий маданиятини намоён қияпти. Темир интизом, қаттиқ чидам ва сабр-тоқат билан биз, албатта, бу синовларни тез орада енгиб ўташим. Мен бунга қатъий ишонаман, — дея таъкидлади Президент.

ЎА материали асосида тайёрланди.

КАРАНТИН ЧОРАЛАРИ ЮМШАТИЛАДИ:

Нималарга рухсат берилдию, қандай янги қоидалар жорий этилди?

Республика махсус комиссиясининг тегишли қарори билан карантин қоидалари юмшатилади.

Транспортлар ҳаракатига рухсат берилди

2020 йил 15 августдан бошлаб автотранспорт воситалари кун давомида тўлиқ ҳаракатланиши мумкин. Маҳаллий авиақатновлар ва темир йўл қатнови йўлга қўйилади. Очик ҳавода хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш объектлари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона) фаолиятига ҳам рухсат берилади.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаблар, шунингдек, ўқув курслари (марказлари) фаолияти йўлга қўйилади. Санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, пляжлар, хостеллар, ижарага бериладиган дала ҳовлилар ва бошқа дам олиш масканлари, музейлар, гўзаллик салонлари ва сартарошхоналар (телефон ёки онлайн навбатга ёзилган ҳолда «1 та хизмат кўрсатувчи шахс – 1 та мижоз» тамойили асосида) фаолиятига рухсат берилади.


Оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимлар фуқароларнинг уй-жойи ва ҳовлисининг ўзида 30 кишидан кўп бўлмаган (факат яқин

қариндошлар ва ушбу туман ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа қариндошлар) ҳамда санитария ва гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказилади.

Буюм бозорлари ва спорт масканлари очилади

2020 йил 17 августдан бошлаб ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ўртасида автотранспорт воситалари қатнови тикланади, жамоат транспорти, шаҳар (туман) ва шаҳар атрофи йўналишлари бўйича автобус қатнови (метрополитен фаолияти бундан мустасно) йўлга қўйилади. Диний ташкилотлар фаолиятига рухсат берилади. Бунда диний ташкилотларда жума ва шанба-якшанбалик диний хизматларни вақтинчалик амалга оширмаслик талаб этилади.

2020 йил 20 августдан бошлаб буюм ва қурилиш маҳсулотлари бозорлари ҳамда буюмлар савдоси билан шуғулланувчи йирик дўконлар фаолияти тикланади. Бунда супермаркет ва бошқа йирик дўконлар кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, дезинфекцион «тўшаклар», антисеп-



тик воситалари билан жиҳозлаш шарт.

Спорт заллари, фитнес клуб, тренажер ва бассейнлар фаолиятига ҳам рухсат берилади.

Карантинда сақлаш муддати 7 кун этиб белгиланади

Қатор йўналишларда карантин чекловлари (тақиқлар) 2020 йил 15 августдан кейин ҳам сақлаб қолиниши белгиланди. Жумладан, давлат органлари, ташкилотларида йиғилишлар ўтказиш, томош, маданий-кўнгилочар (театр, кинотеатр, концерт заллари, тўйхоналар, фаолияти) ва оммавий тадбирлар ташкил этиш тақиқланади. Парклар ва истироҳат боғларидаги аттракционлар, умумий овқатланиш объектлари фаолиятига (очик ҳавода хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш объектлари бундан мустасно) рухсат берилмайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларини инобатга олиб, шунингдек, мамлакатдаги эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонга хорижий давлатлардан кириб келаётган шахсларни карантинга олишнинг янги тартиби жорий этилди.

Бунда хорижий давлатлардан кириб келаётган шахсларни карантинда сақлаш муддати 14 кун этиб белгиланади. Карантин муддатини шахснинг хошига кўра,

карантин марказларида ёки меҳмонхоналарда ўтказиш тартиби сақлаб қолинади. Карантинда сақлаш муддати врачлар кузатиши остида даволаш-профилактика чора-тадбирларини амалга оширган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган дори воситаларини қабул қилган) ҳолда 7 кун этиб белгиланади (бунда 7 кунлик карантиндан сўнг тест натижаси манфий бўлганда шахс карантин марказидан чиқарилади).

Давлатлар қандай тоифаларга ажратилди?

Республика махсус комиссиясининг қарори билан Ўзбекистон Республикасига хорижий давлатлардан фуқароларнинг кириши бўйича тоифага ажратилган давлатлар рўйхати тасдиқланди ҳамда ушбу рўйхат ҳар ҳафтада янгилаб бориши белгиланди. Мазкур рўйхатга асосан:

- яшил рейслар сифатида — Хитой Халқ Республикаси, Таиланд, Малайзия, Жанубий Корея, Грузия, Венгрия, Латвия, Япония;
- сарик рейслар сифатида — Европа Иттифоқи давлатлари (Буюк Британия ва Испания бундан мустасно), Озарбайжон;
- қизил рейслар сифатида бошқа барча давлатлар белгиланди.

Республика махсус комиссиясининг қарори асосида тайёрланди.



Давлатимиз раҳбари 2020 йил 11 август куни «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолиятини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.



БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Қарор билан 2021 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Ишга марҳамат» мономарказлари ташкил этилади. Шунингдек, барча ҳудудларда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги **касб-хунарга ўқитиш марказлари**, Тошкент шаҳри туманларида қисқа муддатли **касб-хунарга ўқитиш курслари**, маҳалла аҳолисини **касб-хунарга ўқитиш масканлари** фаолиятини йўлга қўйилади.

Хужжатта асосан, аҳолини меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар, тадбиркорлик асослари ва хорижий тилларга ўқитиш учун **нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари жалб этилади**. Бундай муассасаларни ташкил этаётган хусусий инвесторларга **давлат ёрдами** сифатида бинолар **оператив бошқарувга ёки узоқ муддатли имтиёзли ижарага берилади**. Шунингдек, улар ўқув дастури ва ўқитувчиларни **муスタқил танлаш ҳуқуқига эга бўлади**.

Ўз навбатида, бундай муассасалар олинаётган давлат ёрдами эвазига касб-хунарга ўқитиш ва кўникмаларни баҳолаш сифатининг ташқи ва миллий меҳнат бозори талабларига мослигини, ишсиз, камбағал фуқароларни касб-хунарга ўқитиш харажатларини давлат буюртмасининг миқдоридан оширмасликни, касбий кўникмалари баҳоланаётган фуқаролар тўғрисида маълумотларни Тасдиқланган малакага эга шахслар Миллий реестрига қўшиш учун тақдим этишни таъминлайди.

Нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларида таълим олган ҳамда WorldSkills ва бошқа халқаро стандартлар даражасида касбий малака сертификатини (Skills паспорти) олган битирувчиларга субсидиялар ажратилади, касб-хунарга ўқиш ва малака имтиҳонини топириш харажатлари қоплаб берилади, ўз бизнесини бошлаши учун имтиёзли кредит ажратилади.

Меҳнат органлари йўлланмаси билан юборилган ишсиз фуқаро-

ларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари, бошқа фуқаролар учун – фуқароларнинг ўз маблағлари ёки ўз ишчиларини касбий малакасини ошириш учун юборган иш бериувчилар ҳисобидан қопланади.

Skills паспорти дипломга тенглаштирилади

Молия вазирлиги «Ишга марҳамат» мономарказларини ва касб-хунарга ўқитиш марказларини сақлаш, қайта таъмирлаш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталарининг иш ҳақларини тўлаш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Инкирозга қарши курашиш жамғармасидан 2020 йил учун ажратиладиган маблағларга қўшимча равишда **150 миллиард сўм** маблағ ажратади.

2021 йил 1 январдан бошлаб «Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакаси WorldSkills стандартлари асосида баҳолашиб, баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинган **Skills паспорти берилади ва касбий малакаси тасдиқланган битирувчиларнинг Ягона реестри шакллантирилади**.

Битирувчиларга берилган ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи хужжат ҳамда Skills паспорти ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилиб, эгаллаган билимларни меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради, бироқ таълимнинг кейинги турини давом эттириш учун асос ҳисобланмайди.

Кимлар танлов ғолиби бўлиши мумкин?

Қарор билан ҳар бир ҳудудда камида биттадан «Энг яхши касбга тайёрлаш дастури» бўйича нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари ўртасида очик танлов ўтказилади.

Танлов ғолиби сифатида таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган, ҳудудларнинг асосан қишлоқ ва чекка жойлари, чегара ҳудудларини қамраб олган ҳолда ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли, айниқса, камбағал фуқаролар, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга, чет тиллари ёки тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни зиммасига олган, ўқув дастури ва қўлланмаларига эга, ўқиш жараёнида ахборот-коммуникация воситаларидан ва инновацион ўқитиш услубларидан кенг фойдаланадиган нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаси аниқланади.

Ногиронлиги бўлган шахслар бандлиги кафолатланади

2020 йилда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида тажриба тариқасида бундай шахслар учун иш ўринлари яратаетган тадбиркорлик субъектларига ҳар бир яратилаётган иш ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача, бироқ жами ҳар бир тадбиркорлик субъекти учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараваридан ошмаган миқдорда 3 йил муддатга, бир йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида, яратилган иш ўрнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг камида бир йил ишлаши шарти билан микро-

кредитлар ажратилади.

Ишга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон реестри шакллантирилади. Тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади.

Меҳнат мигрантлари касб-хунарга ва тилга ўқитилади

Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини, шунингдек, ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижий мамлакатларда ишлаш учун кетаётган ва «labor-migration» дастурий мажмуасида рўйхатта олинган фуқароларни тадбиркорлик кўникмалари, хорижий тиллар ва касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун кетишдан олдин давлат ёки нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларига, ишлаб чиқаришнинг ўзида ўқитиш учун ташкилот ҳамда «уста-шогирд» мактабларига ҳар бир таълим олувчи учун бир ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда грантлар ажратилади.

Россия Федерациясининг Москва, Санкт-Петербург, Қозон, Екатеринбург, Новосибирск шаҳарларида ва бошқа ҳудудларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касб-хунарга ва рус тилига ўқитилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Россия Федерациясида касб-хунарга ва рус тилига ўқитиш харажатлари Вазирлик ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни кўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.



Тошкент вилояти туманларида ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛАЛАР ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТМОҚДА?

Коронавирус инфекцияси тарқалиши нафақат юртимиз, балки дунё мамлакатларини ҳам катта синовдан ўтказмоқда. Миллионлаб одамлар ишсиз қолиб, жаҳон иқтисодийёти улкан талафот кўраётган айни дамларда «яшаш учун кураш» бош мақсадга айланди, одамлар ҳам вирусдан самарали ҳимояланиш, ҳам кун кўриш учун муайян даромадни йўқотмаслик илинжидалар.

Ўзбекистон айни шароитда ҳеч бир фуқаросини ёлғизлатиб қўймастик тарафдори. Хусусан, давлатимиз раҳбари пандемия шароитида аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, бунда шаффоф ва адолатли тизимни жорий этишга алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли карантинда минглаб оилалар оғир аҳволга тушиб қолишнинг олди олинди. Айниқса, жорий йилнинг 30 июлидаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони халқимизга хос мурувват, саховат, одабийлик ғояларининг ёрқин ифодаси бўлди. Унга кўра, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига («темир дафтар») киритилган ва аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилага республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланди.

«Темир дафтар»лар ва мезонлар

Бирок сўнги кунларда моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатлари, яъни «темир дафтар»лар шакллантирилиши билан боғлиқ турли тушунмовчиликлар келиб чиқди. Моддий ёрдам олишга ўзини ҳақли ҳисоблаган қўллаб-қўрдошларимиз «темир дафтар»ни шакллантиришга масъул бўлган маҳаллалар мутасаддилари ҳақида салбий фикрлар билдиришди. Сергели туманидаги норозиликлар бунга мисол. Орадан кўп ўтмай 2020 йилнинг 4 августида давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтган видеоконференцияда аҳолига ижтимоий ёрдам тўловларини етказиб бериш бўйича сектор раҳбарлари ва маҳалла мутасаддиларининг масъулиятига эътибор қаратилди.

Ҳақли савол туғилади: Президентимиз бошлаган мазкур хайрли тадбирни амалга ошириш нима учун бунчалик қийинчилик туғдирди? «Темир дафтар» қандай мезонлар асосида шакллантирилмоқда? Вазирлик фаолиятида қандай ижобий ўзгаришлар

қилинди? Карантин шароитида ишлаш ва яшашни ўрганиш тақозо этилаётган айни дамларда бундан кейин кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш ишлари қандай олиб борилади? Ишнинг йўқотганлар тақдирини нима бўлади?

Мазкур саволлар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташаббуси билан пойтахт-тимизнинг Яққасарой туманида ўтказилган пресс-тур давомида ҳам янграб, туман мисолида вазирлик томонидан амалга оширилаётган ўзгаришларга бир қур назар ташланди.


«Ҳамма ишни маҳаллага юклаб қўймадик»

Яққасарой тумани ҳокими Анвар Сайфутдиновнинг таъкидлашича, ҳудудда ногиронлиги борлар, чин етимлар, яққа-ёлғизлардан ташқари карантин туфайли даромад манбаидан жудо бўлган оилалар ҳисобига ижтимоий ҳимояга муҳтожлар сони ошган.

— Биз ҳамма ишни маҳалла ходимларига юклаб қўймадик. 4 та сектор раҳбарлари, молия, ички ишлар, прокуратура вакиллари ҳам йиғинларга бириктирдик, — дейди ҳоким. — Тўғри, моддий ёрдам олишга мен ҳам ҳақлиман, деганлар бўлди. Биз «темир дафтар»га кириш мезонларини яхшилаб тушултирдик. Қирмаганларга озиқ-овқат, хомийлик ёрдамлари кўрсатдик. Шу боис туманимизда норозиликлар учрамади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Ботир Парпиев қаерда иш шаффоф ва адолатли ташкил этилса, ўша ерда эътирозга ўрин қолмайди, дейди.

— Ҳар бир маҳаллада 19 та дафтар юритилади. Аммо ҳамма гап ана шу жараёнда виждонан, ёни ишлай билишда, — дейди вазир ўринбосари. — Тўғри, тизимда нопок ходимлар ҳам йўқ эмас. Айни пайтда бундай раислар аниқланмоқда. Сергели тумани мисолида гапирадиган бўлсак, ҳудуддаги биргина «Хумо» маҳалласида 39 998 нафар аҳоли истиқомат қилаётгани аниқланди. Бу эса йиғин фаолиятини муваффақиятли олиб боришда қатор тўқсинликларни юзага келтирган. Ўрганишлар мобайнида 4126 та



оила ҳақиқатан ҳам ижтимоий ёрдамга муҳтожлиги ойдинлашди. Мазкур муаммолар қисқа фурсатларда ўз ечимини топди, «Хумо» маҳалла фуқаролар йиғини негизда қўшимча равишда 6 та янги маҳалла ташкил этилди. Шу ўринда бир нарсани қўшимча қилмоқчиман. Бир миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам тарқатилиш жараёнида 46 та оила мурувватни рад этди, яъни улар биздан ҳам муҳтожларга беринглар, дея пулни олишмади.

Оғир шароитда ҳам ўзбекиона кенг феъл, одабийлик туйғуларига содик бундай кишилар том маънода маҳаллаларнинг ҳазинаси, десак арзийди. Яққасарой ҳокими тумандаги 13 та оила ҳам моддий ёрдамдан воз кечиб, ҳозирги мурраккаб шароитда Президентимиз олиб бораётган сиёсатдан мингдан-минг рози эканликларини ифодалагани, бу билан улар ҳам хайрли ишга бош қўшганларини қўшиб қўйди.

Шундан сўнг пресс-тур иштирокчилари туман маҳаллалари бўйлаб «темир дафтар» бўйича қилинаётган ишлар, пандемия даврида бандлик масалаларининг ечими, коронавирусга чалинганлар ва уларнинг хонадонларида карантин тадбирларини ташкил этиш, мобил гуруҳлар фаолияти, беморлардан «онлайн хабар олиш» тизими билан танишдилар.

«Вақтинча рўйхатда турганим учун...»

«Қўшбеги» маҳалласида бўлганимизда Президентимиз томонидан зарур озиқ-овқат ҳамда доридармон олиш учун ажратилган бир миллион икки юз минг сўм маблағнинг қай тарзда тарқатилгани билан кизиқдик.

— «Темир дафтар»имизга киритилганлар 62 нафар эди, — дейди фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Доно Қорабоева. — Жорий йилнинг апрель ойида

шакллантирилган мазкур рўйхатга киритилганлардан бугунги кунда 9 нафарининг аҳоли ўнганмади. Шу 9 киши 1 миллион икки юз минг сўмдан ёрдам олади. Қолганлар моддий ёрдам туфайли, жамоат ишларига жалб этилган ёки иш жойи тиклангани муносабати билан моддий аҳоли яхшиланиб, рўйхатдан чиқарилган.

«Қўшбеги»даги 4-уй 80-хонадонда яққа ўзи истиқомат қилувчи Раҳима Жаҳонгирова маҳалла мутасаддилари ҳолидан хабар олиб туришганини, ҳар ойда бир миллион сўмдан жами уч миллион сўм моддий ёрдам олганини айтди. Қолаверса, ҳар кунни хабарлашиб, ҳол сўрашгани, йўқлаб туришгани боис маҳаллага унинг ишончи ортган.

— Аслида мен Чилонзор тумани Ал-Хоразмий номидаги маҳаллада доимий рўйхатда тураман, — дейди Наргиза Собирова исмли аёл. — Уйимиз «аварийний» ҳолатга келгани боис шу маҳаллада жойлашган оилавий ётоқхонага қўчиб келдик. Беш жонмиз, даромадимиздан айрилганмиз. Қаерда прописида турсанг, ўша ердан моддий ёрдам оласан, деган тартиблар ҳақида эшитганим учун маҳалладан ёрдам кутмагандим. Аммо маҳалла мутасаддилари элигимни тақиллатиб келишди ва ёрдам қўлини чўзишди. Бундай инсонпарварликлар бошида турган Президентимизга мингдан-минг раҳмат.

Пресс-тур давомида бундай миннатдорлик сўзларига, қўллаб-қўрдошлик ишларга гувоҳ бўлдик. Ҳар бир таассуротни эсишимнинг эса имкони йўқ. Бир сўз билан айтганда, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида муаммоларни ҳал этиш борасида иш қизғин. Вазирлик бош-қош бўлаётган Яққасарой тажрибаси бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилса, фойдадан холи бўлмайди, албатта.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИ:

қийноққа солиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг олди олинади

Гумонланувчининг баданида тирналиш, шилиниш ёки қонталаш бўлса

Мамлакатимизда кечаётган янгиликлар жараёнида, аввало, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш энг устувор масалалардан саналади. Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш тўғрисида»ги фармон бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир. Таъкидлаш жоизки, фармон билан «шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олишнинг самарали механизмларини жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш» суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Қайд этиш лозимки, амалдаги тартибга кўра, масалан, вақтинча сақлаш жойлари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг баданидаги доғларни, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати туғилганда гувоҳлантириш юқоридаги муассасалар тасарруфидаги тиббий муассасалар ходимлари томонидан ўтказилиши мумкин. Фармонда назарда тутилган янги тартибга асосан эса, терговга қадар текшириш ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумни тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, вақтинча сақлаш жойлари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини гувоҳлантириш уларнинг ёки адвокатнинг илтимосномасига асосан, 24 соат ичида фақат вақтинча сақлаш жойлари, тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан ўтказилиши белгиланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган руҳий ва жисмоний босим, қийноққа солиш билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш имконини бериш билан бир қаторда, ҳолисликни таъминлаш, шунингдек, процесс иштирокчиларини турли шубҳалардан холи бўлишига, ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини турли ғайриқонуний усулларни қўллашнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қийноқ учун жавобгарлик таъминланганмиди?

Қайд этиш лозимки, охириги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, шунингдек, қийноққа солиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг олдини олиш ва жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

2018 йилнинг 4 апрелидаги қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига ўзгартиришлар киритилди ҳамда қийноқ учун жавобгарликка оид нормалар такомиллаштирилди. Жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жинояти жабрланувчилари доираси кенгайтирилди. Илгари жабрланувчилар сифатида гумон қилинувчи, айбланувчи, маҳкум, гувоҳ, жабрланувчи, жиноят процессининг бошқа иштирокчиси ёхуд уларнинг яқин қариндошлари белгиланган бўлса, эндиликда улар қаторига маъмурий қамоққа олинган шахс, судланувчилар ҳам киритилди.

Бундан ташқари, илгари жиноят субъектлари, яъни қийноққа солганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доираси ҳам чегараланган эди. Яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими қийноқ жиноятининг субъекти ҳисобланарди. Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган рузиги билан бошқа шахслар томонидан қийноққа солиш ҳолати содир этилса, мазкур шахслар ҳам Жиноят кодексининг 235-моддаси билан жавобгарликка тортилиши белгиланди.

10 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланди

Ўзгартиришга, асосан, Жиноят кодексининг 235-моддасининг барча



қисмларида муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш қўшимча жазо сифатида қайд этилди. Илгари мазкур қўшимча жазо фақат Жиноят кодексининг 235-моддаси 3-қисмида назарда тутилган эди. Шунингдек, айни моддадан ахлоқ тузатиш жазоси чиқарилди. Жазо миқдори оғирлаштирилди. Максимал жазо муддати етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Мазкур киритилган ўзгартиришлар шахс ҳуқуқларини янада кафолатлашда, одил судлов манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўлим билан яқунланган қийноқлар

Аммо жорий йилда Чироқчи туманида ва Андижон шаҳрида содир этилган қийноққа солиш билан боғлиқ фожиали воқеалар, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмагани, қийноққа солиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш билан боғлиқ тизимли механизмлар ишлаб чиқиш заруратини кўрсатиб берди.

Янги қабул қилинган фармонда бу борада қатор илғор қоидалар акс этган бўлиб, улар, шубҳасиз, шахс ҳуқуқлари ҳимоясини ишончли кафолатлашга хизмат қилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини турли суиистеъмолчиликларга йўл қўйишининг олдини олади.

Фармонда қандай илғор ғоялар акс этган?

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 226-моддасига асосан,

ушлаб туриш муддати ушланган ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан ҳисобланади. Масалан, шахс жиноят устида ушланди, унинг ҳуқуқлари шу вақтдан чекланади, аммо ушланган ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ушлаб туриш муддатининг ўтиши бошланади. Яъни шахс тегишли муассасага олиб борилмагунга қадар, ҳақиқатда ушлаб турилган вақт ушлаб туриш муддатига кирмайди. Фармонга асосан, Жиноят-процессуал кодексига «жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш» қондасини киритиш назарда тутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида ушланган шахснинг ҳуқуқ ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишга, уни асосиз ушлаб турилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат

Фармонда «ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш тақиқланиши назарда тутилган энг аҳамиятли жиҳатлардан биридир. Бу қонданин киритилиши ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қариндошларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроққа жалб этишни тақиқлаш орқали ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчига руҳий ёки психологик босим ўтказилишининг олди олинади.

Суриштирув ва тергов органлари ходимлари доимий назоратда бўлади

Айниқса, фармонда 2021 йилнинг 1 июнига қадар суриштирувчи ва терговчиларни видеоасвирга олиш воситалари билан таъминлаш, жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарини тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда фойдаланиладиган техник воситалар ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш чоралари назарда тутилгани жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини яхшилаш, қонун устуворлигини ва жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлашга, шунингдек, суриштирув ва тергов органлари ходимлари ўзларини ҳаракатлари доимий назоратда эканликларини ҳис қилиб туришга ҳам хизмат қилади.

Хуришид КАРИМОВ,
Бош прокуратура Академияси
кафедра бошлиғи.

Ёшлар бандлигига кўмаклашувчи «Call markazi» ишга тушди.

ҲАР БИР ЛОЙИХА манфаатдорликни таъминлаши, РЕНТАБЕЛЛИКНИ оширишга хизмат қилиши керак



Далаларда экин қанча мўл бўлса, халқнинг ризқи шунча бутун бўлади. Аммо ҳар доим ҳам деҳқон кўзлаган ҳосилини ололмаслиги мумкин. Нега? Бунинг бир қатор сабаблари бор.

Бир умр даладан ризқ ундириб, қишлоқ хўжалиги билимдонига айланган Ибодулла Искандаров — Богот туманидаги «Дилшод» фермер хўжалиги раҳбари. Хўжаликнинг 40 гектар ғалла майдонида бу йил ҳосилдорлик 80 центнердан ошди. Фермернинг фикрича, Хоразм шароитида ғаллани бемалол 100 центнердан олишнинг имкони бор, фақат бунинг учун зарур агротехник тадбирларини ўз вақтида бажариш, бегона ўтлар, турли касалликлар ва зараркунандаларга қарши самарали кураша билиш керак. Баҳор ойи охирида мамлакатимиз худудига чигирткалар тўдаси ёпирилиши ҳақидаги хабарлар, айниқса, соҳа вакиллари қаттиқ ташвишга солгани рост. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли очофат ҳашаротлар қишлоқ хўжалигига зиён етказолмади. Қишлоқ хўжалиги экинларини ҳимоялашга қаратилган тадбирлар аҳоли даромад манбаини ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини сақлаб қолиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳам асосий омил десак, муболаға эмас.

Бегона ўт тупроқ ҳосилдорлигини пасайтиради

И.Искандаров бегона ўт ҳақида гап кетганда: «Мен ҳам, ерим ҳам бундай ўтларни ёмон кўраман», дейди. Унинг фикрича, ер эгаси ўз тупроғида ўз экинини парваришлаши, ўғит ва минералларни фақат ўз ўсимлигига ишлатиши зарур. Бегона ўтлар кенг тарқалган йиллари ҳосилдорлик ғаллазорларда 10 фоизга, дон дуккаклиларда — 13,4, ғўзада — 7,5, картошкада — 6, сабзавот экинларида эса 10,8 фоизга пасаяди. Ўсимлик маҳсулотларини экспорт ва импорт қилиш жараёнининг кенгайиб бо-

риши, ўсимлик уруғларининг янги навлари кириб келиши карантин тадбирларини янада кучайтиришни тақозо этади.

Охириги йиллар мобайнида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш, қайта ишлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида, бозорларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлиб, аҳолининг мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиё-



жи таъминланаётир. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти географияси сезиларли тарзда йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Бу эса мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигида экспорт-боп маҳсулотларни янада кўпроқ етиштириш, уларни турли зараркунанда ва касалликлардан ҳимоялашни тақозо этади. «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун айнаи жараёнларда мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини бажармоқда. Бироқ ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари, қишлоқ хўжалигига оид

замонавий тенденциялар мазкур қонунни бугунги кун талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан юқори палата — Сенат муҳокама-сига ҳавола этилган янги таҳрирдаги «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг нечоғли катта аҳамиятга эгалигини англаш қийинмас. Айниқса, шу кунларда карантин туфайли озиқ-овқат хавфсизлиги янада долзарб масалага айланган. Қизиги, шундай «ёниб турган» паллада мазкур қонун лойиҳаси юқори палата томонидан рад этилди.

Асосий ноаниқликлар ва камчиликлар нимада?

Қонун Сенатнинг аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари ҳамда экспертлар иштирокида ҳар томонлама ўрганиб чиқилди ва ҳужжатни тамомила қайта кўриб чиқиш зарур, деган ҳулосага келинди.

— Янги таҳрирдаги «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун соҳага қўйилаётган талабларга мувофиқ бўлиши керак. Бунинг учун эса қонун лойиҳасидаги айрим меъёрларни такомиллаштириш зарур, — дейди мазкур қўмита раиси **Баҳодир Тожиев**. — Жумладан, ҳужжатда ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий бирикмалар, тавсия этилган кимёвий ҳамда биологик воситалар, ўғитлар, бошқа препаратларнинг рўйхати келтирилмаган. Шунингдек, улардан самарали ва безарар фойдаланишнинг асосий мезон ҳамда меъёрлари очиб берилмаган.

Қонунда ўсимликларни ҳимоя қилиш объектлари ҳамда субъектларини аниқлаш, уларнинг ҳуқуқ

ва мажбуриятларига оид масалалар акс этмаган. Қолаверса, қишлоқ хўжалигида халқаро талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни етиштиришда пестицидлар стандарт меъёрларини таъминлаш мақсадида радиологик, токсикологик кузатув ва ташхисларга доир жиҳатлар ёритилмаган.

Аграр тармоқда ўсимликларнинг янги навлари, турларини жорий этиш натижасида зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларнинг аввал учрамаган турлари тарқалишини ўрганиш масалаларига доир нормалар белгиланмаган. Бундан ташқари, Қонун моддаларининг баён этилиши қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайди.

Қонунда нималар акс этиши керак?

Экспертларнинг фикрича, қонун нормаларини ўсимликлар карантини ва уларнинг муҳофазаси тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқиш лозим. Қонунда тартибга солинадиган жамоатчилик муносабатларининг муҳимлиги ва аҳамиятини эътиборга олиб, юқори палата вакиллари ушбу қонун концепциясини қайта кўриб чиқиш, унга комплекс ёндашиб, халқаро нормаларни имплементация қилган ҳолда ҳужжатни такомиллаштиришга қарор қилди.

Шу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг яқинда «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга оширишга бағишланган видеоселектор йиғилишида айтган «Қишлоқ хўжалигини илм билан қилмасак, ҳаражатларимиз натижа бермайди. Ҳар бир лойиҳа манфаатдорликни таъминлаши, рентабелликни оширишга хизмат қилиши керак», деган таъкидини эслаш ўринли. Шундай экан, мазкур қонуннинг ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилиши соҳадаги ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаб, қишлоқ хўжалиги ўсимликларини турли зарарли таъсирлардан ҳимоялашда комплекс ёндашувни юзага келтиради, стратегик режалаштиришни таъминлайди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Сўх туманидаги айрим маҳаллалар ва туман марказидаги база станцияларида алоқа сифати икки баробарга оширилди.

Юртимиздаги Хусусий бандлик агентликлари фаолиятида камчиликлар ва фирибгарликлар содир бўлаётгани сир эмас.

Шу боис қонун билан уларнинг фаолиятини такомиллаштириш борасида амалий ишлар бошлаб юборилган. Яъни Хусусий бандлик агентликлари масъулиятини кучайтириш борасида қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда Хусусий бандлик агентликларининг аҳолини иш билан таъминлашдаги ўрни муҳим. Хўш, бундан кейин Хусусий бандлик агентликлари фаолиятида қандай ўзгаришлар кутилмоқда? Бу хусусда мутахассисларга юзландик.



ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ

жавобгарлиги кучайтирилади...(ми?)

Қандай ўзгартиришлар киритилляпти?

— 2018 йил 16 октябрда «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фирдавс Шарипов. — Ушбу ҳуқуқий асос натижасида 2019 йил ва 2020 йилнинг ўтган даврида 103 та юридик шахс хусусий бандлик агентлиги сифатида реестрдан ўтган. 74 та Хусусий бандлик агентлиги фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ҳуқуқини берувчи лицензия олган, улардан 31 тасининг лицензияси фаолиятини тўғри бошқара олмаганлиги сабабли ўз ташаббусига кўра (20) ва қонунбузарликларга йўл қўйганликлари учун (11) бекор қилинган. Бугунги кунда 43 та Хусусий бандлик агентлиги лицензияга эга. Агентликлар томонидан фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатилиши учун тўловлар юбориладиган давлатидан келиб чиқиб, иш қидираётган шахслар томонидан 11,5 млн. сўмдан 35 млн. сўмгача миқдорда олдиндан амалга оширилмоқда. Натижада аксарият ҳолларда Хусусий бандлик агентликлари томонидан фуқароларни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилган ҳолда уларга жуда кўп миқдорда моддий зарар етказиш ҳолатлари кузатилган.

Шу боис қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бундан кейин эндиликда хориждан иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тўловларни чет элдаги корхона ҳисобидан амалга ошириш механизмининг жорий этиш орқали фуқаролардан пул олиш амалиёти бекор қилинади. Қолаверса, Хусусий бандлик агентликлари томонидан иш қидираётган шахс-

ларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатишдан олдин уларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида ёзма шаклда билдиришнома берилади. Унда фуқародан кўрсатилаётган хизматлар учун олдиндан пул олиш мумкин эмаслиги, агентлик ўз мажбуриятини бажармаса кимга, қандай шикоят қилиши тўғрисидаги аниқ маълумотлар кўрсатилади. Бу эса фуқароларга етказилиши мумкин бўлган моддий зарарнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбир ҳисобланади.

Зарарни ким қоплайди?

Қонунга киритилаётган қўшимчалардан яна бири шуки, бундан буён фуқароларга Хусусий бандлик агентликлари томонидан етказилган зарарни ўртача ҳисобини олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасига захира қилиб қўйиладиган пул маблағлари миқдори амалдагидан тўрт баравар кўп, яъни базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг беш юз баравари (айни пайтда 1 млрд. 895 млн. 500 минг сўм) қилиб белги-ланмоқда.

Хўш, нега бундай қилинмоқда? Бундан кўзланган мақсад агар хусусий бандлик агентлиги фуқароларни алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш ва бошқа тарзда моддий зарар етказилиш ҳолатлари содир этган тақдирда етказилган зарарни ушбу маблағлар ҳисобидан қоплаш имконияти яратилади.

— Билямизки, бугунги кунда Хусусий бандлик агентликлари

томонидан ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўловлар миқдори турлича белгиланган бўлиб, 200 мингдан, ҳаттоки, 3-4 млн. сўмгачани ташкил этади, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги масъул ходими Ортиқхўжа Норов. — Қилинган хизматга мутаносиб равишда ундириладиган тўловлар миқдорини белгилаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан ошмаслиги кўрсатилмоқда.

— Мазкур қонун Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида Сенат томонидан маъқулланди, — дейди Олий Мажлис Сенати девони Ахборот хизмати раҳбари-Матбуот котиби Жалолиддин Усмонов. — Унга кўра, хусусий бандлик агентлиги мансабдор шахсларига нисбатан қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик ҳам назарда тутилган. Иш билан таъминлашда бандлик агентликлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар шаффофлигини таъминлаш мақсадида ушбу хизматлар бўйича шартномалар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ахборот тизимида реал вақт режимда рўйхатдан ўтказиб борилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, республикадан ташқарида иш қидираётган фуқароларимизни ишга жойлаштириш кафолатларини ошириш мақсадида хусусий бандлик агентликларининг чет эллик иш берувчи, шериклар билан ёзма шаклда ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиши ҳам зарурий шарт қилиб белгиланган. Қонунга киритилаётган ўзгартиришлар бугунги кундаги долзарб масалаларнинг ҳал этилишига, фуқаролар

турмуш фаровонлиги ошишига замин яратди.

Ҳуқуқий саводхонлик етишмаяптими?

— Ҳозирга қадар 7123 нафар фуқарога 72,0 млрд. сўмдан ортиқ моддий зарар етказганликлари учун 10 та хусусий бандлик агентлиги раҳбарларига жиноят ишлари кўзғатилган, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Фаррух Жўраев. — Хусусан, «Human» хусусий бандлик агентлиги раҳбари томонидан 1086 нафар фуқародан 21,2 млрд. сўм миқдоридан «Korean and Migrations» агентлиги раҳбари томонидан 2317 нафар фуқародан 22,2 млрд. сўм миқдоридан пул маблағлари ўзлаштирилган. Шундай ҳолатлар бўлганки, хусусий бандлик агентлиги ходими бўлмасдан агентлик офиси олдида ҳеч қандай шартномасиз фуқародан пул олган. Бундай одамларга қандай қонун чиқариб берсангиз ҳам фойдаси йўқ. Шу боис, аввало, ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқини ўзи ҳимоя қила олиши керак. Юртдошларимиз хусусий бандлик агентлигига мурожаат қилганида ташкилотнинг лицензиясини кўришга, агентлик билан тузиладиган шартномани ўқиб кўришга ёки уни ўзи билан олиб кетиб, соҳани тушунадиган бирорта ҳуқуқшуносга кўрсатишга, шартномага қўл қўймайди, агентлик сўраётган пулни тўламайди, ҳаққи бор. Қолаверса, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ҳар бир вилоят марказида филиаллари бор. Фуқаролар шартнома тузишдан олдин ушбу филиалларга бориб, шартномани кўрсатиб, бепул маслаҳат олишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

9-синф битирувчиларининг касб-ҳунар мактабларига ҳужжат топшириш тартиби маълум қилинди.

КОРРУПЦИЯГА

ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРАДИ?

Коррупциянинг жамият учун салбий оқибатлари ҳақида кўп гапираемиз. Керагидан ортиқ таҳлиллар берамиз, мушоҳада юригамиз, баҳслашамиз. Очигини айтиш керак, бу иллат миллат тараққиётига тушов бўлиш баробарида, давлат органларининг фаолиятига нисбатан салбий қарашни шакллантиради, инсон ҳуқуқларини шубҳа остига қўяди. Бизнесдаги харажатларни кўпайтиради, товарлар ва хизматлар нархини оширади, маҳсулот сифатини пасайтиради...

Хуллас, печак каби тирмашиб, охири давлатнинг силласини қуритади. Жаҳон тажрибасида иллатга қарши курашда кескин жазо чораларининг қўлланилиши, қонунлар қабул қилиниши билан маълум ютуқларга эришилган. Бироқ муаммони ҳал қилиш учун фақат қонунларнинг ўзи етарли эмаслигига гувоҳ бўляптимиз. Хўш, унда нима қилмоқ керак? Қайси тажрибадан фойдаланиш даркор? Нима қилинса, ташкилотларда порахўрлик авж олмайдию қай йўлдан борилса, самарага эришилади?

— Зиммамизга коррупцияни қабул қилиш миллий индексини тузиш, давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачиси ISO 37001 коррупцияга қарши стандартини қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатиш каби вазифалар қўйилган, — дейди Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурханов. — Жорий йил якунига қадар 20 га яқин вазирлик ва идоралар, давлат улусига эга тижорат банкларида «коррупцияга қарши мувофиқлик тизими» жорий этилади. 2021 йилдан эса ушбу тизим барча давлат идораларида татбиқ қилинади. Шу муносабат билан «хуфиёна иктисодиёт ва коррупцияга қарши мувофиқлик тизими»ни жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Эътиборлиси, Адлия вазирлиги «коррупцияга қарши мувофиқлик тизими» талабларини тўлиқ бажарган ҳолда, ISO 37001 стандартларини расман қўлга киритди.

Коррупцияга қарши курашда стандартлар ўзини нечоғли оқлайди?

Тажрибаларнинг унумли бўлиши унинг амалиётга нечоғли тўғри табиқ этилишига боғлиқ. Шу маънода ISO 37001 стандарти нимани англатади? Унинг қандай афзалликлари бор?

— Коррупцияга қарши курашда аниқ қолибдаги стандарт ишлаб чиқилмаган, — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими Адиба Сафарова. — Бироқ амалиётда ўзини оқлаган, иллат илдизига болта урган тажрибалар ҳам йўқ эмас. Улардан бири — ташкилотлар фаолиятида коррупцияга қарши курашнинг амалий ифодаси бўлган стандартларни жорий этишдир. Хусусан, ISO 37001 Коррупцияга қарши бошқарув тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у коррупция билан боғлиқ хатарларни бартароф этишга қаратилган механизмдир. Стандарт ташкилотларда порахўрларга қарши тадбирларни ташкил этиш, амалга ошириш, қўллаб-қувватлаш ва кучайтиришга ёрдам беради.

ISO 37001 — ўзи нима?

ISO 37001 — коррупцияга қарши бошқарув тизими. У 2016 йилда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан эълон қилинган. Тизим коррупцияга қарши бошқарув тизимини ташкил этиш, жорий этиш, бошқариш, қўллаб-қувватлаш ва доимий равишда такомиллаштиришга қаратилган талабларни белгилайди. У Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳамда Халқаро савдо палатасининг кўрсатмаларига

асосланган.

Коррупцияга қарши бошқарув тизими иллатнинг олдини олиш ва аниқлаш бўйича бир нечта тадбирларни ўз ичига олади. Коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш, бундай фаолият учун масъул шахсни тайинлаш, ўқитиш, лойиҳалар ва бизнес шерикларини ҳуқуқий баҳолаш, молиявий ва тижорат назорати, ҳисобот ва текширув тартиблари шулар сирасидан. ISO 37001 ҳар қандай ҳажмдаги, турли йўналишларда ишлайдиган ташкилотлар учун мос келади.

Қандай талаблар қўйилади?

— Стандарт сертификатига эга бўлган ташкилотта халқаро ҳамжамият ишонч билдиради, — дейди А. Сафарова. — Бу, айниқса, тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга халқаро алоқаларни ўрнатишда қўл келади. Сертификат олиш учун ташкилот маълум стандартларга жавоб бериши лозим. Чунончи, коррупцияга қарши ички назоратни амалга ошириш, топ-менежментнинг коррупцияга қарши бошқарув тизимини жорий қилиш, ташкилотдаги ҳар бир киши коррупциянинг олдини олиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга тайёрлиги ва коррупция билан боғлиқ муаммоларни олиб чиқишнинг самарали механизмлари мавжудлиги шулар сирасидан.

Стандарт қай даражада самарали? У амалда исботини топганми? Бу тизимни жорий қилган давлатлар орасида Малайзия ҳам бор. Мамлакатда стандарт жорий этилган, ҳам давлат, ҳам хусусий секторда ижобий натижага эришилган. Перу, Сингапур ва Хитой ҳам ISO 37001 стандартини қабул қилган. Италия, Буюк Британия ва БАА эса унинг аккредитация схемасини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Шунингдек, Microsoft ва Walmart ISO 37001 сертификатига эга бўлиш истагини эълон қилган.

Тизим нима учун керак?

ISO 37001 стандартини татбиқ этган ташкилотлар нимага эри-

ДАРВОҚЕ...

Жаҳон мамлакатларида коррупцияга қарши курашнинг куйидаги усуллари мавжуд:

Ички назорат — бу усул бошқарув аппаратининг ўзида назоратни кучайтирувчи тузилмалар (ҳар хил ички инспекциялар ва бошқа назорат органлари тузиш орқали) яратишни тақозо этади;

Ташқи назорат — ижро аппаратидан мустақил тузилмаларнинг мустақиллигини ошириш назарда тутилиб, айнан ушбу тузилмалар орқали коррупцияга қарши самарали кураш олиб борилади.

Сайлов тизими орқали курашиш — демократик давлатларда сайланган вакилларни коррупция учун жазолашнинг асосий усулларида бири — кейинги сайловларда унга овоз бермаслик ҳисобланади.

шади? Стандарт ошкораликни қўллаб-қувватлаш ва манфаатдор томонларнинг коррупцияга нисбатан позицияси тўғрисида хабардор бўлиш имконини беради. Манфаатдор томонлар таркибига директорлар кенгаши, ходимлар, бизнес шериклар ва инвесторлар кирди. Ташкилот, унинг активлари, акциядорлари ва директорларини коррупция ва коррупциянинг салбий таъсиридан ҳимоя қилади.

Сирасини айтганда, Коррупцияга қарши бошқарув тизими стандарти ташкилотта коррупцияни амалга оширишда харажатлар, хатарлар ва зарарларнинг олдини олиш ёки минималлаштириш, ишбилармонлик муносабатларига бўлган ишончини ривожлантириш ҳамда ташкилотнинг обрўсини оширишга ёрдам беради.

Саҳифани
Садоқат МАХСУМОВА
тайёрлади.

«Ифлослантирган тўлайди» тамойили энди
Ўзбекистонда ҳам қўлланилади.



ТИЗИМДАГИ МУАММОЛАР ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов, вазир ўринбосарлари, масъул ташкилотлар вакиллари, вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққан Р.Маматов Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 4 август куни пандемия даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор ҳамда Вазирлар Маҳкамасида 8 август куни Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолияти борасида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида қўрилган

соғлом муҳитни шакллантириш, жиноятчилик ва ажралишларнинг олдини олиш, қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлашда «Нуронийлар жамоатчилиги кенгаш»лари, маҳаллалардаги «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари аъзоларининг ўрни ва роли деярли сезилмаётгани, уларга бу каби эзгу ишларга бош-қош бўлишда фидойилик ва ташаббускорлик етишмаётгани айтиб ўтилди.



масалалардан келиб чиқувчи вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди.

Жумладан, бугунги пандемия шароитида маҳалла ходимларининг эҳтиёжманд оилаларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиши, уй шароитида даволанаётган ҳамда карантинга олинган хонадонлар билан ишлаш, аҳоли ўртасида коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш, кексалар саломатлигини сақлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ёлғиз яшовчи кексаларга кўмак бериш, оилаларда ажралишлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишларни чуқур таҳлил қилиб, ҳудудларда масъуллар томонидан бу борада жиддий камчилик ва сусткашликларга йўл қўйилаётганини танқид остига олди.

Йиғилишда оилаларда

Тадбирда «Фахрий мураббий» ордени ҳақида атрофлича маълумот берилиб, мазкур мукофотга номзодларни танлаб олиш, улар фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш механизмини жорий этиш бўйича ҳудудларда йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг «Коронавирус инфекциясига чалинган ва уларнинг хонадонларида карантин тадбирларини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги қўшма қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш берилди.


Видеоселектор якунида келгусида қилиниши лозим бўлган устувор вазифалар бўйича масъул ходимларга тегишли топшириқлар берилди.

Фарҳод ЭШМЎМИНОВ.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташаббуси билан Юнусобод туманидаги «Хиёбонтёпа» маҳалласида «Саломатлик учун беш минг қадам!» шиори остида нуронийлар иштирокида пиёда юриш тадбирлари уюштирилди.

Кўтаринки кайфиятда ўтказилган тадбир кексаларнинг руҳан ва жисмонан бардамликларини намойиш этиб, уларга завқ-шавқ бағишлади.

— Юртимизда 90-100 ёшга етиб, пири бадавлат умр кечираётган нуроний отахону онахонларимиз кўп, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ва-



ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«САЛОМАТЛИК УЧУН БЕШ МИНГ ҚАДАМ!»

зирлиги бошқарма бошлиги Хайринисо Мирзанонова. — Ушбу марафон, энг аввало, ана шундай кексалар саломатлигини яхшилашга хизмат қилади. Таъкидлаш лозимки, тад-

бирлар бугунги пандемия шароитидан келиб чиқиб, карантин қодаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ташкил этилмоқда.

Саъдулла ТУРСУНОВ.

50 ГЕКТАР МАЙДОНДА ИССИҚХОНА ҚУРИЛАДИ

Чиноз туманидаги «Дехқонобод» маҳалласи ҳудудида 50 гектар майдонда лимон етиштиришга мўлжалланган йирик иссиқхона қурилиши бошланди. Умумий қиймати 61 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳани келгуси йилнинг биринчи чорагида ишга тушириш кўзда тутилган.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Лимон кўчатлари уч йилда ҳосилга киради. Шу боис ана шу муддат давомида оралиқ экинлардан даромад олиш мўлжалланмоқда. Бизнес-режага мувофиқ, дастлабки икки йилда 3,7 тонна булғор қалампир, бақлажон ва кулупна, уч йилдан кейин эса 960 тонна лимон етиштирилади. Энг асосийси, дастлабки йилдан бошлаб сабзавотларни экспорт

қилиш, хусусан, биринчи ва иккинчи йилларда 1 миллион АҚШ доллар, учинчи йилда эса 1,1 миллион доллар қийматидаги сабзавотларни хорижга жўнатиш режалаштирилмоқда.

Иссиқхона фойдаланишга топширилгач, 600 нафарга яқин аҳолининг бандлиги таъминланади.

Анвар ЗОКИРОВ.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА ТОРТИҚ ҚИЛИНАДИ

Ҳазорасп туманининг «Қовунчи» маҳалласига ташриф буюрсангиз, кимдир ўз томорқасида ишлаётгани, яна кимдир етиштирган полиз экинларини бозорга олиб чиқишга тараддуд кўраётгани устидан чиқасиз.

— Хўжалигимиз майдони жами 89 гектарни ташкил этади, — дейди «Рейимбой Нуржон» фермер хўжалиги раҳбари Нодир Жуманиёзов. — Шундан 49 гектари пахтага, 37 гектари

ғалла экишга мўлжалланган. Халқимиз бошидаги синовли кунларда рўзғорга асқатадиган картошка, сабзи, қовун, тарвуз ва бошқа сабзавотларнинг мўлкўллиги арзончилик, бозорларимиз тўкин бўлишига хисса қўшади.




Шунга кўра, 1,1 гектар ерга қовуннинг «гурвак» ва «сурхон» навларини эдик. Сабзавот экинлари ҳам парваришляпмиз. Пандемия даврида 14 нафар кишининг жамоатчилик асосида бандлигини таъминлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, энг аввало, қишлоқдошларимиз дастурхонига тортиқ қилишни мақсад қилганмиз.

Эргаш ТОЖИБЕВ.

Харбий йўналишга ҳужжат топширган абитуриент яна 5 та йўналишни танлаш имконига эга бўлади.

Дунёда гўшт истеъмоли 2020 йилда коронавирус пандемияси туфайли аҳоли жон бошига қарийб 3 фоизга камайиши мумкинлиги ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таҳлил қилган: «Масалан, АҚШда гўшт истеъмоли инқироздан олдинги даражага, ҳеч бўлмаганда 2025 йилгача қайтмаслиги мумкин. Ушбу тенденция туфайли пандемия даврида дунё бўйлаб миллионлаб аҳоли гўшдан воз кечишга мажбур бўлади.



Дунёда гўшт тақчиллиги юзага келмоқда. ЎЗБЕКИСТОНДА-ЧИ?

Дунёда умумий истеъмолнинг чорак улуғлини ташкил этадиган Хитойда коронавирус авж олган, гўшт маҳсулотларига ишонч ҳам камайган. Ишлаб чиқаришдаги узлиши нарх кўтарилишига олиб келадиган таъминот билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, АҚШда гўшт оддий америкаликлар учун қимматлик қиляпти ва бойлар истеъмоли қиладиган маҳсулотга айланиб улгурди», деган маълумотлар берилган. Чунки COVID-19 кенг тарқалиши туфайли ушбу мамлакатда гўштни қайта ишлаш ҳажми пасайиб кетган.

Ҳўш, Ўзбекистонда-чи? Аҳолига гўшт маҳсулотларини етказиб бериш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Юртимизда ҳам гўшт тақчиллиги ёки нарх-навонинг кўтарилиб кетиши ҳолатлари юз бермасмикан? Бу хусусда мутахассисларга юзландик.

Кенгаш қандай вазифаларни бажаради?

— Чорвачиликни ривожлантириш аҳолининг даромадини оширибгина қолмай, гўшт маҳсулотларига бўлган талабни қондиришга ҳам хизмат қилади, — дейди **Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси ахборот хизмати раҳбари Анвар Сулонов**. — Юртимизда чорвачиликка доир тўпланган тажрибалар, қўлга киритилган ютуқлар билан бирга ечимини қутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам оз эмас. Зеро, бугунги давр чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, соҳага замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли, арзон чорва маҳсулотлари билан узулқисм таъминлаш каби масалаларни кун тартибига қўймоқда. Чорвачиликка ихтисослашган корхоналарни давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш ҳам соҳа тараққиётини белгилловчи омиллардан ҳисобланади. Шу боис Президентимизнинг жорий йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгаши ташкил этилди. Кенгаш чорвачилик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати корхоналари ҳамда чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Бундан ташқари, Кенгаш чорвачиликнинг боғлиқ тармоқлари ва наслчилик соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиб боради. Бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди. Чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳсулдорликни ошириш ва озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, чорвачилик хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш, мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини назорат қилиш ҳам Кенгаш зиммасига юкланган.

Тармоқда кластердан фойдаланиш муҳим

— Олиб борилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизда чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди **«Ўзбекизоқовқатхолдинг» компаниясининг Гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Абдулатиф Қодиров**. — Масалан, 2019 йилда чорвачилик йўналишида 1,5

триллион сўмлик 853 лойиҳа ишга туширилди. Унинг доирасида 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Йил давомида республика бўйича 72 та бўрдоқчилик ва 80 та сут йўналишида янги комплекслар ташкил этилди. Бугунги кунда мамлакатимизда йилига 200 минг тоннадан зиёд гўштни қайта ишлаш қувватига эга 381 та корхона фаолият кўрсатмоқда. «Ўзбекизоқовқатхолдинг» мисолида олинса, айни вақтда компания таркибида жами 400 дан ошiq корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 24 таси қолбаса ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Сир эмас, мамлакатимизда гўшт ва қайта ишланган гўшт маҳсулотлари таннархи бошқа истеъмоли маҳсулотлари таннархига нисбатан юқори. Бу озуқа-ем маҳсулотлари таннархининг юқорилиги, озуқа-ем етиштириш учун ер майдонларининг етишмаслиги, жойларда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш комплексларининг етарлича ривожланмагани билан боғлиқ. Мазкур муаммоларга ечим топиш тармоқнинг кластерлашуви, бир хил ёки бир-бирига боғлиқ соҳаларида фаолият юритадиган ва географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган корхоналар ҳамкорлигини йўлга қўйишни ҳам тақозо этади.

Дунёда гўшт истеъмоли қандай?

Айни пайтда бутун дунёда рўй бераётган пандемия кўплаб тармоқларга ўз таъсирини ўтказиб бўлди. Айниқса, гўшт маҳсулотларининг тақчиллиги кузатилмоқда. БМТнинг ҳисоботида 2050 йилга бориб, дунё аҳолисининг сони 9,7 миллиардга етиши, бу жараёнда қишлоқ хўжалигини интенсив усулга ўтказиш ҳисобида маҳсулот ишлаб чиқаришни 80 фоизга оширмаган давлатлар ўта қийин аҳволга тушиб қолиши қайд этилган. Статистикага кўра, 50 йил

Юртимизда 2020-2022

йилларда давлат томонидан чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, республикада фаолият юритаётган наслчилик хўжаликларидан сотиб

олинган ҳар бир бош қорамолга

1 миллион сўм миқдорида,

хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг

ҳар бир бошига **2** миллион сўм,

наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир

бошига **400** минг сўм миқдорида субсидия ажратилади.

олдин глобал гўшт ишлаб чиқариш ҳажмида мол гўштини улуғи 39 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 20 фоизга тушган. Айни пайтда гўшт истеъмолининг энг катта пасайиши кузатилмоқда. Биринчи навбатда, мол гўштини савдоси кескин пасайган. Бунга ушбу маҳсулотнинг бошқа гўшт турларига нисбатан қимматроқ эканлиги ва пандемия шароитида даромадлар кескин пасайиб кетганлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Аммо нисбатан арзон бўлган товуқ гўштини тобора оммалашиб бормоқда: агар 1960 йилда жаҳон гўшт бозорининг 11 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозирда парранда гўштининг улуғи 34 фоизга чиққан. Бугунги пандемия даврида дунё бўйлаб миллионлаб аҳоли гўшдан воз кечишга мажбур бўляпти. Ишлаб чиқаришдаги узлишлар нархларнинг кўтарилишига олиб келадиган таъминот муаммоларини келтириб чиқарган.


Хулоса ўрнида

Айни дамда гўшт ва гўшт маҳсулотларини аҳолига етказиб бериш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банкларидан 20 миллиард сўмгача кредитлар ажратилган. Бу эса юртимизда чорвачиликни ривожлантириш ҳамда аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш борасида асқатиши тайин.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Тошкентга охирги икки ойда 39 минг 626 нафар фуқаро пропискага олинди.

КОММУНАЛ ХИЗМАТ кўрсатиш соҳаси қачон РАҚАМЛАШАДИ?



Арзимаган маълумотни олиш учун идорама-идора сарғайишдек ёқимсиз ҳолатни бошидан кечирмаган одам топилмаса керак. Шу кеча-кундузда уй-жой олди-сотдиси билан боғлиқ жараённи кузатадиган бўлсак, аҳоли нотариал идораларга маълумот йиғиш ташвишидан бир қадар қутулганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Аммо бу фақат пойтахтда кузатилаётган ҳолат бўлиб, уни ҳам юз фоиз деб айтиш қийин. Вилоятлардаги нотариусларга ишингиз тушса, 1-2 та коммунал идорани айтмаса, қолган ҳаммасидан маълумот йиғишингизга тўғри келади. Албатта, мавжуд аҳволнинг ўзиниям ўзгариш сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки уч-тўрт йил олдин аҳвол ғоят аянчли эди. Муаммо шундаки, жараён секин ривожланаётир, одамлар коммунал хизматларга оид бошқа масалаларда ҳам турли англашилмовчиликларга дуч келишмоқда.

Рақамли технологиялар ривожланган, бунинг устига, пандемия шароити ҳукм сураётган даврда, «давлат — фуқаро» муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффоликни таъминлашнинг самарали чораси тизимни рақамлаштиришдир. Шундай экан, навбатда туришларни камайтириш, ортиқча югур-югур, сансалорликларга барҳам бериш, вақтни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва энг асосийси, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ва пировардида фуқароларнинг давлатдан рози бўлишига қачон эришилади?

роларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти. Масалан, оилада фарзанд туғилиши ёки вафот этиш ҳолатлари тегишли давлат органлари томонидан расмийлаштирилади ва тегишли гувоҳномалар бериллади. Лекин истеъмомчи 5 иш кунидан кечикмай коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларни оила аъзоларининг қўлайиши ёки камайиши тўғрисида огоҳлантира олмаслиги мумкин. Ёки фуқаро

давлат органлари эса маълумотларни фуқарони овози қилмай бир-бирларидан олиш имкониятини яратиб беришидир.

Яна бир мисол: фуқаролар солиқ суммасини маълум сабабларга кўра, солиқ органининг бошқа ҳисоб рақамига ўтказиб юборганида, пулни қайтариш учун ариза ёзиши, паспорт нусхаси тақдим этиши ва пул маблағларининг қайтарилиши учун 2 ҳафта кутиши зарур бўлади. Энг қизиги, тўлов суммаси бошқа ҳисобга ўтказилган тақдирда солиқ органи тўловчига бу тўғрида хабар бермайди. Наҳотки, бу жараённи ҳам рақамлаштириш имкони бўлмаса? Солиқ суммаси бошқа давлатга тўлангани йўқ-ку?

ажратилган ресурслар доирасида амалга оширишмоқда. Баъзи соҳаларда рақамлаштириш илгариллаб, баъзи соҳалар орқада қолиб кетмоқда. Шу боис Ҳукумат томонидан кучли ва самарали, барча давлат органларини бирлаштира оладиган ягона платформа яратиш мақсадга мувофиқ. Ягона стратегия, тизим ва ҳаракатлар дастури ҳам мавжуд бўлиши керак. Шу билан бирга, бевосита Президент ва палаталарга ҳисобдор рақамлаштиришга масъул давлат органи жорий этилиши айтиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, рақамлаштириш бўйича лойиҳаларга буюртма беришда шаффоликка эътибор қаратиш, маҳаллий салоҳиятли компаниялар иштирок этишига имконият яратиш зарур.

“ ЯНА БИР МИСОЛ: ФУҚАРОЛАР СОЛИҚ СУММАСИНИ МАЪЛУМ САБАБЛАРГА КЎРА, СОЛИҚ ОРГАНИНИНГ БОШҚА ҲИСОБ РАҚАМИГА ЎТКАЗИБ ЮБОРГАНИДА, ПУЛНИ ҚАЙТАРИШ УЧУН АРИЗА ЁЗИШИ, ПАСПОРТ НУСХАСИ ТАҚДИМ ЭТИШИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҚАЙТАРИЛИШИ УЧУН 2 ҲАФТА КУТИШИ ЗАРУР БЎЛАДИ. ”

тураржойини ижарага бергандан давлат солиқ органларида ижара шартномасини ёки паспорт столида ижарачиларни вақтинча рўйхатга олишига қарамайдан, мазкур маълумот хизмат кўрсатувчи корхоналарга алоҳида-алоҳида етказилиши лозим. Рақамли иқтисодиётнинг асосий принципларидан бири давлат органларида 1 та ҳужжатни 1 марта тақдим этиш,

Давлат органларига 1 та ҳужжатни 1 марта тақдим этиш керак

— «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да интернет тезлигини ошириш, мобил алоқа сифатини яхшилаш, маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш учун марказлар фаолиятини ривожлантиришга оид бир қатор ишлар амалга оширилганига қарамай, соҳада оқоқликлар кузатилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Нодирбек Тилаовдиев. — Айрим соҳаларда ҳалигача эски услубда фаолият кўрсатилмоқда. Хусусан, давлат идоралари ва давлат тасарруфидати коммунал хизматларини кўрсатадиган корхоналар ўртасида маълумотлар алмашинуви ҳанузгача йўлга қўйилмаган. Бу эса фуқаро

Ягона платформа яратиш мақсадга мувофиқ

Айниқса, коммунал соҳадаги ҳисобга олиш асбобидан фойдаланишнинг чекланган муддати тугайдан белгиланган муддатда хабардор қилмаслик ва бунинг оқибатида барча айбни истеъмомчига қўйиб, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўзларининг манфаатларига муносиб равишда қайта ҳисоб-китоб қилишлари ташвишланарли ҳолат. Бу пандемия шароитида аҳолини моддий томондан янада қийин аҳволга солмоқда. Вилоятларда, айниқса, чекка ҳудудларда мобил алоқа ва интернет сифати, нархлар бўйича ҳақиқий ҳолат эса ҳаммага аён.

Ҳозирда вазирилик, қўмита ва идора раҳбарлари рақамлаштириш бўйича берилган топшириқ-вазифаларни «қўлдан келганча»,

Хулоса ўрнида

Рақамлаштириш бу — мураккаб ва маълум вақт талаб этадиган, чуқур мулоҳаза ва аниқ стратегиялар асосида амалга ошириладиган жараён. Пандемия эса ҳар бир давлатга, ҳар бир шахсга маблағлардан самарали фойдаланиш қанчалик муҳим эканлигини ўргатди. Умид қиламизки, юртимизда ҳам мазкур соҳага ажратилган маблағлар самарали йўналтирилиб, ижобий натижага эришилади. Зеро, халқимиз бу натижалар самарасини ўз ҳаётларида яққол кўришни истайди. Уларнинг ҳаётий эҳтиёжи ва талабини амалга ошириш эса устувор вазибалардан биридир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

ДХХ Тошкент шаҳрида террористик ташкилотнинг яширин гуруҳи фаолиятига чек қўйди.

ОЛИС ХУДУДЛАР ҚАЧОН газ билан тўла ТАЪМИНЛАНАДИ?

Кўп ўтмай, бугунги жазирама кунлар ортда қолиб, қузнинг салқин кунлари қиш қаҳратонига уланиб кетади. Бундай дамларда олис ҳудудларда яшайдиган юртдошларимизни совуқ кунларда уйини иситиш, ҳеч бўлмаса, чой қайнатиш учун қулай шарт-шароит яратиш билан боғлиқ муаммолар ўйлантира бошлайди.



бўйича топириқ берилди. Шунингдек, олис тоғли ҳудудлардаги аҳолига ўз вақтида ва етарли ҳажмда суюлтирилган газ етказиб бериш, суюлтирилган газ захирасини шакллантириш, газ етказиб бериш техникаларини тайёрлаш ва куз-қиш мавсумида газ таъминотида узлуксиз

Тан олиш керак, юртимизда аҳолини тўла газ билан таъминлашда етарлича муаммолар бор. Бу узоқ йиллардан буён ечимини қутаётган муаммо экани ҳам барчага аён. Эҳтимол, бир йўла бу масалани ижобий ҳал этиш имконсиздир. Аммо босқичма-босқич муаммони ҳал этиб бориш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Ҳўш, бу йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик қандай борапти? Олис ҳудудлардаги аҳолини газ билан таъминлашда ижобий ўзгаришлар бўладими?

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик қай аҳволда?

— Жорий йилнинг 17 июль куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида куз-қиш мавсумига ҳозирдан жиддий тайёргарлик кўриш, аҳоли ва сектор объектларини узлуксиз газ билан таъминлаш бўйича аниқ вазифалар берилган эди, — дейди «Худудгазтаъминот» АЖ раиси Баҳодир Эшмуродов. — Дастлабки ҳисобларга кўра, аҳолига 286 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш режа қилинган бўлса, давлатимиз раҳбари томонидан шу ҳисобни 400 минг тоннага етказиш

жараёни таъминлаш бўйича топириқлар берилди. Шундан келиб чиқиб куз-қиш мавсумида аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш бўйича барча чоралар кўрилади.

«Қиш ғамини ёзда ўйла»

Тан олиш керак, ўтган куз-қиш мавсумида баъзи ҳудудларда газ босимининг пастлиги бўйича истеъмолчиларда муаммолар юзага келган эди. Шу боис газ қувурларини босим остида зичликка синаб, ҳаво босими ёрдамида тозалаш белгиланган. Бу қишда газ босимини кучайтириш учун кўл келади. Натижада олис ҳудудларга ҳам газнинг узлуксиз етиб бориши таъминланади.

— Халқимиз орасида: «Қиш ғамини ёзда ўйла», деган нақл бежиз айтилмаган, биз ҳам айни шу нақлга амал қиляптимиз, — дейди



2022 йилга қадар табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими барча турдаги истеъмолчилар учун тўлиқ жорий этилади. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида газ тақсимлаш тармоқлари ва тегишли ускуналарни эксплуатация қилиш, истеъмолчиларга табиий газни сотиш функцияларини бажариш учун газ таъминоти объектлари хусусий операторлар бошқарувида босқичма-босқич берилади.



«Худудгазтаъминот» АЖ масъул ходими Меҳрибон Маметова. — 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишларини амалга ошириш учун режага мувофиқ, табиий газ тақсимлаш тизимидаги нуқсонларни бартараф этиш ва йўқотишларни кескин камайитириш мақсадида газ тақсимлаш тармоқларининг 118,1 км. қисмини мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш назарда тутилган. Шунингдек, 80 334 дона газ тақсимлаш пунктини техник тафтишдан ўтказиш режалаштирилган. Ҳозирда белгиланган умумий ишларнинг 72 фоизи бажарилди. Амалдаги ишлар жорий йилнинг 1 октябрь кунига қадар якунланиши белгиланган. Бунинг натижасида 241 мингга аҳоли хонадонларининг табиий газ таъминоти яхшиланади.

Режалаштирилган, бажаряптими дейиш билан масала ҳал бўладими?

Ўтган йилги мавсум ишларни янада унумли ташкил этиш кераклигини кўрсатди. Бунда аҳоли мурожаатлари билан ишлашда янгича ёндашувнинг йўлга қўйилгани кўл келди, албатта. Чунки мурожаатларни ўрганиш чоғида ҳар бир ҳудудга хос бўлган муаммолар юзага чиқди. Бу йилги ишлар ана шу мезонлардан келиб чиқиб режалаштирилди. Табиий газ етиб бориши қийин бўлган ҳудудларга суюлтирилган газ баллонларини етказиб бериш масаласи ҳам долзарб масала. Соҳа ходимлари халқни газ билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратар экан, бугун уларнинг хавфсизлигини таъминлашда ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб

келишмоқда.

— Хусусан, суюлтирилган газ баллонларини хонадон эгаларига топириш асносида тарғибот ишлари ҳам эътибордан четда қолмаяпти, — дейди М.Маметова. — Газ баллонларидан қандай фойдаланиш, уни қай ҳолатда сақлаш масаласи ҳам соҳа ходимлари томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб



амалиётга киритилган айланма усули эса аҳоли хонадонларига ўз вақтида газ баллонларини етказиб беришда кўл келяпти. Таъкидлаш керак, аввал аҳолидан маиший газ баллонлари йиғиб олиниб, ордан 1-2 кун ўтгач, қайта тўлдириб, олиб келинган бўлса, энди жадвал бўйича белгиланган ҳудуддаги аҳолидан йиғиб олиниб, шу заҳоти газ тўлдирилган бошқа баллон берилляпти.

2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумида истеъмолчиларни бир меъёردа суюлтирилган газ билан таъминлаш мақсадида жойлардаги газ тўлдириш шохобчалари ҳолати ҳам ўрганиляпти. Зарур ҳолларда қувватини ошириш мақсадида қўшимча насос ва компрессорлар, газ қўйиш калонкалари ўрнатиш ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, газ баллонларни етказиб берадиган машиналарнинг техник ҳолати ўрганилиб, мавсум давомида ишни узлуксиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Наманганда робототехника ва саноат дизайнерлари тайёрланади.

Маҳаллаларга ТУРИЗМ МАҚОМИ қандай шартлар асосида берилади?

Бугунги кунда туризм соҳаси иқтисодийётга энг катта фойда келтирувчи тармоқлардан биридир. Айни пайтда бу соҳа Ўзбекистон тараққиётидаги стратегик йўналишлардан бири сифатида баҳоланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам соҳа ривожига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Хужжат билан айни йўналишга доир қатор Низомлар тасдиқланди. «Фуқаролар йиғинларига «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ва «Туризм овули» мақомини бериш тартиби тўғрисида»ги Низом шулар жумласидан. Низомда белгиланган чораларнинг амалга оширилиши ҳудудлардаги маҳаллаларнинг янада обод бўлиши, аҳоли даромади ва фаровон турмушининг кўтарилишида муҳим аҳамият касб этади.



лиш орқали маҳаллий аҳолининг маданияти ва анъаналари янада оммалаштирилади. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли янада яхшиланади. Бир сўз билан айтганда, ҳудудлар обод бўлиб, аҳолининг турмуш тарзи фаровонлашади.

Маҳаллаларга қандай шартлар қўйилади?

Фуқаролар йиғини туризм маҳалласи мақомини олиши учун қатор талаблар ва шартларга жавоб бериши лозим. Энг аввало, фуқаролар йиғини ҳудудда камида 20 та оилавий меҳмон уйлари мавжуд бўлиши, туристларга тураржой ва овқатланиш хизматларидан ташқари, камида 5 та сифатли туристик хизматлар тақдим этилиши шарт.

— Сайёҳлар харид қилиши учун камида битта маҳаллий ишлаб чиқарилаётган эсдалик совғалари (сувенир дўконлари)ни сотиш шохбаси бўлиши ҳам талаб этилади. — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тадбиркорлар билан ишлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Иброҳим Барноев. — Маҳалланинг табиий иқлим шароити ва ҳолати экологик (геотуризм), агротуризм (қишлоқ), этнографик, маданий ва тарихий туризм хусусиятларидан бирига эга

бўлиши даркор. Шунингдек, қўлимча кўнгилочар масканлар, сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш манзиллари (тураржой ва овқатланиш хизматлари), зарурий инфратузилма (автомобиль йўллари, транспорт алоқаси, алоқа воситалари, ичимлик суви, электр энергияси, Интернет, совуқ мавсумда иситиш тизими), биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг мавжудлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қандай имтиёзлар тақдим этилади?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: дейлик, фуқаролар йиғини «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ва «Туризм овули» мақомини олди, бунинг учун зарур инфратузилмани яратди. Ҳўш, бу мақомга эга бўлган йиғинларга қандай қулайлик ва имтиёзлар тақдим этилади? Улар қандай қўллаб-қувватланади?

— Бундай мақомга эга бўлган йиғинлар бир қатор имтиёзларга эга бўлади. — дейди И.Барноев. — Ҳусусан, бундай манзиллар «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига биринчи навбатда киритилади. Сайёҳларга хизмат кўрсатадиган аҳоли бепул ўқитилади. Йиғин ҳудудидagi диққатга сазовор манзиллар оммавий ахборот воситаларида бепул тарғиб қилинади. Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бюджетдан ташқари маблағлари ва бошқа турдош маблағлар ҳисобидан маҳаллий сайёҳлик кўргазмалари ва бошқа керакли

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ариза қанча муддатда кўриб чиқилади?



— Фуқаролар йиғинига «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ва «Туризм овули» мақомини бериш ҳақидаги аризалар қанча муддатда кўриб чиқилади?

Дилдора МАҲМАРАИМОВА.
Қашқадарё вилояти.

Лола РАҲМОНБЕКОВА,

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мутахассиси:

— Тақдим этилган хужжатлар беш иш кунини кўриб чиқилади ва ваколатли давлат органига юборилади. Ваколатли давлат органи аризани кўриб чиқиш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва туризм соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва ходимларидан иборат таркибда махсус комиссия тузади.

Махсус комиссия етти иш кунини ваколатли вакиллар фуқаролар йиғини ҳудудига чиқиши ва ўрганиш ўтказишини таъминлайди. Ваколатли вакиллар икки иш кунини ортиқ бўлмаган вақтда фуқаролар йиғини ҳудудига туристлар қабул қилиш учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда тегишли Низом талабларига мос келишини ўрганади. Ун беш иш кунини фуқаролар йиғинларининг Низом талаблари ва шартларига жавоб бериши ёки бермаслиги ҳақидаги ҳулоса тайёрланади.

материаллар тайёрланади. Бундай масканлар вилоятнинг туристик масканларига биринчи навбатда киритилади. Бир сўз билан айтганда, ваколатли давлат органи томонидан ҳар жабҳада ушбу йиғинларга қўмак берилади.

Шунингдек, ваколатли орган — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм маҳаллаларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади. Ҳудудда қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан доимий мониторинг олиб боради ва йиғин фаолиятини такомиллаштириш бўйича тақлифлар беради. Низомга кўра, ҳар йили «Йилнинг туризм фуқаролар йиғини» танлови ўтказиб борилади. Голиб бўлган йиғин фаолияти рағбатлантирилади.

Ҳулоса қилиб айтганда, минтақамизнинг ҳар бир ҳудуди туризм нуқтасига айланса, мамлакатимизнинг дунё фаоллари рағбатлантирилади. Ҳудудлар ободонлигига эришилади.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

Алишер Навоий асари асосида яна бир мультфильм суратта олинади.

Яқинда кенг жамоатчилик орасида пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ўрнида янги тураржойлар ва бизнес маркази қурилиши ҳақида гап-сўзлар кўпайди. Кейинчалик маълум бўлишича, кўпчилик муҳокамасига сабаб бўлган ҳолат янги лойиҳа асосида боғни модернизация қилиш, эски аттракционларни янгилигига алмаштириб, хиёбонга янги кўчатлар экиш билан боғлиқ экан. Юртдошларимизнинг ушбу лойиҳадан беҳабар экани тушунмовчиликларга сабаб бўлди.




Аҳоли пунктларининг БОШ РЕЖАСИ нега муҳокама қилинмайди?

Шаҳарсозлик қачон шаффоф ва коррупциядан холи соҳага айланади?

Хўш, бу ерда ким айбдор: лойиҳадан беҳабар ҳолда хабар тарқатган одамларми? Ёки пойтахтдаги асосий дам олиш масканидаги ўзгаришлар ҳақида аҳолига вақтида ахборот бермаган ҳокимликми? Умуман, қачон оддий одамлар ўзи яшайдиган ҳудуддаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлади? Ҳудуд қиёфасини янгилашда нега одамлардан фикр сўралмайди? Оқибатда кимнингдир бирёклама ўйлаб қилган режаси сабаб айрим бинолар бузилиб кетади, кўп йиллик дарактлар кесилади. Муаммоларни бартараф этиб, халқ розилигига хизмат қиладиган янги тизим яратиш фурсати етмадимми?

— Ҳар бир жабҳадаги янгиликни амалга ошириш учун, аввало, қонуний асосни мустаҳкамлаб олиш зарур бўлади. — дейди Қурилиш вазирлиги Юридик бюро бошлиғи Акбар Ражабов. — Худди шунингдек, шаҳарсозлик ишларини янада шаффоф, соат каби аниқ ишлайдиган, лунда қилиб айтганда, замон нафасига мослашимиз зарурати бор эди. Янги таҳрирдаги Шаҳарсозлик кодекси соҳада туб ислохотларни олиб бориш имконини берадиган қонуний ҳужжат бўлди. Ушбу кодекс аввалгисидан ҳуқуқий тартибга солишдаги ёндашувлари ва усуллари билан фарқланади. Яъни кодексдаги қонуности ҳужжатларини талаб қиладиган моддалар олиб ташланди. Уларнинг ўрнига тўғридан-тўғри ишлайдиган моддалар киритилди.

Муҳим ўзгаришлар дея сифат ва шаффофликни таъминлашга эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш керак. Жумладан, соҳани рақамлаштириш орқали коррупция ва турли тушунмовчиликларга барҳам берилади. Шунингдек, кодексда қурилиш материалларига бўлган талаблар ҳам кайд этилган. Бу меъёр эса қурилишда замонавий, илғор технологилар ва энергия тежовчи материалларни қўллаш учун хизмат қилади. Умуман олганда, ушбу ҳужжат юртимиздаги



бунёдкорлик ишларини янги босқичга олиб чиқиб, шаҳарсозликни шаффоф ва коррупциядан холи соҳага айлантиради.

Бош режа нега муҳокама қилинмайди?

Мутасадди ходим айтганидек, шаффоф тизим бўлиши, коррупцияга ўрин қолмаслиги кишига умид беради. Аммо ўзимиз яшайдиган маҳалла, туман қиёфаси ўзгариб бўлгач хабар топиб, яна бармоғимизни тишлаб қолавермаймизми?

— Таъкидлаш лозим, Шаҳарсозлик кодекси маънан эскирган бўлиб, унда шаҳарсозликни техник тартибга солишнинг замонавий механизмлари, рақобат муҳитини яратиш ва умуман соҳадаги замонавий тенденциялар кўзда тутилмаган эди. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қахрамон Эргашев. — Янги қабул қилинган кодекс шу каби жиҳатларга эътибор қаратилгани билан ҳам аҳамиятли. Айтиш керакки, шаҳарсозликда жамоатчилик назорати муҳим аҳамиятга эга. Кодексда аҳоли пунктнинг бош режалари халқ муҳокамасига қўйилиши, аҳолининг ўзи яшайдиган шаҳар ёки кишлоғининг бош режаси тасдиқланишида иштирок этиши ҳудудларда ортиқча сарф-харажатлар, ноқонуний қурилмалар, ерларни ноқонуний ўзлаштиришларнинг олдини олиш каби нормаларга эътибор қаратилган.

Бу, ўз навбатида, ҳар бир фуқа-

рога ўзи яшайдиган аҳоли пунктида келажақда қандай иншоотлар, инфратузилма объектлари, ижтимоий ва бошқа халқ учун хизмат қиладиган масканлар қурилишига ўзининг фикрини бериши, қолаверса, шу объектларнинг қурилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнаттиш имкониятини беради. Бу эса муайян ҳудуддаги ижтимоий ва бошқа масалаларни ечишда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлайди, атроф-муҳит муҳофазасини амалга оширишга, бош режаларнинг ишлаб чиқилиши пухта ҳамда ортиқча харажатларсиз амалга оширилишига, шунингдек, ноқонуний ерларни ўзлаштириш ва ноқонуний қурилмалар қуришнинг олдини олишга замин яратади.

«Снос»лар муаммоси барҳам топади

— Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнидаги муҳокама-лар чоғида халқ тилида «снос» дея тилга олинadиган муаммага ҳам эътибор қаратилди. — дейди Қ.Эргашев. — Жумладан, кодексга ер участкаларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиш ва зарарни қоплашни таъминлайдиган норма киритилди. Унга кўра, ер участкаларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олишдан аввал юридик ва жисмоний шахсларга компенсация тўлиқ қопланиб берилади. Шундан кейингина биноларни бузиш мумкинлиги кодексда белгилаб қўйилди. Бу, албатта, фуқароларнинг

**МАВЗУГА ОИД
МАЪЛУМОТ:**

Шаҳарсозлик кодексининг 10-моддасига кўра, фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, башарти шаҳарсозлик фаолияти уларнинг манфаатларига дахл этадиган бекор қили-

нишни талаб қилиш; шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг жойлаштирилиши, лойиҳалаштирилиши, қурилиши, реконструкцияси ёки фойдаланишга топширилиши тўғрисидаги қарорнинг маъмурий ёки суд тартибидан бекор қили-

нишни талаб қилиш; шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги муносабати билан фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга даъво тақдим қилиш каби ҳуқуқларга эга.

норозилик ва шикоятларининг олдини олиш, бюрократик тўсиқларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, янги таҳрирдаги кодексда ҳудудларни ва аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатдан режалаштириш, ер участкаларини бериш ва улардан фойдаланиш, бинокорлик материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг, шунингдек, ҳудудлар ва аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятлари инобатга олинган ҳолда лойиҳалаштириш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди. Бундан қўзланган мақсад эса жамият ва давлатнинг, юридик, аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришдан иборатдир.

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ

«Mahalla»

Ўзбекистон ҳарбийлари «Халқаро армия ўйинлари – 2020»да иштирок этмоқда.

«Ободлик — кўнгилдан бошланади» дейдилар.

Дарҳақиқат, агар инсоннинг қалби, вужуди ўзгармаса, у ўтирган хонадон, яшаётган маҳалла ҳам обод бўлиши қийин. «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» дастури ижроси доирасида Самарқанд вилоятининг айрим маҳаллаларида амалга оширилаётган юмушлар билан танишар эканмиз, шу фикр ҳаёлимиздан ўтди.

«Атрофни ким ифлос қилган бўлса, ўша тозаласин...»

«Каттақишлоқ» — Жомбой туманининг қоқ марказида жойлашган энг йирик маҳаллалардан бири. Қарийб 10 дан ортиқ қишлоқни ўз ичига олган йиғин ҳудудида 8 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Йиғиннинг Узунувул қишлоғида бундан икки йил муқаддам арзон уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Дастур ижроси борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида бу ерга ташриф буюрганимизда гоё ачинарли ҳолатнинг гувоҳи бўлдик.

Намунали уйлар атрофи қаровсизликдан бегона ўтлар, тиканлар билан қопланган. Ҳар жойда чиқиндилар тартибсиз ҳолда сочилиб ётибди. Хўш, бу ерда кимлар истиқомат қилар экан, деган қизиқиш билан ҳали рақам ҳам қўйилмаган уйлардан бирининг эшигини тақиллатдик. Ўзини Зулайхо деб таништирган уй бекасининг айтишича, унинг оиласи яқинида Иштихон туманидан кўчиб келган. Унинг айтишича, уйнинг эгаси бошқа одам, улар бу ерда фақат ижарада туришади.

Зулайхо опанинг кўшнисини, ўзини таништиришни истамаган 40 ёшлардаги Зокир исмли эркекнинг гапи эса ҳаммасидан ошиб тушди: «Атрофни ким ифлос қилган бўлса, ўша тозалаб берсин. Бегона ўтларни юлиш, ҳудудни чиқиндилардан тозалаш учун эса махсус ташкилот бор. Ўшалар қилиши керак».

— Ахир бу сизнинг уйингиз атрофи-ку, уни ҳам кимдир тозалаб бериши керакми? — сўраймиз ундан. — Лоақал хотинингиз, болаларингизга айтсангиз ҳам дарвозангиз атрофини тозалаб қўйиши мумкин эди.

— Турмуш ўртоғим ишда, болалар эса мажбурий меҳнатдан озод қилинган, улар илм олиши керак...

ОБОДЛИК АСЛИДА ОДАМНИНГ ОДОБИ ЭМАСМИ?

Дастур ижроси ободонлаштириш бўлимига қолдимми?

Намунали уйлар жойлашган мазкур кўчада туман ободонлаштириш бўлими ишчилари шундай жазирама иссиқда чанг-тупроққа беланиб, ҳудудни бегона ўт ва янтоқлардан тозалашяпти.

— Бу уйларга вилоятнинг турли туманларидан ҳар хил оилалар кўчиб келишган, уларнинг аксарияти ижарада туришади, — дейди «Каттақишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Башорат Шамсиева. — Негаки, мазкур уйларнинг аксариятини ўзига тўқ кишилар сотиб олиб, бошқаларга ижарага беришган. Шу боис бу ерда тартиб йўқ, ҳар ким ўзига ҳўжайин. Шу бошбошдоқлик сабаб туман ҳокимидан ободонлаштириш бўлими ходимларини мазкур кўчага юборишни илтимос қилиб сўрадим. Ахир бошқа иложим йўқ эди.

Демак, «Обод кўча», «Обод хонадон», «Обод маҳалла» Жомбойда ободонлаштириш бўлими томонидан обод қилинаётган экан-да! Бу саволимизни раис ерга қараганча тан олди: «Ҳа, ҳозирча шундай!»

Шу ўринда бир мулоҳаза. Мажбурий меҳнатни айрилмалар биров нотўғри талқин қилишяпти назаримизда. Ўз уйинг, ҳовлинг, ўтирган ерингни тозалаб, чиройли қилиб қўйиш мажбурий меҳнатга кирмаса керак, ҳар ҳолда. Агар бу юмушларни мажбурий меҳнат, десак, қайсидир ҳожатбарорни кутиб, лой-балчиққа ботиб ўтиравериш керакми?

Ободлик яна ҳужжат тўплаш деганими?

Худди шундай ҳолатни туманнинг «Найман» фуқаролар йиғинида ҳам учратдик. Бу ерда яшовчиларнинг уйлари дарвозаси атрофи, боғи ва ҳовлисини бегона ўтлар макон қилган.

— Афсуски, маҳалламизда шунақа хонадонлар ҳам бор, — дейди «Найман» йиғини раиси Назира Мардонқулова. — Шу боис жамоамизнинг кучи билан мана шу кўчанинг бошидан бошлаб уйларнинг деворларини оқлашга киришдик. Ҳозиргача қарийб 20 та хонадоннинг деворларини оқлаб қўйдик.

Ўрганишларимиз давомида яна бир нарсасага амин бўлдикки, тумандаги айрим маҳалла раислари «Обод маҳалла», «Обод кўча»,



«Обод хонадон» дастурининг мазмун-моҳиятини ҳалигача тўла англаб етганлари йўқ. Уларнинг назарида мазкур дастур ҳам аввалгиларига ўхшаб қоғоз ва папка тўлдиришдан иборат.

Жумладан, «Қўлбости» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурахим Абдуваҳобовнинг айтишича, йиғин ҳудудида жойлашган Ҳўжаобод қишлоғидан 68 та хонадонни «Обод хонадон» дастурига киритиш бўйича махсус папка тайёрланган. Раисдан ўша папканинг ичидида нималар борлигини сўраганимизда, раис папка қайсидир ходимнинг хонасида турганини айтди-ю, афсуски, уни кўрсатолмади. Йиғин буюми эса, юмшоқ қилиб айтганда, ачинарли аҳволда.

— Яқинда бинонинг кириш эшигини янгисига алмаштирдик, кейинроқ хоналарни ҳам таъмирламоқчимиз, — дейди Абдурахим Абдуваҳобов. — Бундан ташқари, қишлоқ қабристони ҳам ҳомийлар ёрдамида девор билан ўралмоқда. «Обод хонадон» бўйича махсус папка ташкил қилиб, унга 68 та хонадонни киритганмиз. Аммо папка ўринбосарнинг хонасида экан. У ҳозир йўқ эди...

Тинчлик кўчаси нотинчми?

Ҳамма жойда «Обод маҳалла», «Обод кўча» «Обод хонадон» дастури бўйича саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётган бир пайтда Булунгур туманидаги «Мингтепа» маҳалла фуқаролар йиғини Мингтепа қишлоғидаги Тинчлик кўчасида негадир нотинчлик ҳукм сураётгандек.

— Бу ерда йўл муаммоси анчадан буён аҳолини қийнаб келяпти, — дейди шу кўчада яшовчи Дилафрўз Пўлатова. — Сабаби, бу ерда яшовчи айрим одамлар икки томондан қурилиш қилавериш, кўчани тор қилиб қўйган. Мазкур масала юзасидан юқори ташкилотларга қилган мурожаатларимиз бесамар кетяпти.

Хўш, Тинчлик кўчасидаги ноаҳилликнинг асли сабаблари нимада?

— Менинг ўзим ҳам шу кўчада истиқомат қиламан, — дейди



«Мингтепа» маҳалласи раиси Назокат Жуманова. — Бу ерда ҳеч қанақа ноаҳиллик йўқ, аксинча, барча қўшнилари бир-бири билан иноқ. Тўғри, кўчамизнинг баъзи жойлари бироз торайган эди, аммо яқинда ўша жойлар кенгайтирилди ҳамда кўчамизни капитал таъмирлаш ва асфальт ётқизиш ишлари 2021 йилги «Йўл харитаси»га киритилди. 2021 йилнинг биринчи чорағида кўчамиз ҳақиқий обод кўчага айланади.

Бўлар экан-ку!

Мазкур мақола тайёрланаётган пайтда Қўшработ туманидаги «Қовунчи» маҳалла фуқаролар йиғинидан хабар келди. Унда айтилишича, газетамизда бундан бир ой муқаддам эълон қилинган ҳудуддаги йўл ва кўприкнинг аянчли ҳолати ҳақидаги танқидий материалдан сўнг, қўшработлик йўлсозлар ишга киришган. Ҳозирда йиғин ҳудудида йўл ва кўприкни таъмирлаш бўйича кенг қамровли ишлар бошлаб юборилган.

— Авваламбор, таҳририят жамоасига бутун маҳалламиз аҳли номидан чуқур миннатдорлик билдираемиз, — дейди «Қовунчи» маҳалла фуқаролар йиғинидаги қишлоқ врачлик пункти мудири Иноят Аркаев. — Мақола эълон қилинган, икки ҳафта ўтар-ўтмас, «Қўшработ йўл таъмирлаш» давлат унитар корхонаси ишчилари енг шимариб ишга киришдилар. Насиб қилса, бизнинг кўча ҳам эндиликда обод кўча бўлишидан хурсандмиз.

Гапнинг очиги, бу хабар жойлардаги масъулларнинг матбуотдаги танқидий чиқишларга муносабати ўзгараётганидан дарак берди. Аммо ҳали хурсанд бўлишга биров эрта. Негаки, ҳамма жойда ҳам ҳўроз бирдек қичқирмаяпти ҳали. Уйлаймизки, юқоридаги мулоҳазалардан таъхирлаш фаоллари ҳам, масъуллар ҳам, оддий одамлар ҳам тўғри хулоса чиқаришади. Биз эса ўрганишларимизни давом эттирамиз.

Ёрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Конликўл — Қорақалпоғистоннинг энг олис туманларидан бири ҳисобланади. Шу боис бу ердаги кичик бир ўзгариш ҳам тезда кўзга ташланади, инсонлар ҳаёти ва кайфиятига ижобий таъсир қилади. Утган йили ҳудуддаги «Наврўз» маҳалласининг «Обод маҳалла» дастурига киритилгани ҳам одамлар учун қувончли хабар бўлган эди. Улар дастур доирасидаги ишлар амалга оширилса, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларга тўла барҳам берилишига ишонган эди. Аммо уларнинг умиди пучга чикди...

Мурожаатга

МАСЪУЛЛАРНИНГ ҲАНУЗГАЧА


жавоби йўқ

**Эски мактаб, сувсиз овул
ва умиди узилётган
одамлар**

«Наврўз» йиғинининг бир гуруҳ фаоллари тахририятимизга йўллаган мурожаатни ўрганиш, ҳудуддаги асл вазият билан танишиш мақсадида Конликўл томон йўл олдик.

— Овулимиз маҳалла марказидан 7 км. узоқда жойлашган, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, биринчи гуруҳ ногирони Нурлибой Даулетбаев. — «Обод маҳалла» дастури доирасида, асосан, маҳалла маркази атрофида унча-мунча иш олиб боришди. Лекин Ахун овули, Қора хўжа, Сақу овулларидаги анча йиллардан буён ечимини кутаётган муаммоларнинг биронтасига ҳам эътибор қаратилмади. Бу атрофда 200 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Овулимизга боғча жуда зарур. Ўзимизнинг ҳисоб-китобимизга кўра, ҳудуддаги 175 нафар бола бошқа овуллардаги боғчага қатнамоқда. Шу ердаги 14-умумтаълим мактаби ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган. Лекин бирон марта таъмирланмаган.

Овулимизда биронта спорт зали бўлмагани боис фарзандларимиз спортдан ҳам йироқ бўлиб улғаймоқда. Йўлнинг носозлиги сабаб ёмғирли кунларда болаларнинг мактабга бориши муаммо бўлиб қолаётганини айтмас ҳам бўлади. Яна бир долзарб муаммо: қишлоқ врачлик пунктининг узоқлиги билан боғлиқ. Овул аҳолиси 15 км. узоқдаги «Арзимбет қум» йиғинидаги оилавий поликлиникага қатнашга мажбур. Бу ҳолат, айниқса, қиш кунларида ёш боласи бор оилалар учун азобга айланади. Утган асрдан қолган трансформаторнинг эскиргани эса озгина ёмғир ёғса, овул чироқсиз қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Муаммоларни бартараф этиш учун ёрдам сўраб сектор раҳбарларига, туман ҳокимлигига бир неча бор мурожаат қилдик, лекин бирон ижобий натижа бўлмади.



Ваъдалар берилади, лекин бажарилмайди

Тўғри, қонликўлликлар учун газ, сув, электр таъминоти долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шу билан бирга, спорт ва болалар майдончалари, кутубхона, боғча, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари сингари кўплаб қурилиш ишларига ҳам эътибор қаратилса, ҳудуднинг ободлиги кўзга ташланган бўлар эди. Чунки бугунги кунда дорихона, кутубхона, сартарашхона, ҳаммом ва тикув цехи каби хизматларга бу ернинг халқи жуда муҳтож. Ҳудуднинг марказдан олислиги ушбу муаммонинг нечоғли аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Бир қаватли 8-9 та синфхонадан иборат мактабда 200 нафарга яқин ўқувчи икки сменада таҳсил олади. Мактаб охириги марта 2007 йилда таъмирланган.

— Мактабимиз замонавий таъмирлашни талаб қилмоқда, — дейди муассаса директори ўринбосари Елиубай Раметуллаев. — Бу ердаги 36 дон компьютернинг 24 таси эскирган. Мактабнинг бугунги ҳолати ўқитувчилар ва ота-оналар ёрдами билан ушлаб турилибди. Ўқувчилар орасида спортта қизиқувчилар талайгина. Улар ўз иқтидорини намойиш этиши учун спорт зали ва жихозлари керак. Муассасанинг стадиони эса озгина ёмғирда шўр бостанидан оёқ босиб бўлмайдиган лойга айланади. Бу масала 2014 йилдан буён айтиб келинади. Лекин берилган ваъдалар бажарилмай қолиб кетмоқда.

Ачинарлиси, таълим маскани жамоаси яхши илҳом билан эккан кўчатлари ҳам сув йўқлиги боис қурийдиган ҳолга келиб қолган. Кимдир яхши қаров йўқлигини рўқач қилиши

мумкин, аммо аҳоли хонадонларига экилган экинларнинг ҳам аҳоли мактаб дарахтларидан кам эмаслиги муаммо сув билан боғлиқ эканини тасдиқлайди. Бу эса наврўзликларнинг ҳафсаласини пир қилади.

— Маҳалламиздаги 180 га яқин хонадонни оқин сув билан таъминлаш зарур, — дейди «Наврўз» йиғини раисининг томорқа ва ободонлаштириш бўйича ўринбосари Аяпберген Раметов. — 5 км.дан узоқ оралиқ ариқлар тўлиб қолган. Улар қайтадан қазилмаса, сув чиқариб бўлмайди. Бу ердаги ҳолатдан туман ҳокимлиги масъуларининг хабари бор. Йиғилишларда бу муаммо доимо айтилади. Лекин фойдаси бўлмаяпти.

Масъуллар нима дейди?

— Тумандаги барча ҳудуд имкониятга қараб сув билан таъминланяпти, — дейди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўйича ўринбосари Нийетбай Абдуллаев. — Эрта баҳорда бир-икки нафар фермер мурожаат қилган эди, 3 км. атрофидаги масофада қазил ишларини олиб бордик. Аммо «Наврўз» маҳалласининг аҳолиси қилган мурожаатидан хабаримиз йўқ.

Ҳоким ўринбосарининг бу жавоби бизни ажаблантирди. Эҳтимол, ҳоким ўринбосари ростдан ҳам, ушбу мурожаатларни эшитмай қолгандир. Аммо у ҳудудга масъул ходим сифатида жойлардаги муаммолардан хабардор бўлиши керак эмасми?!

Юқорида таъкидланганидек, ҳудуддаги мактаб таъмиртаълаб бўлиб қолган, спорт зали, йўллар, боғ-

ча, янги трансформатор қурилиши билан боғлиқ муаммолар ечимини кутиб ётибди. Ҳўш, бу борада яқин орада ўзгариш бўладими?

— Туман бўйича 7 та мактабни таъмирлаш, спорт зали, фаоллар зали қурилиши бўйича вазирликка тақлиф берилган, — дейди туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Мурат Мамбетирзаев. — Ушбу мурожаатнинг натижасини кутяпмиз. «Наврўз» маҳалласида ҳозирча хусусий болалар боғчаси қурилишини ташкил этиш учунгина имконият бор. Бунинг учун, албатта, тadbиркорлардан кимдир ташлаб-бус кўрсатиб чиқса, ер участкаси ажритилиб, кредит олишига ёрдам берилади. Қолган муаммоларнинг барчаси 2021-2022 йилнинг қурилиш режасига киритилади.

Туман ҳокимлигининг мутасадди ходимлари билан мазкур муаммолар бўйича қилган суҳбатларимиз давомида улар, асосан, бугунги пандемия даврида айрим соҳаларда ишларнинг чеклангани, вазият юмшаши билан барча муаммоларга ечим топилишини айтиб ўтди. Тўғри, пандемия кўплаб соҳалардаги ишларнинг кечикишига сабаб бўлди. Лекин юқорида айтилган муаммолар бир кунда пайдо бўлиб қолмаган ва узоқ вақтдан буён ечимини кутиб келяпти. Умид қиламизки, мутасаддилар масъулиятни теран ҳис этган ҳолда, «Наврўз» маҳалласи оғирини енгил қилишга бел боғлайди. Биз эса бу мавзуга яна қайтамыз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

«Ёшлар парламенти»нинг биринчи мажлиси ўтказилди.

«МАКЛЕР»ЛАР

фаолияти қачон тартибга солинади?



Ижарага уй керакми, ё хонадон сотиб олишни мўлжалладикми, ер-мулк харид қиламизми, дарров «маклер»ларга мурожаат қилишга одатланганмиз. Уларнинг аксарияти эса расмий равишда фаолият юритмайди. Афсуски, баъзан уларга алданиб қолган одамлар ҳам йўқ эмас. Статистик маълумотларга қараганда, бугун расмий номи риэлторлик, халқ орасида «маклер»лик фаолияти билан шугулланувчиларнинг атиги 20 фоизи расмий лицензияга эга шахс ёки юридик ташкилотдир. Шунингдек, риэлторлик фаолияти фақатгина пойтахтимизда оммалашган.

Хўш, мамлакатимизда бу фаолият турининг ноқонуний кўриниши уричб бораётганига нима сабаб бўлмоқда? Риэлторлик фаолиятини оммалаштиришга тўсқинлик қилаётган омиллар нималардан иборат? Уларни лицензиялаш талаблари қандай?

Лицензияни қайси ташкилот беради?

Одамнинг табиати шунақа: ҳар доим ҳам ташлаётган қадамнинг оқибатлари ҳақида ўйлаб ўтирмайди. Агар кимда-ким кўчмас мулк бозорига ноқонуний ишлаётган кишига мурожаат қилса, шуни унутмаслик керакки, бундай битимлар ҳеч қандай қафолатга эга бўлмайди. «Маклер»лар мижозлар билан оғзани келишиб, ўзига тегишли улушини олишади, бироқ ҳеч қандай жавобгарликка эга бўлмайди.

Хўш, уларнинг кўпайишига нима сабаб бўлмоқда? Айтиш керакки, солиқдан қочишга бўлган уриниш, масъулиятни олмасдан даромад топишга бўлган интилиш бунга сабаб бўлаётир. Бундан ташқари, риэлторлик фаолияти билан расмий равишда шугулланиш учун бир қатор қонун ҳужжатлари талабларини ҳам бажариш зарур.

— Ҳеч бир киши ёшлигидан «маклер» бўлман деб орзу қилмайди. — дейди ўзини Умида деб таништирган «маклер». — Бу иш билан шугулланишга иқтисодий қийинчиликлар, турмуш ташвишлари мажбур қилади. Шу пайтгача хизматимдан биронта харидор ҳам, уй эгаси ҳам норози бўлмаган. Ризқимни ҳалол ишлаб топаман. Аммо шу «маклер»лик фаолияти учун рухсатнома олманман. Чунки бунинг бир қатор овозгарчилиги бор. Шунингдек,

уч ой малака оширишим керак экан. Айтинг-чи, бу пайтда оилам ва бола-чақамни ким боқади? Рухсатнома бўлмаса ҳам фаолиятимда қонундан четга чиқманман.

Дарҳақиқат, риэлторлик фаолияти билан шугулланмоқчи бўлган шахс, аввало, лицензияга ва малака сертификатига эга бўлиши талаб этилади. Шунингдек, ҳар уч йилда бир марта малака ошириш курсларида ўқиши шарт. Кўпчилик «маклер»ларнинг фикрини тинглаганимизда малака ошириш курсида ўқиш, лицензия ва сертификат олиш ортиқча овозгарчиликдек туюлади.

— Тан олиб айтиш керак риэлторлик фаолиятини тартибга солишчи қонунчилик ҳамда уни лицензиялаш тизимида бир қатор тушунмовчиликлар мавжуд эди. — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги мутахассиси Дилноза Исмагулова. — «Маклер»ларга лицензия берувчи ташкилотнинг ўзгариб тургани ҳам англашилмовчиликларга сабаб бўларди. Аввалга Давлат рақобат кўмитаси риэлторлик фаолиятини лицензияловчи масъул ташкилот ҳисобланарди. Кейинчалик бу ҳудудий ҳокимликлар зиммасига юклатилди. Бироз муддат давомида лицензиялаш тўхтатиб ҳам қўйилди. Айни пайтда «маклер»

ларга малакавий сертификат ҳужжатларини тикдим этиш Давлат активларини бошқариш агентлиги вазифаси ҳисобланади.

Соҳада «хабардор қилиш» тизими қачон ишлайди?

Таъкидлаш лозимки, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлиғига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари учунгина лицензиялаш назарда тутилган.

— Ушбу қонундан келиб чиққан ҳолда, риэлторлик фаолиятини лицензиялашни шарт бўлмаган фаолият деб ҳисобласа бўлади. — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сисёат тадқиқот институти бўлим бошлиғи Сардор Аvezов. — Аслида риэлторлик фаолияти лицензиялашдан ташқари бошқа усуллар билан ҳам тартибга солиб турилиши мумкин ва кўпгина ривожланган мамлакатларда риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун хабардор қилиш тартиби жорий этилган. Ўтган йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2 068 нафар шахсга риэлторлик малака сертификати берилган, 272 та юридик ва жисмоний шахс риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия асосида фаолият юритган.

Хўш, риэлторлик соҳасини тизимли йўлга қўйиш учун нималар қилиш керак? Бу борада хорик тажрибаси қандай?

— Буюк Британияда «Кўчмас мулк агентлари тўғрисида»ги ва «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ, риэлторлик фаолияти билан кўчмас мулк агентликлари ва яқка тадбиркорлар шугулланиши мумкин ҳамда улардан лицензия талаб этилмайди, — дейди С.Аvezов. — Фақатгина улардан Кўчмас мулк департаменти томонидан юритиладиган кўчмас мулк агентлари реестрига кириш сўралади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда айна шунга

ДАРВОҚЕ...

Маклер — сотувчи ва харидор ўртасидаги воситачи, товарлар, қимматли қоғозлар, хизматларнинг олди-сотдисида қатнашувчи шахс ҳисобланади. «Маклер» келишувда қатнашган томонларнинг ҳар биридан олди-сотди қийматининг муайян фоизи миқдоридида ҳақ олади.


ўхшаш қонун меъёрлари ўрнатилган.

Яқинда Адлия вазирлиги «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони лойиҳасини жамоатчилик муҳока-масига қўйди. Лойиҳада Ўзбекистонда риэлторларни лицензиялаш бекор қилиниши мумкин. Малака ошириш курсларида ўқиш талабини ҳам бекор қилиш, малака сертификатининг амал қилиш муддатини 5 йилдан 10 йилга узайтириш режалаштирилган.

Шунингдек, фармонда риэлторлик ташкилотларнинг жамоат бирлашмаларини Давлат активларини бошқариш агентлигидан аккредитациядан ўтказиш ва ўзини ўзи бошқариш механизмининг жорий этиш ҳамда ягона ахборот тизимини жорий қилиш, риэлторлик хизматларини ушбу тизим орқали бажариш тартибини белгилаш фикри илгари сурилмоқда. Худудларда «маклер»лар сонини кўпайтириш, соҳани оммалаштириш учун турли солиқ имтиёзлари тақдим этилиши кўзда тутилмоқда.

Юртимизда бу соҳанинг ривожланиши турли жонотлар, асосан, фирибгарлик ҳолатларини қамайтиради. Шунингдек, кўчмас мулк савдосини жонлантириб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлайди. Бу эса халқимиз фаровонлиги мамлакатимиз ривожига ўз хиссасини қўшмай қолмайди.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»



Ўзбекистон 2025 йилда ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларига мезбонлик қилади.



Одам савдоси жинойти бугунги кунда глобал ҳодисага айланиб улгурган. Хусусан, мамлакатимиз фуқаролари орасида ҳам одам савдоси қурбонига айланётганлар учраб туради. Буларнинг барчаси давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ушбу иллатга қарши қатъий чоралар кўришни, одам савдосига жалб этилган ва ундан жабр кўрганларни муҳофаза этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

га мувофиқ фақатгина кўзгатишган жинойт иши асосида амалга оширилади. Бу шуни англатадики, хорижий давлатлар ҳудудида фуқароларимиз билан боғлиқ одам савдосига оид ҳолат юз берса, тўлақонли терговга қадар текширув ўтказиш ва вазиятга ҳуқуқий баҳо бериш имконияти мавжуд эмас. Биргина 2019 йилда одам савдоси сифатида квалификация қилинадиган хатти-ҳаракатлар бўйича тушган мурожаатларнинг 86 фоизи хорижий давлатлар ҳудудида содир бўлган. Қонунчилигимиздаги камчиликлар туфайли ушбу фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш, яъни, уларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувига қадар тегишли ёрдам кўрсатишнинг имкони бўлмаган.

ўзига хос жиҳатлари аниқ белгиланмаганлиги сабабли мазкур йўналишда фаолиятни самарали ташкил этиш имкони бўлмаяпти, — дейди **Ички ишлар вазирлиги терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси масъул ходими Бехзод Мамажонов**. — Хусусан, фуқароларимиз болани фарзандликка олиш бўйича қонун-қоидаларни яхши билмаслиги натижада болани фарзандликка олиш мақсадида, чақалоқларни сотиб олиш ҳолатлари кўп учраётти. Натижада одам савдоси билан боғлиқ жинойтлар таркибида чақалоқ савдоси улуши 43,6 фоизни ташкил этмоқда. Тўғри, бу фақатгина бола асраб олиш билан боғлиқ жинойтлар, лекин келгусида бошқа мақсадларни кўзлаб бундай ҳаракатлар содир этилишига ҳеч ким кафолат бермайди. Бу ҳолатлар нафақат жамоатчи-

ОДАМ САВДОСИ:

Қонун бу иллатга қатъий тўсиқ қўядими?

Ўтган ҳафта Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан янги таҳрирдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни маъқулланди. Ҳўш, янги қонун одам савдоси деб аталмиш жирканч иллатга қатъий тўсиқ қўя оладими?

Халқаро стандартлар тўлиқ қамраб олинмаган эди

— Айтиш керакки, ушбу ҳужжатда соҳага оид муҳим жиҳатлар, жумладан, одам савдосининг жабрдийдаларини идентификация қилиш, уларни қайта йўналтириш, уларга ёрдам бериш, химоя қилиш механизми тўлиқ очиб берилган, — дейди **Ички ишлар вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Шохрух Ғиёсов**. — 2008 йилда қабул қилинган амалдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда эса бу борада бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, мазкур йўналишдаги фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва уларга қўмаклашувчи субъектларнинг аниқ ваколатлари ҳамда ҳамкорлик қилиш механизмлари белгиланмаган. Шу билан бирга, миллий қонунчилигимиз халқаро стандартларни тўлиқ қамраб олмаган ва бу эса, ўз навбатида, одам савдосига қарши курашиш

йўналишида фаолиятни амалга оширувчи чет эл ва халқаро ташкилотларнинг ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Қолаверса, ҳозирги кунга қадар ушбу жинойт қурбонларига фақатгина «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни химоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази» томонидан тегишли ёрдамлар кўрсатилмоқда. Бунинг асосий сабаби, қонун ҳужжатларида бунга масъул вазирлик ва идораларнинг аниқ ҳамда манзилли ёрдам кўрсатилиши белгиланмаган бўлиб, бу йўналишдаги ишлар тизимсиз ва тарқоқ равишда амалга оширилаётди.

Меҳнат мигрантлари асосий жабрдийдалар бўлиб келмоқда

Одам савдоси билан боғлиқ муаммолар домига кўпроқ меҳнат мигрантлари илинаётгани сир эмас. Айни пайтда хорижда одам савдосининг жабрдийдаси деб тан олинмиши лозим бўлган минглаб фуқароларимиз ўз қонуний ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишини қутмоқда.

Зеро, амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ, фуқароларни одам савдосининг жабрдийдаси деб тан олиш амалиёти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жинойт-процессуал қонунчилиги-

ННТларнинг соҳага оид ваколат ва вазифалари аниқлаштирилди

— Ҳозирда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг 100 га яқини одам савдосига қарши курашиш борасида иш олиб бормоқда, — дейди **сенатор Матлуба Ғаниева**. — Қонунда мазкур йўналишга доир фаолиятни амалга ошираётган давлат органларига қўмаклашувчи ташкилотлар қаторида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам белгиланиб, уларнинг ваколат ва вазифалари аниқ кўрсатилмоқда. Бу одам савдосига қарши курашда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни яхшилашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, жойлардаги одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссиялар жабрдийдаларни ижтимоий реабилитация қилишга масъул бўлса-да, бунинг муддати, тартиби ва ёрдам турлари, бу фаолиятнинг молиявий асоси аниқ белгилаб берилмагани туфайли фаолият юритиш имконияти чекланиб келаётган эди.

Жинойтлар таркибида чақалоқ савдоси 43,6 фоизни ташкил этмоқда

— Яна бир муаммо — қонунчилигимизда вояга етмаган шахслар савдосига қарши курашишнинг

лигимиз, балки, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотларнинг ҳам ўринли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Мисол учун, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва АҚШ давлат департаментининг шу соҳага ихтисослашган экспертлари миллий қонунчилигимизни ушбу йўналишдаги бир қатор муҳим халқаро ҳужжатларга мослаштириш зарурлигини билдирган.

Хулоса ўрнида

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун одам савдоси жабрдийдалари бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли химоя қилиш, шу тариқа халқаро майдонда давлатимиз нуфузини оширишга замин яратади. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси бошчилигида ваколатли органларнинг ўзаро ҳамкорлигини, мамлакатимизнинг қонунчилик базасини халқаро стандартларга мослаштирилишини таъминлайди. Яна бир муҳим жиҳати, одам савдосига қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳолис ва тўғри маълумотларни кенг жамоатчилик ҳамда халқаро ҳамжамиятга етказишга хизмат қилади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

А В Ф

Айниқса, бугунги мураккаб пандемия шароитида муқаддам судланиб, ишсиз юрган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш долзарб масаладир. Шу мақсадда Навоий вилоятида ҳам муқаддам судланган фуқаролар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, такрор жиноят содир этмасликларини таъминлаш мақсадида ишга жойлаштириш чоралари кўрилмақда. Зеро, ақсар жиноятлар ишсизлик ва бекорчилик ортидан келиб чиқиши барчамизга маълум.

ЭТИЛГАНЛАРНИНГ КЕЙИНГИ ТАҚДИРИ КИМНИ ҚИЗИҚТИРЯПТИ?

Меҳнат инсонни тарбиялайди

Навоий шаҳрида яшайдиган муқаддам судланган Расул Рашидов ҳам жазо муддатини ўтаб қайтгач, ўзининг оилавий тадбиркорлигини бошлади. Аммо етарли маблағи бўлмагани боис мебелсозлик фаолияти тўхтаб қолди. Унга Навоий шаҳар прокуратураси ва маҳалланинг ёрдами билан «Ҳар бир оила — тадбиркор» Давлат дастури асосида тижорат банкидан 30 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилгани тўхтаб қолган ишнинг давом эттириш имконини берди.

— Прокуратура билан ҳамкорликда 6 нафар жазо муддатини ўтаб қайтган фуқаронинг бандлигини таъминладики, — дейди Навоий шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Рустам Ғафоров. — Бундай шахслар доимий эътиборимизда. Чунки атрофдагилардан узилиб қолиш, жамиятга мослашмаслик уларни қайта жиноятга етаклаши мумкин.

Кармана туманида ҳам жазони ижро этиш муассасаларидан муддатидан аввал қайтган ва ишсиз юрган 14 нафар фуқаро мавсумий ва доимий ишларга жойлаштирилиб, бандлиги таъминланди.

— Туманимизда профилактик хисобда турувчи муқаддам судланган шахслар 124 нафарни ташкил этади, — дейди Кармана тумани прокурори ўринбосари Нодиржон Зокиров. — Маҳаллалар билан ҳамкорликда уларнинг ҳар бири билан юзма-юз суҳбат ўтказдик ва қўлидан қандай иш келишини, қай йўл билан бандлигини таъминлаш мумкинлигини ўргандик. Айни пайтда ҳар бирини ўзи истаган, қизиққан соҳада банд қилиш чораларини кўряпмиз. Кимдир тадбиркорликни йўлга



қўйса, кимдир ер олиб, деҳқончилик қиляпти. Тарбия — мураккаб жараён бўлиб, унинг воситалари кўп, хусусан, меҳнат бу борада энг яхши қурол. Шу боис кишиларнинг бандлигини таъминлаш уларнинг тўғри йўлга кириши учун яна бир омил бўлади.

Собиқ маҳбус бугун раҳбар

Атрофдагиларнинг ишончи, қўллаб-қувватлаши инсонга куч беради, шижоат бағишлайди. «Дамарик» маҳалласида яшовчи муқаддам судланган Иброҳим Астанаева ҳам иссиқхона ташкил этиши учун 400 минг АҚШ доллари миқдорда имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Айни пайтда 30 нафар маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаган тадбиркор келажақда 2 гектарлик иссиқхонасини 3 гектарга кенгайтириб, яна 15 та иш ўрни яратишни режалаштирган.

— Адашиб суднинг қора курсисига ўтирганимда, очиги, энди мен учун ҳаммаси тугади, деб ўйлагандим, — дейди И.Астанаев. — Қилмишимга яраша пешонамга

«жиноятчи» тамғаси босилиб бўлганди. Инсон ўзини қўлга олса, хатосини англаб, тўғри йўлни танлашга интилса, Яратган қўллар экан. Мана, бугун қора кунларим ортда қолди. Озод бўлиб, қорхона раҳбарига айланган бўлсам-да, ҳамон ўзимни айбдор ҳисоблайман. Энди ҳеч қачон адашмасликка, фақат ҳалол яшашга ҳаракат қиламан.

Вилоятда ҳозиргача муқаддам судланиб, жазони ижро этиш муассасасидан қайтган, карантин чекловлари даврида моддий қийинчиликка учраган ва иш топишда қийналган 286 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 119 нафарига иссиқхона, паррандачилик ва бошқа йўналишларда фаолиятини бошлашга амалий ёрдамлар берилди. 43 нафарига эса «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури бўйича тижорат банкларида 5 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилди. Бирок...

Ўз хатосидан хулоса чиқармаганлар

Афсуски, жорий йилнинг ўтган 7 оyi мобайнида муқаддам судланган фуқаролар томонидан 76 та жиноят содир этилди. Ўтган йилнинг шу даврида ҳудудда бундай шахслар 116 та жиноятга қўл ургангани назарда тутилса, олиб борилган саъй-ҳаракатлар ва профилактика тадбирлари натижасида муайян натижага эришилган, албатта. Аммо бир инсоннинг ўзига билдирилган ишончини суиистеъмол қилиб, озодлиқнинг қадрига етмай, қайта

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Қариндошим судлангани учун мени ишга олишмади»

— Ишга кирмоқчи бўлиб ҳужжат топширгандим. Иш берувчи яқин қариндошим судлангани туфайли мени ишга олмаслигини билдирди. Шу тўғрими?

Муҳаммадали ТУРСУНОВ.
Навоий вилояти.

Назира ТОҒАЕВА, Навоий вилояти Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси:

— Меҳнат кодексида 2018 йил 19 апрелда киритилган ўзгартиришга мувофиқ, иш берувчи яқин қариндоши судланганини сабаб қилиб, иш сўровчининг мурожаатини қаноатлантирмас, бу ғайриқонуний ҳолат ҳисобланади. Шунингдек, муқаддам судланганлик учун ишга қабул қилмаслик ҳам ғайриқонуний ҳолат ҳисобланиб, жавобгарликка сабаб бўлади.

жиноят содир этиши ачинарлидир.

Хусусан, Хатирчи туманининг «Навбахор» маҳалласидан муқаддам ўғрилиқ жинояти учун судланган Муҳсин Салимов ИИБга ишга киритишни ваъда қилиб, самарқандлик таниши Акмал Баротовни 6000 АҚШ долларига чув туширди. Иккинчи мартаба шу йўсин фибригарлик жиноятини содир этгани учун озодликдан маҳрум қилинди.

Доно ўзгалар, нодон эса ўзининг хатосидан сабоқ чиқаради, дейдилар. Ўзгалар тугул, ўзининг қилмишидан хулоса чиқармаган, умр аталмиш бебаҳо незматни завол қилган одамни ким деб аташ мумкин?! Ёки бундай кимсаларнинг издан чиққан ҳаёти учун ҳам атрофдагилар айборми? Сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Холбиби САҒАРОВА
«Mahalla»



Бухородаги 12 та маданий мерос объектида қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ДАРС СОАТИ ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?

Хар йили август ойида умумтаълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш арасида ўқитувчиларга дарс соатларини тақсимлаш жараёнида келишмовчиликлар чиқиши соҳа мутахассисларига яхши аён. Зеро, ўқитувчининг маоши миқдори айнан шунга боғлиқ.



Афсуски, шу вақтга қадар уларга дарс соатларини тақсимлаш учун аниқ бир мезон белгилаб берилмаган эди. Раҳбар дарс соатларини ўзи билганича бўлиб берган. Бунда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик роль ўйнаб келгани ҳам сир эмас. Ўқитувчиларга дарс соатларини тақсимлашда уларнинг эришган натижалари ва касбий маҳоратига етарлича эътибор қаратилмаган. Жорий йилнинг 30 июнида Халқ таълими, Молия ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қарори билан тасдиқланган. Умумтаълим муассасаларида синфларни комплекшлаш ҳамда тарификация рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисида низом билан тасдиқланган қоидалар энди мактаб раҳбариятининг мазкур масаладаги имкониятларини чеклади. Хўш, янги тартибга кўра дарс соатлари энди қандай тақсимланади? Мавзу юзасида **Халқ таълим вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Лайло Рустамованинг** фикрлари билан қизикдик.

Натижа ҳисобга олинади

— Мазкур Низом билан ўқитувчиларнинг тарификация рўйхатларини шакллантириш тартиби белгилади. — **дейди Л.Рустамова.**
— Эндиликда ўқитувчиларга дарс соатларни тақсимлашда уларнинг эришган натижалари ҳамда касбий маҳоратига қараб устуворлик белгилади. Бунда ўқитувчилар педагогик фаолияти давомида юқори натижаларга эришган бўлса ва касбий маҳорати юқори бўлса, биринчи навбатда, уларга кўпроқ дарс соатларини ажратиш белгилаб қўйилди. Шу ўринда, айтиш

ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ДАРС СОАТЛАРИ ТАҚСИМОТИ (ТАРИФИКАЦИЯ РЎЙХАТИ) ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА ЯРАТИЛГАН ЭЛЕКТРОН ДАСТУРГА КИРИТИЛАДИ.

жоизки, билимли, тажрибали ва ўз устида доимий ишлайдиган ўқитувчига кўпроқ дарс соати ажратилиши мактабларда таълим сифатининг ошишига хизмат қилиб, келгусида ўзининг ижобий самарасини беради.

Устунлик қай тартибда белгиланади?

Бунда устунлик белгиланадиган халқ таълими тизими ходимлари кетма-кетлиги аниқ кўрсатиб қўйилди. Энди мактаб раҳбарияти бу тартибдан чиқиб кета олмайди. Масалан, Низомга кўра халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар, ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган халқаро олимпиадалар ғолиблари, чет тили ва STEAM фанларидан мутахассислиги бўйича халқаро (TESOL Level 5, CEFR B2, IELTS 6 ва ундан юқори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланадиган бошқа) сертификатларга эга ўқитувчилар, TOP-1000 университетлар рейтингига кирадиган дунёнинг етакчи университетларини битирган, асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолибларини тайёрлаган, ўқитувчи

бўлиб фаолият юритаётган асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолибларига устунлик берилди. Шунингдек, республика босқичидаги кўриктанловларда (йил ўқитувчиси) совринли ўринлар, олий малака тоифаси, биринчи малака тоифаси, асосий олимпиадаларнинг вилоят ва туман босқичи ғолибларининг ўқитувчилари ҳам юқоридаги кетма-кетликда устунликка эга ҳисобланади. Булардан сўнгра, низомда иккинчи малака тоифага эга ўқитувчилар, педагогик йўналиш бўйича магистр даражасига эга ўқитувчилар, белгиланган тартибда ўз фанидан ўтказилган назарий ва амалий синовлар натижаси бўйича аъло баҳоларга эга ўқитувчилар, олий маълумотли тоифасиз ўқитувчилар, қайта тайёрлаш бўйича дипломга эга ўқитувчилар, олий таълим муассасаларининг педагогик йўналиш бўйича битирувчи босқич талабалари рўйхати келтирилган.

Ўрта махсус маълумотли мутахассисларга ҳам дарс соати бериладими?

Шу билан бирга, юртимизда хорижий таълим муассасаларининг педагогика бўйича дипломига ёки ўрта махсус маълумотта эга мутахассислар ҳам бор. Шу муносабат билан, низомда педагогик йўналиш бўйича хорижий давлатларнинг олийгоҳларини битирган, бироқ дипломи тан олинмаган ўқитувчилар, олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминлангунга қадар ўрта махсус, профессионал маълумотта эга ўқитувчи-

ДАРВОҚЕ...

Тажриба давом эттирилади

Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати хабар беришича, умумий ўрта таълим мактабларида 2020-2021 ўқув йилида ҳам вариатив ўқув режаларини тажриба-синовдан ўтказиш ишлари давом эттирилади. Шу билан бирга танлов йўналишлари сони оширилади.

Эслатиб ўтамиз, 2019-2020 ўқув йилининг учинчи чорагидан бошлаб, тажриба сифатида 10-11-синфларда фанлар ихтиёрий танлов асосида ўқитила бошланди.

Вариатив ўқув режаларини жорий қилишдан мақсад ўқувчиларнинг ўзи қизикқан фанларни чуқур ўрганишига шароит яратиш, мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртига кириш имтиҳонига тайёргарлик кўришини таъминлаш ва юқори синфларда ўқув жараёнини касбларга йўналтирилган ҳолда ташкил этишдан иборат.

Вариатив ўқув режаларининг жорий қилиниши ихтиёрий бўлиб, мактабда танлов синфини ташкил этишда юқори малакали, тажрибали ўқитувчиларнинг мавжудлиги инобатга олинади.

лар, олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминлангунга қадар умумтаълим муассасасининг тегишли мутахассислиги бўйича раҳбар ходимлари ҳам юқоридаги кетма-кетлик бўйича келтириб ўтилган.

Қанчагача дарс олиш мумкин?

Ушбу кетма-кетлик асосида ўқитувчиларга дарс соатларининг максимал миқдорлари (бир ярим ставкагача) белгиланиши тавсия этилади. Шу билан бирга, максимал дарс соати олиш имкониятига эга бўлган ўқитувчининг ёзма розилиги билан унга ажратилиши мумкин бўлган дарс соатлари бошқа ўқитувчиларга берилиши мумкин бўлди.

Яна бир муҳим жиҳати, айнан бир хил кўрсаткичлар мавжуд бўлган бир нечта ўқитувчилар ўртасида дарс соатлари тенг тақсимланиши белгилаб қўйилди. Шаффофликни таъминлаш мақсадида дарс соатлари тақсимоти (тарификация рўйхати) Халқ таълими вазирлиги тизимида яратилган электрон дастурга киритилади. Худудий халқ таълими бўлинмалари ва худудий молия органлари ҳар йили 25 сентябрга қадар тарификация рўйхатини тасдиқлайди.

Ўйлаймизки, юқоридаги ўзгаришлар мактабларда таълим сифатини ошириб, юқори малакали кадрлар имкониятидан кенгроқ фойдаланиш, адолатли тақсимотни шакллантириш ва албатта, бу жараёндаги норозиликларнинг олди олинишига хизмат қилади.


У. ИБОДИНОВ тайёрлади.

Қашқадарёликлар илк марта сариқ тарвуз экспорт қилишни бошлади.

Жорий йилнинг 9 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан уюштирилган брифингда вакил Иномжон Маждидов барча босқичларда ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанларни бирлаштириш ҳамда айримларини, хусусан, Ўзбекистон тарихи фанини қисқартиришга қарор қилинганлигини маълум қилди. Мазкур қарор ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлди. Айтиш жоизки, кўпчилик бундай йўл тутуши «силлик» қилиб айтганда нотўғри эканини таъкидлади.



ТАРИХ ФАНИНИ НЕГА ҚИСҚАРТИРИШ КЕРАК?



Оптималлаштириш якши, аммо...

Албатта, бир нечта ижтимоий-гуманитар фанларни бирлаштириш таълим сифатини ошириши рост. Бу борада тизимнинг техник таълим йўналишларида гуманитар фанлардан «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи» ва «Фалсафа» фанлари қолдирилаётганлигини маъқуллаш мумкин. Аслида ҳам ҳозиргача ўқитиб келинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Диншунослик», «Фуқаролик жамияти» каби фанлардаги асосий ғоя ва тамойиллар тақлиф этилаётган фанлар орқали берилиши мумкин. Бироқ уларнинг соатлари ҳажми қисқартирилгани, ўрганилиши мажбурий бўлган фанлар эмас, талабалар томонидан танланадиган фанлар қаторига киритилгани бахсли. Тақлиф этилаётган фанларнинг ҳар иккаласи ҳам мажбурий фанлар қаторида қолдирилиши лозим.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: мактабларда тарих фани ўқитилса, олий таълимда бу фан такрорланаётган бўлса, унда физика, математика, инглиз тили, немис тили дарслари олий таълимда такрорланмайдими? Хусусан, техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида талабалар ўрта мактабда физика, математика, инглиз тили, немис тили фанларидан олган билимлари олий таълимда

ҳам такрорланаётганлиги, мазкур фанлардан талабаларга бошланғич даражада билимлар берилётгани ҳаммамизга аён-ку!

Тарих – ўзликни англаш

Мустақил Ўзбекистонда ёш авлод қайси бир йўналиш бўйича мутахассис бўлиб етишишидан қатъи назар, унинг дунёқарашини мустақиллик мафқурасини шакллантириш учун Ўзбекистон тарихи, ўзбек халқининг бой маданий мероси ва алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаларини, миллий-ижтимоий қарашларимиз, фалсафий-эътиқодий фикрлаш тарзимиз қандай ривожланганини билиши зарур. Ўзликни англаш тарихни билишдан ва миллий қадриятлар тизимига, миллий эътиқодга ўзини мансуб, деб ҳисоблашдан бошланади. Негаки, ўз тарихини билган киши жамиятда ва ҳаётда кечаётган жараёнларга ўзининг мустақил муносабатини билдира олади. Талаба мактабда тарих фанини ўқийди. Ўқиш жараёнида ундаги шакланган дунёқараш ўқувчилик ёши нуқтаи назари билан ўлчанади. Ўрта умумтаълим мактаблари учун яратилган тарих дарсликлари асосан ўқувчиларнинг дунёқарашига мослаб, соддароқ баён этиш тарзида тузилган. Олий таълимда Ўзбекистон тарихи фани қисқартирилган соатларда бўлса-да,

фанга муаммоли ёндашув асосида ўқитиб келинмоқда.

Олий таълимдаги тарих мукамалроқ

Шунингдек, олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини аксарият илмий даражали мутахассислар, яъни фан докторлари, профессорлар, тарих фанлари бўйича фалсафа докторлари, доцентлар олиб борадилар. Олий таълимда ёшларимизга Ватан тарихини ўқитишда чуқурроқ, кейинги йилларда олимларнинг фандаги илмий тадқиқотлари натижаси ўлароқ кўлга киритган илмий янгиликлари, ютуқлари билан ҳамоҳанг билим бериш тарзида ёндашилган. Олий ўқув юртига ўқишга кирган талабанинг тарихга яна бир бор мурожаат

Тошкент иқтисодий университетини, Тошкент кимё-технология институтини эса мазкур фани ўқув режасидан олиб ташлашга қаратилган тенденциялар умуман тушуниб бўлмайдиган ҳолатдир.

Инсоният пайдо бўлибдики, унинг тарихи ҳам ёзила бошланган. Буни биз қоятошларга чизилган расмлару битиклардан тортиб, бугунги кунгача бошдан кечирганимиз барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларда, халқаро муносабатлар, миллий қадриятлар, ҳаттоки, ҳар бир оиланинг ўз тарихи мавжудлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Тарих кенг кўламли фан, унинг соатини қисқартириш, бу ўз миллатига эътиборсизлик демакдир. Тарихчи олимларнинг йиллар давомида олиб борган илмий изланишлари ва уларнинг натижаларини нима қиламиз? Аслини олиб қаралганда ҳам тан олиб айтиш лозимки, мустақиллик йилларида яралган янги тарихимиз олий таълимда хизмат қилаётган тарихчи олимларимиз томонидан тадқиқ қилинганлиги тан олишимиз зарур.

Инсоният цивилизациясида ўзбек халқи тарихи ўз ўрнига эга эканини асло унутмаслигимиз зарур. Халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётгани барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди. Шу боис олий таълимда Ўзбекистон тарихи фани соатларини қисқартириш эмас, аксинча юқоридаги асосларга таяниб фаннинг ўқув соатларини мувофиқлаштириш, Намунавий ўқув режасида Ўзбекистон тарихи фанини ихтиёрий фанлар блокидан мажбурий фанлар блокига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Юлдуз ЭРГАШЕВА,

Қарши муҳандислик-иқтисодий институти Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор.

“**ХАЛҚИМИЗНИНГ БОЙ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ, ҲАТТО ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ҲАМ КАТТА ҚИЗИКИШ БИЛАН ЎРГАНИЛАЁТГАН БАРЧАМИЗГА КАТТА ҒУРУР ВА ИФТИХОР БАҒИШЛАЙДИ.**”

қилиши натижасида унда мустақил хулосалар шаклланиб, тарихий жараёнлар ҳақида маълумотга эга бўлади, унда тарихий воқеликларни қиссий таҳлил қила олиш қобилияти юзага келади.

Чала тарих кимга керак?

Афсуски, олий ўқув юртиларида Ўзбекистон тарихи фани соатлари қисқартирилиши билан бирга унинг фақат бир қисми, яъни Ўзбекистоннинг энг янги даври, яъни Мустақиллик даври тарихини ўрганиш кўзда тутилмоқда. Айрим олий таълим муассасаларида, жумладан, ТДТУда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистоннинг энг янги тарихига тавсия этилган соатларни ҳам қисқартириш,

Қашқадарёда яна бир қудукдан табиий газ ва газ конденсати олинади.

Бугун кўпчилик абитуриентларни: «Кириш имтиҳонлари қачон бўлади?», «Карантин даврида тест синовлари қандай ўтказилади?», «Хавфсизлик қандай таъминланади?», деган саволлар қизиқтираётган бўлса, юқори босқич талабалари хаёлини: «Ўқиш қачондан бошланади?», «Таълим қандай шаклда ташкил этилади?», «Агар ўқиш масофадан амалга оширилса, контракт нархлари тушади-ми?» деган ўйлар банд этган.



КАРАНТИН ШАРОИТИДА ИМТИХОН ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

Жорий йилнинг 6 август куни давлатимиз раҳбари раислигида олий таълим муассасаларига қабулни ташкил қилиш ва 2020/2021 ўқув йилига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан ўтказилган йўналишда юқоридаги саволларга ойдинлик киритилди. Унга кўра, ёпиқ бинолар эпидемиологик талабга жавоб бермаслиги, ижтимоий масофага риоя қилинган тақдирда имтиҳонлар вақти анчага чўзилиб кетиши инobatта олиниб, тест синовлари Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларидаги стадионларда ташкил этилади.

Кунчи кеча Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази томонидан ташкил этилган брифингга ҳам тест синовларига оид барча саволларга жавоб қайтарилиб, янги ўқув йилининг қандай тартибда олиб борилишига аниқлик киритилди.

ДАРВОҚЕ...

Иккинчи мутахассислик бўйича имтиҳон бўлмайди... (ми?)

Жорий йилнинг 10 августдан 2020/2021 ўқув йили учун иккинчи мутахассисликка ҳужжатларни қабул қилиш жараёни бошланди. Қабул 31 августга қадар давом этади. Бу жараён ҳам онлайн тарзда бўлиб ўтади. Иккинчи мутахассисликка квота белгиланмайди. ОТМга келиб тушган аризалар сонидан келиб чиқиб, қабул ёки суҳбат асосида ташкил этилади. Агар талабгорлар сони кам бўлса, тўғридан-тўғри (имтиҳонларсиз) қабул қилиниши ҳам мумкин.

Кузатувчига боди-камера бериладими?

Қайд этилишича, август ойи давомида республикадаги 40 га яқин стадионни тест жараёнларига тайёрлаш бўйича ташкилий ишлар олиб борилади. 2 сентябрдан эса тест синовлари бошланади ва 14 кун давом этади. Бунда иккита фандан топилган абитуриентларга 2 соат вақт берилди. Эрталабки сменалар соат 8:00 да бошланиб, 10:00 да тугайди, кечки сменалар эса соат 17:00 да бошланиб, 19:00 да якулланади. Абитуриентларга бир марталик ҳимоя воситаларига қўшимча равишда кепка ҳам тарқатилди.

— **Маълумки, ҳар йили тест синовлари учта фандан ўтказилар ва уларга уч соат вақт берилар эди, — дейди Давлат тест маркази директори Маждид Каримов.** — Бу йилги тест синовлари эса иккита фандан ўтказилади. Шу боис тест синовлари учун белгиланган вақт уч соатдан икки соатга қисқартирилди. Шароитдан келиб чиқиб, қўшимча фанлар олиб ташланди. Бундан ташқари, пандемияни ҳисобга олиб, тест синовлари анча соддалаштирилган ва осон саволлар сони кўпайтирилган.

Давлат тест маркази тест синовида қатнашадиган назоратчиларни боди-камера билан таъминлаш бўйича Махсус комиссияга таклиф киритади. Маждид Каримовнинг айтилишича, имтиҳонларнинг шаффоф ўтиши, кейинчалик тест жараёнларига тааллуқли бирор муаммони муҳокама қилишга тўғри келиб қолса, асос ва исбот керак бўлиши нуқтаи назаридан, боди-камера бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ижодий имтиҳонлар қандай ўтказилади?

Маълумки, журналистика, санъат, маданият, спорт соҳалари бўйича ҳужжат топширган абитуриентлар

ижодий имтиҳондан ҳам ўтишади. Ҳўш, карантин шароитида ижодий имтиҳонлар қандай олиб борилади?

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдували Холиқовнинг таъкидлашича, имтиҳонларга бир марта келиш таъминланиши учун олий таълим муассасалари раҳбарлари билан маслаҳатлашилиб, давлат комиссияга таклиф киритилди. Натижада абитуриентларнинг имтиҳонга бир марта келишларини таъминлаш мақсадида айрим ижодий имтиҳонлар олиб ташланди ва ўрнига олдинги учинчи блок фанидан тест имтиҳонлари қўшилди. Санъат йўналишидаги ижодий имтиҳонлар эса видеотасвирга ёзиб олинади.

Коронавирусга чалинган абитуриент тест синовида қўйиладими?

Турли асосли сабаблар туфайли тест синовларида қатнаша олмаган абитуриентлар учун тест синовлари тугагач, 4 кундан кейин улар учун қайта имтиҳон ўтказилиши режалаштирилган. Абитуриент тест синовларига келган вақтида иситмаси юқори бўлса, шифокорлар томонидан тегишли равишда текширув ташкил этилади. Агар унда коронавирус инфекцияси аниқланмаса, тест синовлари тугагач ташкил этиладиган имтиҳонда қатнашиш имконияти берилди.

— **Коронавирус аниқланган абитуриентлар эса бу йилги тест синовларига қўйилмайди, — дейди Давлат тест маркази бош бошқарма бошлиғи Барно Ражабов.** — Улар имтиҳонда қатнашиши учун коронавирусдан соғайгани ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши лозим бўлади. Коронавирусга чалинган туфайли тест имтиҳонларида иштирок эта олмаган абитуриентларнинг имтиҳон учун тўлаган пулларини қайтариш чоралари кўриломоқда. Давлат қабул

комиссияси баённомасига ушбу масала бўйича таклиф киритилган.

Ўқиш онлайн тарзда бўлса, контракт нархлари тушади-ми?

Шу ўринда бир хижатта эътибор қаратиш керак. Пандемия туфайли юзага келган мураккаб вазият кўп-лаб юртдошларимизнинг иш фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйди. Бу, табиийки, иқтисодий имкониятларни чеклаб, контракт пулларини тўлашга ҳалал беради. Ҳўш, айни вазият ҳисобга олиниб, шунингдек, ўқув жараёнларининг онлайн тизимида олиб борилиши муносабати билан тўлов-контракт нархлари қайта кўриб чиқиладими?

— **Айтишим керакки, ОТМлар бугунги кунда контракт миқдорини ўзгартирмайди, камайтирмайди ҳам, кўпайтирмайди ҳам, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иномжон Маждидов.** — Пандемия туфайли талабанинг иқтисодий аҳволи оғир бўлиб, контракт пулини тўлай олмаса, ОТМ вазиятни ўрганиб, унга амалий ёрдам бериш чорасини кўради. Яъни бундай вазиятда талаба ўқишдан четлатилмайди, балки курсдан курсга қолдириш масаласи кўриб чиқилади. Шунингдек, ўтган ўқув йили учун контракт суммаларини тўлай олмаган талабаларга ОТМлар томонидан янги ўқув йили бошлангунга қадар уни тўлаш имконияти берилган. Тўлов-шартнома бўйича ўтган йилги тартиб сақлаб қолинади. Талаба хоҳласа, стипендиясини олиш ёки шартнома қисмига ўтказиш масаласини ўзи мустақил ҳал қилади.

Айтиш керакки, биринчи курслар учун ўқиш 1 октябрдан бошланиши режалаштириляпти. Иккинчи ва ундан юқори курслар сентябрдан бошлаб масофадан таҳсил олишга киришадилар.

«Mahalla» мухбири
Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Чирчиқ дарёси қирғоғида «Дарё бўйи Бизнес сити» ташкил этилади.

Одатда, бензин ёки газ нархи 100 сўмга кўтарилса, йўлқира ҳақи 1000 сўмга ошади. Қанча арз-дод қилмайлик, охири элга келган тўй-да, деб қўя қоламиз. Аммо бу сафар на ёнилғи нархи кўтарилди, на бутловчи қисмлар қимматлашди. Бироқ йўл нархи бир неча баробарга ошиб кетди. Бунга асосий сабаб — қатъий карантин қоидаларининг ўрнатилиши бўлди.



СИНОВЛИ КУНЛАРДА

инсоф ва диёнатни унутганлар

Нархлар ошишини ким назорат қилади?

Маълумки, карантин даврида жамоат транспортлари ҳаракати вақтинча тўхтатилди. Натижада аҳолининг йўналишсиз таксилар хизматига бўлган эҳтиёжи бир неча баробарга ортиб кетди. Халқ бошига тушган синовли кунлардан тул ишлашни мақсад қилганлар эса йўлқира ҳақини бир неча баробарга кўтарди.

— Афсуски, сўнгги кунларда айнан йўналишсиз таксиларда йўл ҳақининг асоссиз равишда бир неча баробарга ошириб юборилгани аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда, — дейди **Транспорт вазирлиги мутахассиси Наврўз Аширматов**. — Бу борада **Транспорт вазирлиги инспекторлари, Монополияга қарши курашиш кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва ИИВ ЙХХББ ходимлари**дан иборат махсус ишчи гуруҳлари томонидан махсус рейдлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Биргина июль ойининг ўзида 25 та юридик шахсга нисбатан 64 та лицензия карталарини бекор қилиш

муаммоси халқимизни қийнашда давом этаверади.

Пулингиз бўлмаса, вирус юктириб олманг

Нархнинг баландлиги, ҳар жойда турлича бўлиши бугун ё кеча пайдо бўлиб қолган муаммо эмас. Аммо газак олган ярадек, пандемия даврида ушбу оғрикли муаммолар урчиди. Хусусан, дори дорихоналарда бир хил маҳсулотнинг турлича нархда сотилаётгани ҳақли норозиликларга сабаб бўлаётди. Айниқса, уй шароитида даволаниш учун тавсия этилган «Азитромицин», «Аскорбин кислотаси», «Гидроксихлорохин», «Парацетамол» дориларининг топилмаслиги, борларининг ҳам нархи баландлиги катта муаммога айланди.

ликасида 6 минг сўмдан 34 минг сўмгача сотилаётгани аниқланди. Дориларни қиммат нархда сотаётганларга оғохлантириш берилиб, нархини туширишга эришилди. Дори воситалари етишмовчилиги мавжуд ҳудудларга эса зарур маҳсулотларни етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.


Назорат билан муммонинг олдини олиб бўлмайди

Бозорларимизда ҳам турли сабабларга кўра, нарх-навонинг кўтарилиши одат тусига кириб қолган. Хусусан, байрам арафаси, ё бўлмаса, ойлик ва пенсия-нафақаларнинг оширилиши бозордаги нарх-навонинг ҳам қисқа фурсатда кескин ошиб кетишига сабаб бўлади. Қизиғи, ҳали ойлик ошиб ўлтурмасданок, кўчадаги нархлар «осмонга учадди».

Аслида, бу пайтда маҳсулот учун сарфланадиган хомашёнинг миқдори кўпайиб қолмайди. Савдогарларнинг сарф-харажатида ҳам деярли ўзгариш бўлмайди. Бу шунчаки вазиятдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишдан бошқа нарса эмас. Бу каби ҳолатларни тўй мавсумларида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пишиқчилик даври арафасида ҳам кузатиш мумкин.

Мутасаддилар ҳар гал назорат қилинган, рейдлар уюштирилган, дейди. Бироқ ҳар гал ойлик кўтарилганда, қайсида мавсумда нархлар яна ошаверади. Демак, фақат назорат қилиш билан муаммонинг олдини олиб бўлмайди. Бу борадаги қонунчиликни мустаҳкамлаш, керак бўлса, белгиланган тартибга амал қилмаётганларга нисбатан қатъий чоралар кўриш вақти келди назаримизда. Йўқса, бундай ўзбошимчиликлардан яна оддий халқ жабр кўришда давом этаверади.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»



— Авваллари 4-5 минг сўмга борадиган манзилимизга ҳозир 10-20 минг сўмдан камига олиб боришмаяпти, — дейди **пойтахтлик Анвар Примов**. — Зарур бўлмаса, кўчага ҳам чиқмасдик, аммо озиқ-овқат, дори-дармон сотиб олиш учун йўлга чиқамиз. Ҳайдовчилардан нега нархларни ошириб юбораётганини сўрасак, «Ака, биз ҳам жонимизни хатарга қўяямиз» дейди. Аммо манзилга етгунча санитария қоидаларини бузиб, тўртта йўловчини миндиради. Айтишларича, вилоятлараро қатнов нархи 400-500 мингга кўтарилиб кетибди. Нархларнинг бундай ошиб кетиши инсофсизликдан бошқа нарса эмас. Ўзи шундоқ ҳам карантин шароитида аҳоли қийналиб яшаяпти.

Анвар ака сўзини яқунлар экан, нархни ошираётганларни назорат қиладиган, одамларга енгиллик яратишни мақсад қилган масъуллар қаёққа қараяпти, нега нархлар билан ҳеч кимнинг иши йўқ, дея ўқсиниб қўйди.

шаклида чоралар кўрилди. Бизга келиб тушаётган мурожаатларда лицензиясиз таксичилик фаолияти билан шуғулланаётганлар нархларни ошириб юборишаётгани билдирилади. Шу боис рейдлар давомида лецензиясиз таксилар фаолияти аниқланса, улар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилмоқда.

Тўғри, рейд тадбирлари ижобий натижа бераётгандир. Аммо бу билан мавсумий такрорланиб турувчи муаммога бутунлай барҳам бериб бўлмайди. Масалан, йўл ҳақи байрам кунлари ёки байрам арафасида ҳар йили кўтарилиб кетади. Шу боис йўлнинг ҳар километри учун намунавий йўлқира ҳақи белгиланишини ўйлаб кўриш керак. Шунда нархни асоссиз ошириб юборганлар учун зарур чораларни кўриш имкони бўлади. Яқин кунларда бу синовли кунлар ҳам ўтиб кетади, аммо кескин чоралар кўрилмаса, қийин вазиятларда янада урчидиган йўл ҳақи

“
ЯҚИНДА БУ СИНОВЛИ
КУНЛАР ҲАМ ЎТИБ КЕТАДИ,
АММО КЕСКИН ЧОРАЛАР
КўРИЛМАСА, ҚИЙИН
ВАЗИЯТЛАРДА ЯНАДА
УРЧИЙДИГАН ЙЎЛ ҲАҚИ
МУАММОСИ ХАЛҚИМИЗНИ
ҚИЙНАШДА ДАВОМ
ЭТАВЕРАДИ.
”

— Бундай ҳолатларга қарши инспекторларимиз томонидан доимий равишда рейдлар ташкил этилмоқда, — дейди **Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мутахассиси Шерали Сатторов**. — Ўрганишлар натижасида ҳудудларда дорилар нархидоғи тафовут анча юқори экани аниқланди. Хусусан, биргина «Азитромицин» дориси Андижон вилоятида 4 минг 500 сўмдан 36 минг сўмгача, Сирдарё вилоятида 6 мингдан 42 минг 900 сўмгача, Қорақалпоғистон Респуб-

Аҳолининг томорқалардан фойдаланиш самарадорлиги оширилади.



КЎП БОЛАЛИ ОИЛА ТАШВИШЛАРИ ШУНЧА КЎПМИ?

Оила кураётган ёшларни катталар шундай дуо қилишади: «Серфарзанд, сердават бўлинг, кўша қариб, ували-жували бўлинг!» Болажонлик ва болапарварликнинг давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этиши Асосий қонунимизнинг 64-моддасида ҳам ифодаланган. Оналик ва болалик давлат муҳофазасига олинган бўлса-да, айнан кўп фарзандли оилаларга белгиланган имтиёз, ҳақ-ҳуқуқлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини аниқ-тиниқ топмагани ойдинлашмоқда.



Мавзуга оид маълумот:

2019 йилда ўтказилган танланма кузатувларга кўра, республикада 4 ва ундан ортиқ болали оилалар сони 485 мингтани ташкил этди.

Қандай оила кўп болали саналади?

Ҳўш, қонун ҳужжатларида «кўп болали оила» тушунчасига қандай мезонлар билан ёндашилган? Болаларнинг юқори ёш чегараси қандай? Давлат томонидан берилётган имтиёزلардан ҳақиқатда серфарзанд, эҳтиёжманд оилалар тенг ҳуқуқли тарзда фойдаланяптими?

— Аслида бу атама 21 та қонун ҳужжатида, жумладан, 5 та қонунда қўлланилган ва «болали оила», «уч ва ундан ортиқ болалари бор оила», «учдан етти нафаргача болалари бор оила» деган нормалар мавжуд эди. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухтор Ҳожиматов. — Эндилликда барча қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш асосида «кўп болали оила» тушунчасида ягона тўхтамга эришилиб, ўзаро мувофиқлаштирилади. «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция ҳамда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга кўра, 18 ёшга етмаган шахс бола ҳисобланади. 18 ёшга тўлмаган болалари сони 4 нафар ва ундан

ортиқ бўлган оила ана шу тоифага мансубдир. Агар болалардан бирикки нафари таълимнинг кундузги шаклида ўқиётган ҳамда 22 ёшга тўлмаган бўлса, бу оила ҳам кўп болалидир.

Мазкур оилаларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида унинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилиб, қабул қилинди. Мазкур тушунчага аниқ мезонлар белгиланмагани давлат томонидан берилётган имтиёزلардан турлича фойдаланиш ҳолатларига сабаб бўлмоқда. Янги қонун «кўп болали оила» тушунчасига ҳуқуқий мақом бериб, унинг қабул қилиниши натижасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги турли хил ёндашувлар бартараф этилади. Солиқ кодексининг 436-моддаси билан боқувчисини йўқотган кўп болали оилаларнинг ер солиғидан озод қилинишида 16 ёшга тўлмаган 5 нафар боласи борлиги роль ўйнаган бўлса, энди 4 нафар фарзанди бор оила ҳам бу имтиёздан фойдалана олади.

Бунинг зарурати нимада?

Битта ёки иккита болали оила бошлиқларига нисбатан серфарзандроқ ота-онанинг ташвиши кўпроқдир. Улар боласини вояга етказиш, касб-ҳунар ўргатиш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш орзуси билан яшайди. Кўпчиликка аёнки, авваллари ўзбек оилаларида бола сони 7-10 нафаргача қайд қилинган.

— Сўнгги 20 йиллик даврда туғилиш кескин қисқарди. — дейди Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори Замира Эсонова. — Бу давлат сиёсати билан боғлиқ, яъни «Соғлом она – соғлом бола» дастури асосида сон эмас, сифат учун курашил зарурати юзага келди. Республикаимиз амалиётида, асосан, кўп поғонали оила (бобобуви, ота-она ва болалар) ва кичик оила (ота-она ва болалар) таснифи амал қилади. Бундай таснифлиниш ва оиланинг ҳуқуқий мақоми белгилиниши тегишли қонун ҳужжатлари амалиётта тўғри татбиқ этилишини таъминлаш нуқтаи назаридан жуда зарур. «Кўп болали оила» тушунчасининг Оила кодексига киритилишида фақат моддий рағбат ва имтиёзлар назарда тутилмайди, балки уларнинг фарзанд тарбиясидаги ибрати, давлат ва жамият олдидаги бурчи, соғлом ва баркамол, юртга садоқатли ва ватанпарвар ўғил-қизлар этиштиришдаги ўрни ҳам инобатга олинмоқда.

Ижтимоий ёрдам адолатли тақсимланадими?

— Ушбу тушунчанинг Оила кодексига киритилиши бизга нима беради? — сўзида давом этади Замира Эсонова. — Биринчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мезонлари ва меъёрларини аниқлашда муайян тизим шаклланади. Қайси оила кам таъминланган, қайсиси ижтимоий ҳимояга муҳтож, қайси бирига ижтимоий

кўмак зарур, оилани кўп болали деб малакалаш учун нечта фарзанд бўлиши керак? Кўрпясизки, оилалар бир-биридан фарқли. Энди саволларга ўрин йўқ. Солиқ тўлови, судга мурожаат қилувчига зарурий тўлов учун, банк-кредит муносабатларида энгиллик бериш, меҳнат қонунчилиги бўйича она (оталар) бола парвариши билан боғлиқ нормаларни қўллашда, таълим муассасаларига қабул қилишдаги айрим имтиёزلарни қўлга киритиш ва баъзи тоифаларни бепул дори-дармон билан таъминлашда ана шу жиҳатларга қараб иш тутиш талаб қилинади.

«Кўп болали оила» тушунчасининг вужудга келиши туфайли давлатимиз томонидан оилага кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам адолат принциплари асосида берилиши ва тақсимланишига эришилади. Қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан оилалар тенг ҳуқуқлик асосида, муаммосиз, нисозис фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Чунки қонун ҳужжатларида белгиланган кам таъминланган, болали оилаларга моддий таъминот ажратилганда жуда кўп норозилик мурожаатлари келиб тушаётган эди.

«Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом бўйича болали оилаларга, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам беришда айнан шу турдаги оилаларнинг кўплиги ва ақсарияти ёрдамга муҳтожлиги, 14 ёшга қадар ўғил-қизлари бўлган оилалар чегарасини белгилаш имкони туғилди. Эътиборлиси, тўртинчи туғилган фарзанди учун она бир марталик қўшимча нафақа олиши, республика ҳудудида транспортдан имтиёзли фойдаланиши мумкин.

Давр ўзгармоқда. Кечаги тартиб-қоидаларни янгилашга эҳтиёж пайдо бўляпти. Қонун ҳужжатларига «кўп болали оила» тушунчасининг ҳар жиҳатдан асосли тарзда киритилиши бунга мисолдир. Демак, ижтимоий адолат мезонларининг янгиланиши кўп болали оилаларга нисбатан ғамхўрликнинг яна бир далили бўла олади.

Ҳулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ҚАНДАЙ?

Россия Федерациясида «кўп болали оила»лар сирасига 3 ва ундан ортиқ бола тарбияланаётган, кичик фарзанди 16 ёшгача, таълим муассасасида ўқиётган, ҳарбий хизматни ўтаётган 23 ёшгача ўғил-қизлари бор она (оталар) ёхуд ёлғиз она (оталар) киритилади.

Украинада эр-хотин ёки эр ёхуд хотиндан бири билан бирга яшайдиган 3 ва ундан ортиқ боласи бўлиб, таълимнинг турли бўғинларида ўқиётган 23 ёшгача фарзанди борлар учун бир талай энгилликлар мавжуд.

Қозғистон қонунчилигида 4 ва ундан зиёд вояга етмаган, ҳаттоки 23 ёшдан ошмаган ўғил-қизлари бор оилаларга маҳаллий ҳокимият томонидан имтиёзлар жорий этилган. Франция, Италия, Австрия, Финляндия, Польша давлатларида ҳам 3 ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар кўп болали деб эътироф этилади. Бу давлатларда ёш чегараси 18, 21, 26 қилиб белгиланган.

«Самарқанд айланма йўли» йил якунига қадар тўлиқ таъмирланади.

АБДУЛМАЛИК ТЎРА

Қарши хонлигини тузганми?

Покистоннинг Пешовар шаҳридаги қадимий қабристондаги қабр тошига «Абдулмалик тўра ибн амир Музаффар ибн амир Насрулло» исми шарифи битилган. Қабр соҳибининг Бухорои шарифда таваллуд топгани қайд этилган. Ватанидан узоқдаги шаҳарга бухоролик бу инсонни не қисматлар етаклаб борган, тақдирида нималар кечган? Бу савол ҳар бир кишини, албатта, ўйга солиши табиий. Тарихчи-журналист Мўмин Азизов бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

Озодликка бахшида умр

— Тарихда юртимизда ҳукмронлик қилган аждодларимиз орасида ота-бола, қариндошлик муносабатлари силлиқ кечмаган. Кўп ҳолларда тахт ворислиги, тож-тахт таллашиш, мансаб масалаларида турли жанжаллар, келишмовчиликлар бўлиб турган. Бундай ихтилофлар у ёки бу томоннинг ён босиши ёхуд ўлими билан яқунлангани манбаларда кўп учрайди, — дейди М.Азизов.

1848 йилда туғилиб, «Катта тўра» номи билан машҳур бўлган Абдулмалик тўра ҳокимиятни аштархонийлардан тортиб олиб, 1776 йилдан 1920 йилгача Бухоро амирлигини бошқарган мангитлар сулоласининг саккизинчи подшоҳи амир Музаффарнинг тўнғич ўғлидир. Аммо ота ва ўғил ўртасидаги қарама-қаршилиқ тахтага эгаллик қилиш (у болагиданок тахт валиаҳди деб эълон қилинган эди) бўйича эмас, бутунлай бошқа масала бўйича юзага келган эди.

У ўз мансаб лавозимини Кармана беги бўлишдан бошлади. Абдулмалик падари бузруквори чизган чизигидан чиқмас, унинг панду насиҳатларига қулоқ тутиб, амал қиларди. Ёшлигидан отда юриш, қурол ишлатишни пухта эгаллаган, ҳарбу зарб ишларида ҳам моҳир эди.

Абдулмалик йигирма ёшга қадам қўйганида, яъни 1865 йил май ойи охирида Тошкентни босиб олган рус аскарлари Бухоро амирлигига қарашли Самарқанд шаҳрига таҳдид сола бошлади. Амир Музаффар ёш бўлса ҳам ҳарбий ишни, лашкарни бошқаришни яхши ўзлаштириб олган, отасига садоқатли фарзанд Абдулмалик тўрани Самарқанд мудофаасига масъул қилиб тайинлади. У кўҳна шаҳарни руслар тажовузидан ҳимоя қилиш учун ўз аскарларида ватанпарварлик туйғусини қу-

чайтирди, истилочиларни енгиш учун пухта, ишончли тадбирларни ишлаб чиқди.

Ота-бола ўртасига нифоқ солишди

Ўша пайтда Самарқанд ҳокими бўлган Шерали Иноқ жоҳил ва калтабин одам эди. У Абдулмалик тўранинг шаҳарни мудофаа қилишга қаратилган чора-тадбирлари моҳиятини тушунмади. Шу тўғрисида ёш лашкарбоши ва бек ўртасида муносабат кескинлашди. Шерали Иноқ ота-бола орасида нифоқ чиқариш учун амирга Абдулмалик ҳақида бўхтон гапларни етказди, унинг асл нияти сиздан ҳокимиятни тортиб олиш, деб амирни кўрқитади. Бунга ишонган амир Музаффар ўғлидан ҳақиқатни билиб олмай, унга нисбатан адолатсиз қарор чиқаради. Абдулмалик тўрани Самарқанд мудофааси бошлиғи лавозимидан четлатиб, Ғузорга бек қилиб юборди. Амир ва тахт вориси ўртасидаги зиддиятнинг илк сабаби шундан бошланади.

Амир Музаффар Самарқанд мудофаасини яхши ташкил этолмади, кўшинни ягона мақсад йўлида бирлаштиролмади, шунинг учун чор аскарлари ҳужумига дош бера олмади. Дастлаб Чўпонота тепалигида ўрнашиб олган Бухоро кўшинлари 1868 йил май ойида тор-мор этилди, кейин Зирабулоқ тепалигида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтди, бунда ҳам амир кўшинлари мағлуб бўлиб, рус кўшинлари Самарқанд шаҳрига кириб борди. Амир Музаффар ўз мағлубиятини тан олиб, фон Кауфманнинг Туркистон генерал-губернаторлигининг янги чегаралари ҳақидаги тахлифини қабул қилишга мажбур бўлди.

Катта тўра исёни

1868 йилнинг май ойида Абдул-



малик тўра катта кўшин тўтлаб, Россия кўшинлари томонидан эгалланган Самарқандга юриш қилди. Бу вақтда Самарқанд аҳолиси ҳам чор босқинчиларига қарши бош кўтарган эди.

Манбаларда келтирилишича, 1868 йил 21 октябрда чор кўшинлари билан абдулмаликчилар ўртасида ҳаёт-мамот жанги бошланади. Султон Содик, Жўрабек, Бобобек ва бошқа лашкарбошилар Қарши остонасидаги жангга саркардалиқ маҳоратини яна бир бор намоён этадилар. Чор армияси ва амир кўшини ҳарбий тайёргарлик, техник жиҳатдан озодлик курашчиларидан устунлиги жанг давомида яққол кўзга ташланди. Шунинг учун 1868 йил 23 октябрда Қаршидаги кўзғолончилар тор-мор этилиб, Абрамов шаҳарни эгаллайди. Кўзғолончилар қаттиқ жазоланиб, уй-жойлар ва шаҳар бозори таланади. Абрамов шаҳарни Ёқуб кушбеги қўлига топширади. Муаррих Абдулазим Сомиёв бу жанг тафсилотларини ҳикоя қилар экан, «Қарши кўргонида кўп одам ҳалок бўлди, тирик қолганларининг қочишдан бўлак чоралари қолмади. Улар кўргон деворлари ортига, боғ-роғлар ичига қочиб жон сақладилар», дея тасвирлайди.

Абдулмалик тўра 200 нафар киши билан она Ватанини тарк этади. 1877 йилгача Қашқар ҳокими хизматида бўлади. Ёқуббек унга иззат-икром кўрсатиб, қизини тўрага никоҳлаб беради, 40 минг кишилик кўшинга лашкарбоши этиб тайинлайди. Аммо Қашқар Хитой томонидан эгаллангач, тўра Бухорода ҳокимиятни эгаллаш мақсадида иттифоқчи излаб бир қанча мусулмон мамлакатларига йўл олади. Шундан сўнг Буюк Британия тасарруфидидаги Хиндистонга келади. Ўз ниятларини амалга ошириш учун Буюк Британияга мурожаат қилади. 1886 йил май ойида Калькуттада туркистонлик муҳолиф кучлар вакиллари билан бирга инглиз қироличасининг вакили билан музокаранар

ДАРВОҚЕ...

1868 йилнинг май ойида Абдулмалик тўра катта кўшин тўтлаб, Россия кўшинлари томонидан эгалланган Самарқандга юриш қилди. 2 июнь кунга рус кўшинлари жойлашган шаҳар қалъасига ҳужум қилишди. Қамалда қолган кўшин кўмондони ёрдам сўраб генерал-губернатор фон Кауфманга чопар юборди. 4-7 июнь кунлари халқ лашкарлари билан босқинчи кучлар ўртасида шиддатли жанглар бўлди. 8 июнда қамалдаги чор аскарларига ёрдам кучлари етиб келгач, жанг истилочилар фойдасига ўзгаради. Натийжада халқ ҳимоячилари Самарқанддан чиқиб, тоғ томон чекинишга мажбур бўлади.

олиб боради. Абдулмаликнинг савий-ҳаракатларига афғон амира Абдурахмон ҳам хайрихолигини билдиради. Аммо турли хил сиёсий ва бошқа сабабларга кўра чет элдан ҳарбий ёрдам ололмади. Россия империяси маъмуллари тўранинг чет элдаги фаолияти ва амирликда унга хайрихоҳ бўлган шахслар устидан қаттиқ назорат ўрнатади.

Абдулмалик тўра ҳамма уринишлари зое кетгани, азиз юрти, тупроғи истилочилар, уларнинг гушталарига қолганидан умрининг охиригача азият чекиб яшади. Унга Ватанга қайтиш насиб этмади, чет элда - Покистонда муқим яшаб қолди. 1909 йил 61 ёшида Пешовар шаҳрида вафот этди. Ватан туйғуси, истиқлол умиди уни сўнгги кунгача тарк этмади.

Шоҳиста БОЗОРОВА
ёзиб олди.

Андижонда никоҳ ва ажримлар камайди.

КОРОНАВИРУС

ҳамда пневмония:

ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАР

Коронавирус пандемияси бутун инсониятни ғафлатда қолдирди. Пандемия ўзи билан жуда кўп кўнгилсизликлар, қурбонлар олиб келди. Касалликнинг маълум бир босқичига етгандан сўнг яна бир ҳолат ойдинлашяптики, пандемия оқибатида бой берилган қурбонлар ўлимига сабаб аксарият ҳолларда мазкур дарднинг кучи эмас, балки вирус тўла тадқиқ этилмагани, уни даволашдаги нотўғри ёндашувлардир.

Хусусан, коронавирус асоратларидан бири пневмониядир. Аммо вирусли пневмониянинг клиник аломатлари, даволаш усуллари анъанавий, бактериал пневмониядан тубдан фарқ қилади. Бухоро давлат тиббиёт институти ўқитувчиси Саодат Рустамова бизга ушбу икки пневмония фарқлари хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

Вирусли пневмония янгликми?

— Ўпкамиз ҳаво ўтказувчи труба-лар тизимидан иборат бўлиб, нафас олиш қопчалари — альвеолалар билан тугайди. Анъанавий (инфекцион ёки бактериал) пневмония ривожланишига альвеолаларнинг ичида яллиғланишни келтириб чиқарадиган бактериялар сабабчи бўлади. Нафас олиш қопчалари ичидаги зарарланган қисмларнинг ҳавоси яллиғланиш суюқлигига алмашади. Каркас — интерстиция — бунда деярли шикастланмайди, томирларнинг деворлари зич бўлиб қолади.

Бундай пневмония аломатларидан бири — ҳароратнинг кўтарилиши ва балғамли йўталдир. Йўталнинг пайдо бўлиши яллиғланиш суюқлиги альвеолалар ичида экани ва у бронхлар орқали ташқарига чиқиши билан изоҳланади. Йўтални енгилаштириш учун муколитиклар - балғам ҳажмини оширмасдан, уни суюлтирадиган ва балғамнинг ўпкадан чиқишини енгилаштирадиган дори воситалари тайинланади. Ҳароратнинг кўтарилиши айнан бактериал яллиғланиш билан боғлиқ.

Инфекцион пневмония ривожланишига бактериялар сабабчи бўлгани учун, уни даволашда антибиотиклар бирламчи препарат ҳисобланади. Зарурат бўлганида, дориларни уй шароитида эмас, балки стационарда томчилатиб киритиш кўланади.

Вирусли пневмонияда (янги коронавирусли пневмония унинг

бир тури ҳисобланади) қон томирларининг деворлари шикастланади, зичлиги пасаяди. Қоннинг суяқ қисми томирлардан ташқарига чиқади ва уларнинг шишишни келтириб чиқаради. Бактериялар кейинроқ қўшилади, аммо бу ҳар доим ҳам содир бўлмайди.

Коронавирусли пневмонияда иммунитетнинг вирус таъсирига ноадекват кучли реакцияси юқори ҳарорат ва яллиғланиш келтириб чиқаради. Йўтал курак бўлади, чунки суяқлик бронхта чиқиш жойи бўлмаган интерстицияда жойлашади. Бу ҳолда балғамни суюлтирувчи препаратлар камдан-кам ҳолларда самарали ҳисобланади, у фақат бактериал инфекция қўшилганида ёки йўлдош сурункали бронхит кучайганида самара бериши мумкин.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, касаллик ҳатто аломатсиз кечганида ҳам ўпкада ўзгаришлар бўлади. Агар ҳарорат кўтарилиши, нафас олиш етишмовчилиги, қоннинг кислород билан тўйинишининг пасайиши кўринишидаги ҳолатлар кузатилмаса, унда фаол даволаш ишларини ўтказиш шарт эмас. Тадқиқотлар антибиотик, гормонларнинг эрта тайинлиниши касалликнинг кечишини ёмонлаштириши мумкинлигини таъкидламоқда.

Компьютер томографияси тасвирларида икки турдаги пневмонияни қандай фарқлаш мумкин?

Одатий бактериал пневмонияда асосий зарарланиш майда бронхлар ва альвеолалар ичида юз беради. Улар инфекция киришига жавоб сифатида яллиғланиш суюқлиги билан тўлади. Интерстицияда унчалик жиддий бўлмаган жараён кечади.

Вирусли пневмонияда, хусусан COVID-19 да, асосий патологик



ўзгаришлар ҳар бир қисми ўраб турадиган айнан ушбу каркасда (интерстицияда) юз беради. У ердан ўтадиган томирларнинг деворлари юпкалашади, қоннинг суяқ қисмини яхши ушлаб туролмайди. У томирлардан ташқарига чиқа бошлайди. Интерстициал тўқима шишади, аммо альвеолаларнинг ўзида ҳавонинг бир қисми қолади, шу боис рентгенограммада ўзига хос «хиралик» пайдо бўлади.

Коронавирус раҳбарлар касаллигими?

Одатда коронавирус кўп ҳолларда оддий аҳолига нисбатан раҳбар кишилар, интеллектуал иш тарзидаги фуқароларда оғирроқ кечиши ҳақида гапирилмоқда.

Бу, аввало, кишиларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ. Асосан жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган кишиларда иммунитет кучли бўлгани боис уларда касаллик бирмунча енги кечгани гувоҳи бўлганмиз. Бу кишилар зарурат сезилмаса, антибиотиклар ва тиббий даволаниш курсларига мурожаат қилишмайди.

Раҳбарлар, интеллектуал меҳнат кишилари эса ўзларида бирор ўзгариш сезилиши билан тезда стационар даволанишга мурожаат қилишади. Афсуски, пандемиянинг дастлабки босқичларида касаллик профилактикаси ҳақида етарли кўникмага эга бўлинмагани боис антибиотиклар кенг қўлланилди. Ҳолбуки, вирусли пневмонияда антибиотик иккинчи даражали дори ҳисобланади. Зарур бўлганида, у даволашнинг биринчи босқичида эмас, балки кейинроқ тайинланади.

Нафас тарбияси — COVID-19 га қарши қурашда энг яхши восита

Коронавируснинг олдини олиш

учун турли дориларга эмас, аввало соғлом турмуш тарзига риоя этиш керак. Айниқса, чекиш бу жараёнда саломатлигимизга энг катта хавф туғдиради.

Шунингдек, нафас машқлари ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда диафрагмал нафас машқини қилиш тавсия этилади. Қўлларингизни қоринга қўйиб, нафас олганда унинг ҳаракатини кузатишга ҳаракат қилинг. Нафас олаётган пайтда қорин ичкарига тортилаётгандай бўлади, нафас чиқаётганда эса у бўшаши.

Диафрагмал нафасда эса аксинча: нафас олаётган пайтда қорин шишади, нафас чиқараётганда тортилади. Уни қунига бир неча марта қилиш мумкин. Асосийси, нафас олиш ҳам, чиқариш ҳам бир текис бўлиши керак. Даставвал машқ бироз куч билан қилинади, кейин эса одатий суръатда бажарилади.

Етиш позасини ўзгартириш даволаш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Ковидли пневмонияда даставвал ўзгаришлар ўпканинг қуйи орқа бўлимларида юз беради. Биз одатда орқамиз билан ётганимизда улар гиповентиляция ҳолатида туради, яъни кучсиз ишлайди. Шунга мос равишда, улардаги шиш суяқлиги секин ва ёмон сўрилади. Орқа билан ётганда кўкрак мушаклари ишлайди, кўкрак қафаси экскурсияси (ҳаракатлари ҳажми) унча катта бўлмайди. Олинмаган нафас миқдори ҳам чекланади.

Одам қорни билан ётганида, орқанинг кучли мушаклари ишлай бошлайди. Бир марта нафас олганда ўпкага кўпроқ кислород тушади. Шиш суяқлиги яхшироқ сўрилади, ўзгаришлар тезроқ ўтиб кетади.

А.РУСТАМОВ
суҳбатлашди.

Давлат хавфсизлик хизмати тизимида янги ҳарбий-академик лицей ташкил этилади.

Салкам бир йилдан буён дунё коронавирусга қарши курашмоқда. Афсуски, ғалаба ҳали кўлга киритилмади. Тўғри, вакциналар ишлаб чиқарила бошланди, ҳадемай инсоният тафаккури коронавирусни енгиш усулини ҳам топар балки. Бироқ унғача яна қанча қурбонлар берилади, буниси номаълум. Энди ҳар ким ўзи учун ўзи масъул эканини англай бошлади. Касалликдан ўзини ҳимоялашга киришди. Кимдир овқатланиш рационига ўзгартириш киритган, кимдир иммунитет кўтарувчи дорилар истеъмолига эътибор қаратган, яна бошқаси жисмоний фаолликни оширган...

ИММУНИТЕТНИ кўтарувчи дорилар қанчалик самарали?

Витаминга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш, жисмонан фаол бўлишнинг организмга фойдаси ниҳоятда катта эканини биламиз. Бироқ иммунитетни оширувчи дориларни мунтазам қабул қилиш нечоғли ўринли? Аслида бундай воситалар тождор вирусдан ҳимояланишда самара берадими? Уларнинг кўп истеъмоли саломатликка зиён етказмайдими? Шу каби саволлар билан Ўзбекистон Фанлар академияси

Иммунология ва инсон геномикаси институти илмий ходими Шерзод МУХТОРОВга мурожаат қилдик.


Иммунитет нима?

— Иммунитет организмнинг бактерия ва вируслар, замбуруғлардан ҳимояланиши, уларга қаршилик кўрсатишидир. У уч хил кўринишда намоён бўлади:

Филогенетик иммунитет — наслдан-наслга ўтадиган номаҳсус ҳимоя омиллари. Бу омиллар патоген агентлар билан биринчи бўлиб алоқа қилади. Натижада одам организмнинг кўпгина юқумли касаллик кўзгатувчиларга чидамлиги таъминланади.

Тўғма иммунитет — бир биологик турнинг маълум бир патоген агентга нисбатан чидамлиги бўлиб, у ҳам наслдан-наслга ўтади. Масалан, ит, қорамол, товуқларнинг ўлат касаллиги кўзгатувчилари одамларга юкмайди, ўз навбатида, одамлардаги захм, қизамиқ, вирусли гепатит, ОИТС кўзгатувчилари ҳайвонларда касаллик кўзгатувчилари бўлмайди.

Орттирилган иммунитет — ҳаёт давомида организм иммун тизимнинг ёт антигенлар билан таъсирлашуви ҳисобига юзага келадиган ҳимоя бўлиб, наслдан-наслга ўтмайди. Орттирилган иммунитет табиий ва сунъий бўлади. Табиий фаол иммунитет юқумли касалликдан соғайгандан сўнг юзага келади. Сунъий иммунитет вакциналар билан эмланганда, зардоб, қон, иммуноглобулин ва плазмалар юборилгандан сўнг ҳосил бўлади. Муайян тўқима ва аъзода маълум бир омилга қарши ривожланган ҳимоя эса маҳаллий иммунитет деб



аталади. Бу ҳимоя сиртки иммун тизим аъзоларининг фаоллиги ҳисобига юзага келади.

Дори воситалари иммунитетни мустаҳкамлайдими?

Иммунитетни кўтаришга мўлжалланган дори воситалари, яъни **иммуномодуляторлардан** билиб-билмай фойдаланиш керак эмас. Боиси бундай дориларга доим ҳам ишонч йўқ. Афсуски, бутун уларнинг рекламаси ниҳоятда кўп. Одамлар ишонувчан, дорилардан истеъмол қилишади. Аслида, иммуномодуляторлар — иммунитет тизимига таъсир қилувчи ёки унинг фаолиятида иштирок этадиган биологик фаол моддалардир. Улар патогенларга бевосита таъсир қилмайди, аммо ҳужайраларнинг иммунитетини ўзгартириши мумкин.

Имуномодуляторларга «Кагоцел», «Полиоксидоний», «Бронхо-мунал», «Галавит», «Деринат», «Циклоферон», «Эхинацея»ни мисол келтириш мумкин. Бу препаратларнинг ҳеч бири инсон иммунитетини кучайтириб қўймайди. Вирусга қарши иммунитет ҳам шакллантирмайди. Шу боис воситалардан фойдаланаётганда иммунолог шифокорга мурожаат қилинг. Вирусга қарши иммунитет ҳолатини баҳолаш учун амалга оширилаётган комплекс таҳлил иммунограмма текширувларини ўтказмасдан туриб, иммуномо-

дулятор дори воситаларини қабул қилиш тавсия этилмайди.

Иммунитетни нима кучайтиради?

Иммунитетни мустаҳкамлаш учун табиий таркибда кўплаб витаминлар сақлайдиган воситалардан фойдаланган маъқул. Масалан, ҳўл мевалар, сабзавотли салатлар, суюқликлар, дамламаларни кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади. Айниқса, анор, олма, лимон, қатик, пиёз, саримсоқ пиёз, асал, қовоқ, буруқли қарами, қора седанани мунтазам танаввул қилиш кони фойда. Бундан ташқари, қўқ чой, череда (иттиканак), мойчечак, занҷабил, қуритилган йерба мате барглари, қизил мия илдизи дамламалари иммунитетни кўтаришда қўл келади.

Иммун тизим — организмдаги энг нозик жараёнлар. Иммунитет ҳар қандай ҳолатда, дори-дармон қабул қилсак ҳам, қилмасак ҳам касалликлар билан курашавради. Фақатгина дори-дармонларни тўғри қабул қилишимиз керак. Организмнинг иммун жараёнини бузмаслик лозим. Иммун тизимга ўзбошимчалик билан тартибсиз аралашиб бўлмайди. Чунки иммуномодуляторларни ноўрин қабул қилиш организмда баъзи аутоиммун касалликларни вужудга келтириши мумкин.

«Mahalla» мухбири
Садоқат МАХСУМОВА
ёзиб олди.

Иммун тизими
нормал ишлаши
учун нималар
қилиш керак?



● Ҳар кунни бир вақтда ухлашга ўрганиш лозим. Бу тез

уйкуга кетиб, тўлиқ дам олиш имконини беради. Агар ухлашга эрта ёки кечроқ ётсангиз, организм ритмлар ўзгаришига мослаша олмайди, натижада уйку юзаки бўлади. Суткада камида 8 соатни уйкуга бағишлаш лозим. Чунки организм қайта тикланиши учун айнан шунча вақт зарур.

● Япон олимлари тадқиқотлари шуни кўрсатдики, кўк ёки қора чойда мавжуд моддалар шамоллаш вирусини билан самарали курашишга қодир экан. Кунига 2-3 пиёла иссиқ чой ичиш етарли.



● Майдаланган майиз ва ёнғоққа асал ҳамда лимон шарбати қўшиб ара-



лаштиринг. Ушбу аралашмани шамоллашнинг илк аломатларини сеза бошлашгиз билан кунига уч марта бир ош қошиқдан истеъмол қилинг. Бундан ташқари, наъматақ қайнатмасига асал қўшиб ичиб туриш катта самара беради.

● Организмнинг катта қисми сувдан иборат бўлганлиги туфайли, у ҳар кунни маълум миқдорда сувга эҳтиёж сезади. Олимлар ушбу меъёрни 8 стакан деб белгиланган. Сувсизланиш натижасида организмнинг асосий функциялари, жумладан, инфекцияга қарши курашиш қобилияти сусаяди.



● Кун давомида ифлос юзалар ва буюмларга кўп қўл теккизамиз, худди шу қўллар



билан бурун ва кўзларимизни ишқалаймиз. Натижада микроблар бурун ва кўз шиллик пардалари орқали организмга қиради. Бунга йўл қўймайлик учун қўлларни тез-тез совун билан ювиб туриш зарур.

Азиз БҮРИЕВ
тайёрлади.

Хорижга олиб чиқиб кетиш мумкин бўлган
нақд валюта миқдори ошади.

ПАНДЕМИЯ

шароитида дафн маросимлари қандай ўтказилади?

“**Ҳаёт бор экан, синов бор, кийинчиликлар бор. Бу ҳақиқатни шу кунларда янада чуқурроқ ҳис этмоқдамиз. Бугун коронавирус инфекцияси деган жиддий бир хавфга дуч келдик. Айни вазият барчамиздан хушёрликни, белгиланган қоидаларга амал қилишни, кўпчилик бўлиб йиғилмасликни талаб қилмоқда.**

Хусусан, Республика махсус комиссиясининг тегишли қарорлари билан барча турдаги оммавий тадбирлар, шу жумладан, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши (дафн маросимлари 10-15 кишидан кўп бўлмаган ҳоллар бундан мустасно) тўхтатилди. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг тегишли фатвосида ҳам жаноза намозлари вафот этганнинг яқин қариндошлари иштирокида хонадонларда ўқилсин, дея алоҳида таъкидланди.

Ҳўш, айна шароитида дафн маросимлари қандай ташкил этилади? Унинг тартиб-қоидалари қандай бўлади? Коронавирусдан вафот этган беморлар қандай дафн этилади?

«Машаққат енгилликни жалб қилади»

Маълумки, ислом динида бирор мусулмон вафот этса, уни шарият кўрсатмасига биноан ювиш, кафанлаш ва дафн қилишга бюрилган. Ушбу амалларни бажариш жараёнида одамга зарар етиш эҳтимоли мавжуд бўлса, «исломда зарар бериш ҳам, зарар кўриш ҳам йўқ» ва «машаққат енгилликни жалб қилади» каби фикрий қоидаларига биноан, мазкур амалларни ижрочиларга зиён-захмат етказмаган шаклда бажаришга рухсат берилади.

Дарҳақиқат, майитга жаноза ўқиш фарз бўлиб, вафот этган кишининг яқинлари иштирокида адо этилса кифоя. Мўътабар ман-

баларда ҳам улуғларимиз вафот этган кишининг жаноза намозини тезлик билан адо этиб, дафн этишга шошилганлари баён қилинган. Таъкидлаш жоизки, жаноза, дафн, таъзия ва шунга боғлиқ маросимларни ихчам тарзда ўтказиш баробарида эпидемия ҳамда карантин қоидаларига жиддий амал қилиш лозим бўлади.

Оммавий дафн маросимлари — вирус тарқалиши учун қулай фурсат бўлгани боис уларда кўпчилик йиғилмаслиги лозим. Дафнга келганлар ижтимоий масофани сақлашлари, тиббий ниқоб ва кўлқоп тақишлари, антисептик воситалар билан қўллари тозалаб туришлари керак. Ўзаро кўришишни вақтинча тарқатиш муҳим. Шунингдек, Махсус комиссия қароридида қайд этилганидек, ҳудойилар ҳам 10-15 киши атрофида хонадонларнинг ўзида ўтказилади.

Коронавирусдан вафот этган бемор қандай дафн этилади?

Бу каби ўта юқумли ва хатарли касалликлар вафот этган мусулмонларни ювиш, кафанлаш ва дафн қилишда ўзига хос талабларга риоя этилиши тақозо этилади. Яъни ювувчи, кафанловчи ва дафн қилувчиларга вирус ўтиш эҳтимолининг олдини олиш зарур. Ҳозирги кунда дунё мусулмон давлатлари тажрибасида майитни ювиш, кафанлаш ва дафн маросими санитар ходимлар ёрдамида шариятга мувофиқ адо қилинмоқда.

Ушбу амалларни бажаришда майитнинг яқинлари иштирок этаётгани йўқ. Марҳумнинг яқин қариндошлари фақат жаноза ўқишда қатнашмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ўзаро маслаҳат асосида, карантин ҳолатида майитни шариятимиз кўрсатмаларига мувофиқ ювиш, кафанлаш ва дафн қилишга ҳаракат қилинади. Бу жараёнда Ўзбе-

кистон Мусулмонлари идораси вакили иштирок этади.

Аввало, майит тиббий хавфсизлик чоралари кўрилган ҳолда ювилиши лозим. Яъни ғассол ниқоб ва кўлқопда бўлиши керак. Ғуслда ишлатилган барча нарсалар ёқиб юборилиши, челақ ва бошқа асбоблар хлор каби воситалар билан дезинфекция қилиниши ҳамда 5-6 соатга қуёш остида қуритилиши керак. Агар майит тиббий ходимлар томонидан махсус матолар билан ўраб қўйилган бўлса, уларни тиббий хавфсизлик нуқтаи назаридан очиш мумкин эмас. Бунда майитни қайта ғусл қилиш шарт бўлмайди.

Жаноза намози узоғи билан 5-7 дақиқа давом этиши лозим. Жанозада соғлиғи заиф, кексалар ва ёш болалар иштирок этмасликлари керак. Тиббиёт ходимлари майитни қабристонга олиб келишган бўлса, жаноза ўша жойда адо этилиши керак. Дафн маросими одатдагидек амалга оширилади. Унда ҳам иложи борица кам одам иштирок этиши лозим. Дафндан сўнг қабристондан тезда уйга қайтиб, покланиш чораларини кўриш лозим.

Карантинда таъзия одоби қандай бўлади?

Сир эмас, бирор қариндошимиз, яқинимиз, танишимиз мусибатга учраса, унинг кимидир вафот этса, дарҳол унга таъзия билдирамиз, унинг ёнида далда бўлиб тураемиз. Мабодо, жаноза ёки дафн маросимларида қатнаша олмасак, ўзимизни айбдордек ҳис этаемиз. Динимизда дафн ва жаноза маросимларида қатнашиш фарзи кифоя (барчадан талаб қилинган, бироқ айримлар бажарса, қолганлардан соқит бўладиган амал) ҳисобланади.

Ўқоридаги амаллар ҳам фарзи кифоя маъносига ишлар бўлиб, баъзи мусулмонлар амалга оширишса, қолганларидан со-



Жасурбек РАУПОВ,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари, «Носирхон» жоме масжиди имом-хатиби.

қит бўлади. Демак, коронавирус касаллиги мавжуд бўлган майитни дафн маросимини фақат яқин қариндошлари вакиллари иштирокида қилиш лозимдир. Қолганлар бугунги вазиятдан келиб чиқиб, азадорга телефон орқали таъзия изҳор қилиши, ўз хонадонидида ўтганлар ҳақида Қуръон тиловат қилиб қўйиши мумкин бўлади.

Айримлар «Бизнинг қишлоқ тоғли ҳудуд. Бу ерларга коронавирус етиб келмайди», деб бемалол жаноза маросимларида иштирок этаётгани ўзини ҳалокатга ташладан бошқа нарса эмас. Чунончи, Қуръони каримда: «...Ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!» («Бақара» сураси, 195-оят) дея марҳамат қилинади.

Бугун ҳаммани ташвишга солаётган юқумли касаллик динимизда «вабо» ва «тоъун» деб номланган. Расулulloҳ (с.а.в.) бундай деганлар: «Тоъун — азоб ва касалликдир. Бу касалликни Аллоҳ таоло Бани Исроил қавмидан бўлган баъзи тоифаларга ва сизлардан олдинги қавмларга юборган. Сизлар унинг бирон жойда тарқалгани ҳақида эшитсангиз, у ерга (зинҳор) кирманг. Агар кирсангиз, у ердан (ҳеч қачон) чиқиб кетманг» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Демак, оқоридаги оят ва ҳадис мусулмон кишига юқумли касалликлар тарқалганда қандай йўл тутишни, шу билан бирга, шахсий гигиена қоидаларига амал қилишни буюради. Биз бугун карантин қоидаларига қатъий риоя қилиб, белгиланган талабларга, Уламолар Кенгашининг тегишли фатвосига сўзсиз итоат этишимиз фарзи айн(балоғатга етган ҳар бир шахдан талаб қилинган амал)дир. Демак, ақли мўмин-мусулмон фарзи айн билан фарзи кифоя ёнма-ён келиб қолганда, қатъий-роғига риоя қилгани маъқул.

НАМОЙИШЛАРГА УЛАНГАН САЙЛОВ:

Александр Лукашенко олтинчи марта ҳокимиятда қолди



Беларусда ўтган ҳафтала давомда катта муҳокамалар марказида турган, ҳам муҳолифат, ҳам давлат тўнтаришидан умидвор бўлган узоқ ва яқиндаги қўшнилари кутган президентлик сайлови якунланди. Мамлакатни 26 йилдан буён бошқариб келаётган Александр Лукашенко оммавий норозиликлар манзараси остида олтинчи марта ўз номзодини қўйди ва қўли баланд келди. Беларусь Марказий сайлов комиссияси сайловда амалдаги президент 80 фоиз овоз олиб, ғолиб бўлганини эълон қилди. Лукашенконинг асосий рақиби бўлган Светлана Тихановская эса расман 10 фоиз овоз олди.

Сайлов натижалари эълон қилинган, мамлакатнинг 30 га яқин шаҳарида тарқоқ ва оз сонли намоийшлар бошланди. Полиция томонидан намоийшчиларга нисбатан куч ишлатиш ва уларни ҳибсга олиш ҳолатлари кузатилди. Светлана Тихановская сайловнинг дастлабки натижаларини тан олмаслигини эълон қилиб, расмий натижани сохталаштирилган деб ҳисоблашни айтди. Шу билан бирга, у мамлакатни тарқ этиш нияти йўқлигини билдирди. Аммо Литва унга бир йиллик виза берди ва айти пайтда соғлиги, ўзи ва фарзандлари хавфсизлигини ўйлаб хорижга чиқиб кетди.

Лукашенкодан халқ чарчадими?

Таҳлилчилар сайловда Лукашенко ғалаба қозониши бу гал ҳар доимгидек жуда осон бўлмастлигини айтишди. Гуёки муҳолифат наздида халқ ундан чарчаган. Аммо шундаймикан? Бунга тўла қўшилиб бўлмайди. Александр Лукашенко бошқаруви йилларида иқтисодийёт ортга қайтмади. Аксинча, халқ тўкин-сочин, фаровон яшади. Мамлакат ахборот технологиялари соҳасида кўпгина ривожланган давлатларни ортда қолдирди. Юқори технологиялар, инновацион марказлар ва технопарклар Беларуснинг бугунги юзи. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, металлургия, кимё саноати, маиший техника, озиқ-овқат, тўқимачилик, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳаларда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилган.

Ўтган йиллар ичида Беларусда тинчлик ва хавфсизлик тўла таъминланди. Ўнгдан, сўлдан, шимолдан, жанубдан, хуллас, барча томондан Беларусни ўз томонига ағдартиш учун гоёвий ҳужумлар рўй берди. Мамлакат барча ҳужумларни рад этди. Ҳатто сайлов арафасида Польша ва Украинадаги айрим сиёсатдонлар «Европанинг сўнгги диктатори»-

ни ағдартиб ташлашга чақирди. Бугун Европа Иттифоқи, АҚШ ва Болтиқбўйи давлатлари Александр Лукашенкони кўп ҳам ёқтиришмайди.

Адолат нуқтаи назаридан айтиш мумкинки, Ғарбдаги кузатувчи ва экспертлар Тихановскаянинг қўли баланд келгани ва овозлар сохталаштирилгани ҳақида қанча овозини кўтармасин, Лукашенко номзодини мамлакатда қўллаб-қувватлайдиганлар ҳануз кўпчиликини ташкил этади. Овозлар сохталаштирилган бўлиши мумкин, аммо у Тихановскаянинг ғалаба қозониши учун етарли эмас. Беларусликлар амалдаги давлат раҳбарини мамлакат суверинетети ва мустақиллигини мустаҳкамлашдаги хизматини юқори баҳолашади.

Аммо муҳолифатта ҳам босим бўлганини инкор этиб бўлмайди. Сайлов арафасида бир неча номзод жараёнидан шубҳали айбловлар билан четлатилди, фаол журналистларга қарши босим мисли кўрилмаган даражада кучайтирилди. Сайлов кампанияси бошлангандан бери 1100 нафардан ошиқ одам ҳибсга олинди. Муҳолифатдаги сайловнинг расмий маълумотларига ишонмайпти. Улар фикрича, мамлакатнинг турли шаҳарларидаги оммавий норозилик намоийшлари сайловда Светлана Тихановскаянинг ғалаба қозонганидан далолат бермоқда.

Минск ўз геосиёсий йўлини ўзи танлайдими?

Сайловлар фониди битта муаммо юзага келгани ҳам бор гап. Коронавирус пандемияси кўплаб давлатлар ҳукуматлари обрўсини тушириб юборди. Беларусда ҳам шундай бўлди. Беларусь коронавирус инфекциясидан вафот этганлар сони жон бошига энг юқори мамлакатларнинг бирига айланди. Муҳолифат бунда Лукашенкони айбламоқда, чунки президент COVID-19 пандемиясини «оммавий психоз» дея таърифлаб, ижтимоий масофа сақлаш чораларини жорий

қилишдан бош тортди.

Сайлов Беларус ва унинг ағъанавий ҳамкори Россия ўртасидаги муносабатлар совиб кетган бир пайтга туғри келди. 2019 йилнинг декабрида Лукашенко Москвада икки давлат ўртасида иқтисодий иттифоқ тузиш тўғрисида 20 йил олдин тузилган режаси амалга ошишига тўсқинлик қилди. Шундан кейин Москва Минскка юбориладиган нефть ва газ қўламини қисқартирди.

Айни вазиятда Минск Ғарб давлатлари билан алоқаларини яхшилашга уринмоқда. Февраль ойида АҚШ Давлат котиби Беларусга йигирма йилда ташриф буюрган энг юқори лавозимли Америка расмийси бўлди. Март ойида АҚШ Беларусга ўзининг илк нефть танкерини юборди. Жорий ойда АҚШ ва Беларус 12 йилда илк марта таби бир-бирига элчи юбориши кутилмоқда.

Вашингтон Беларусда инсон ҳуқуқлари аҳволи аянчли бўлгани учун 2000 йилларда мамлакатга қарши иқтисодий санкцияларни жорий қилган эди. Мамлакатда сиёсий махбуслар озодликка чиқарилганидан кейин айрим санкциялар бекор қилинди. Аммо АҚШ Давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Жорж Кент уларни бутунлай бекор қилиш учун Беларус демократия йўлида қўшимча чораларни кўриши ҳамда аҳолига ўз фикрини изҳор қилиш имконини бериши кераклигини айтди.

Кент АҚШ Беларус суверен мамлакат бўлиб қолишини истагани, Минскда ўз геосиёсий йўлини танлаш ҳуқуқи бўлиши кераклигини айтди. Сиёсатчи Беларуснинг АҚШ ва Америка ҳамкорлари билан яқин алоқа ўрнатиши мамлакатнинг Россия билан муносабатларига салбий таъсир кўрсатмаслигини қўшимча қилди.

Россия учун Лукашенко қанчалик муҳим?

Сайлов олдида Беларусда Россия норозиликлар сценарийи-

сини ишлаб чиқади, Лукашенкони ағдартиб ташлайди, қабилдаги тахминлар илғари сурилди. Аммо экспертлар фикрича, Россия Беларусни куч билан эгаллашга қарор етмайди, Москвага де-юре мустақил иттифоқдош, де-факто колония керак. Иттифоқчи давлат доирасидаги чуқурлашган муносабатлардаги энг муносиб вариант, тажрибали Александр Лукашенко — бу сценарийни амалга ошириш учун энг муносиб номзод. Россия учун ҳам Александр Лукашенко ҳокимиятининг сақланиб қолиши қулайроқ.

Туғри, ҳар қандай давлатлар аро муносабатларда келишмовчиликлар бўлиб туради. Россия — Беларус муносабатлари ҳам бундан холи эмас. «Мен ҳозир вазиятни кескин демаган ўлардим. Беларус ва Россия ўртасидаги зиддият даражаси Европа Иттифоқидаги давлатларнинг ўзаро зиддиятлари даражасидан камроқлигига ишончим комил. Мен яна шунга аминманки, Россия билан иттифоқ мамлакатимиз суверинететини мустаҳкамлайди, ҳарбий хавфсизликни таъминлайди. Бу Беларус учун ҳам, Россия учун ҳам яхши», — дейди Беларус Либерал-демократик партияси етакчиси Олег Гайдукевич.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатдаги иқтисодий вазият шундайки, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик калити Россияда. Москвадагилар буни жуда яхши тушунишади. Шу боис Россия Беларус сайловларидан ўзини узоқроқ туттишга, турли айбловларга муносабат билдирмасликка ҳаракат қилди. Икки давлатнинг сиёсий, иқтисодий, хўжалик, маданий ва ҳарбий алоқалари шу даражада чамбарчас боғланганки, ҳар қандай инқилоблар, ҳар қандай куч бу муносабатларни уза олмайди.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.



Карантин тадбирлари пайтида Ўзбекистонга кириш ва мамлакатдан чиқиш тартиби эълон қилинди.

МУРАББИЙЛАР тайёрлаш тизими талабга жавоб берадимми?

Спортчи ўзига хос иқтидорга эга, фавкулудда истеъдод

соҳиби бўлса, ғалаба учун шуларнинг ўзи етарлими?

Балки бу фазилати унинг 30 фоизлик муваффақиятини белгилар, бироқ ғалабалар учун кифоя қилмайди. Боиси у ўз имкониятлари ва кучини ҳам тўғри йўналтири олиш зарур. Демак, гап иқтидорли бўлишда эмас, имкониятлардан унумли фойдалана олишда.

Ғалаба спортчиники, мағлубиятда эса мураббий айбдор...

Турли мусобақаларда мураббийларнинг спортчидан кўпроқ ҳаяжонга тушаётгани, худди ўзи беллашаётгандек бир ерда тинч тура олмаётганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Тўғри-да, мураббий бор билими ва маҳоратини шогирдига ўргатади, тинимсиз машғулотлар, танбех ва тортишувлар махсуслик қўриш учун у жон қойитмай, ким жон қойитсин, ахир. Аммо эришилган ғалаба ҳақида сўз бошланса, негадир тренер панада қолиб кетаверади.

Газетаю журналлар саҳифаларини безаган, машҳур бўлган, интервьюдан бўшамаган — спортчи бўлади. Футболда: «Ғалаба футболчиларники, мағлубият мураббийники», деган гап бор. Яъни жамоа ютса, футболчиларга мактов ёғдирилади, акси бўлса, мураббий тўғри тактика танламагани, уни ишдан олиш кераклиги ҳақида бонг урилади. Қизиғи, бу каби бахсларга ҳеч ким қарши чиқмайди: гўёки шундай бўлиши қатъий белгилангандек.

Меҳнатини қилиб, роҳатига келганда, қалбдан суюниш кифоя қиладиган мураббийлар, аслида, ҳар қандай спорт турининг асосий устун. Улар маҳоратли, билимли, соҳанинг устаси бўлса, ғалабалар қўлга киритилаверади, мадҳиялар янграганда кўзлар ёшга тўлаверади. Хўш, бугун Ўзбекистонда мураббийлар фаолияти қандай ташкил этилган? Халқаро мусобақаларда эришилган натижалар билан уларнинг фаолиятига баҳо бериш қанчалик тўғри? Соҳа-

да ечимини кутаётган муаммолар нималардан иборат? Мураббий ва ҳакамлар тайёрлаш бўйича белгиланган вазифалар ижроси таъминланяптими?



Айни саволлар билан Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази директори Илҳомжон ТУРСУНАЛИЕВга мурожаат қилдик.

— Марказимизда давлат мактабгача таълим муассасаларидан тортиб, спорт мактабларининг раҳбар, инструктор-методист, тренерлари ҳамда спорт соҳасидаги бошқа мутахассислар қайта тайёрланиб, малакаси оширилади. Жорий йилда 10 954 нафар жисмоний тарбия ва спорт мутахассиси малакасини ошириш режалаштирилган.

Ҳар қандай соҳа тараққиёти унинг назарий асослари билан бевосита боғлиқ. Шу боис марказ ва унинг филиаллари томонидан 11 та намунавий ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, мамлакатимиз ва хорижий спорт ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий машғулотлар ва маҳорат дарсларини ўтказиш, тажриба алмашиш мақсадида шартномалар имзоланди.

Тизимдаги муаммолар нималардан иборат?

Малака ошириш курслари-га жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият юритаётган мутахассисларни тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қиляпмиз. Амалий машғулотларни олиб бориш учун 100 дан зиёд спорт ташкилотлари билан ҳамфикрмиз. Бироқ замонавий ускуналар билан жиҳозланган спорт иншоотлари ва лаборатория хоналари етишмайди. Мамлакатда ҳозирда 100 дан ортқ спорт тури бўйича ёшлар шугулланмоқда. Аммо мазкур спорт турларининг барчасида ҳам ўқув адабиётлари етарли эмас. Боз устига, хорижий адабиётлар кам. Айрим спорт турларидан ўзбек тилида умуман адабиётлар йўқ.

Табиики, бу мураббийлар фаолиятига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида марказимиз мутахассислари республика бўйича мавжуд ҳолатни ўрганди. Натижада спорт турлари бўйича зарур адабиётларга бўлган эҳтиёж 328 341 та, таълим муассасаларининг махсус фанларга оид адабиётларга бўлган эҳтиёжи 8 711 донани ташкил қилиши аниқланди. Очиғини айтиш керак, шу кунга қадар адабиётлар, асосан, олимпия спорт турлари бўйича тайёрланган. Спорт таълим муассасалари билан ҳамкорликда 2020-2025 йилларда барча спорт турларидан адабиётлар яратишга киришилди.

Айни пайтда республикаимиз спорт мактабларида 12 000 нафардан зиёд тренер-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Уларнинг деярли ярми ўрта-махсус маълумотга эга. Мазкур ҳолатни бартараф этиш учун Жисмоний тарбия ва спорт университетиде махсус сиртки таълим жорий этилган. Бу масала ечимида биринчи чора. Иккинчи чора сифатида олий маълумотли собиқ спортчилар орасидан танлов йўли билан, танланган спорт туридан қисқа муддатли махсус қайта тайёрлаш курсларини ташкил қилиш режалаштирилган.

Мураббий қандай талабларга жавоб бериши керак?

Юртимизда спорт тури бўйича спортчи, тренер ва спорт ҳаками касбларига қўйиладиган малака талаблари ишлаб чиқилган. Унга кўра, терма жамоа бош тренери

жисмоний тарбия бўйича олий маълумот, «Олий тоифали тренер» малака тоифаси, спорт тури бўйича тренер-ўқитувчи лавозимида камида 3 йиллик ёки терма жамоанинг катта тренери лавозимида камида 2 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим.

Мураббийга тренерлик фаолияти билан шугулланиш учун рухсатнома берилади. Спорт тури бўйича тренер-ўқитувчи ҳамда тренер-инструкторлик лавозимига тавсия этилаётган номзодларга иш стажига эга бўлиш талаб этилмайди.

Бутун дунёни ташвишга солган пандемия даврида спортчиларнинг ўз спорт формасини ушлаб туриши ниҳоятда мушкул. Боиси бундай шароитда тренерлар машғулотларни жонли тарзда олиб боришмаяпти. Бироқ қўл қовуштириб ўтириш ҳам ярамайди. Шу боис спорт турлари бўйича тренерлар машғулотларни онлайн тарзда ўтказмоқда. Бу жараён, ўз навбатида, улардан замонавий билимлардан хабардорликни ҳам талаб этмоқда. Вазият ўнғланиб, мусобақаларга старт берилганда бу сайёҳаракатлар ўзини қанчалик оқлашини эса вақт кўрсатади.

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»



Таэквондо бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати расман бекор қилинди.

ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 августда «Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Хужжатга кўра, марказ Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида ташкил этилди.



Марказнинг асосий вазифалари этиб ақида ва калом илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган Имом Мотуридий ва унинг издошлари бўлган алломаларнинг улкан илмий, диний-маънавий

меросини чуқур ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, халқ ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ушбу мавзуларга доир илмий тадқиқотларни тизимли ташкил этиш белгиланди.

Шунингдек, марказ Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби алломаларнинг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси ва унинг тараққиётида тутган ўрнини чуқур тадқиқ этади. Мамлакатда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари

ва архив фондларида сақланаётган буюк алломаларнинг калом илмига оид мероси ҳамда ислом дунёси учун муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган қўлёзма, тошбосма асарларнинг асл ҳамда электрон нусхалари тўпланди, тизимли илмий тадқиқотлари ташкил этилади.

Қарор билан хорижий тадқиқотчи ва изланувчилар учун Имом Мотуридий номидаги халқаро стипендия таъсис этилади. Стипендияга номзодлар Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти билан боғлиқ изланишларни амалга оширувчи хорижий тадқиқотчи ва изланувчилар орасидан саралаб олинади.

ҚУТЛОВ



Бир вақтлар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби шоирлар турганда шоир бўлиш осон бўлмаганидек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукр Холмирозев, Ўткир Ҳошимов каби адиблар турганда ёзувчи бўлиш ҳам осон эмас эди.

Лекин «шундай буюклар қаҳқашонида» шеърятда ҳам, насрда ҳам янги авлодлар етишди. Носирлар авлодининг забардаст вакилларида бири Эркин Аъзамдир.

Эркин Аъзам ўз самимият ва ҳаққоният нури билан, сўз санъати ва ўз санъати билан ўзбек адабиётига янги ҳаво олиб кирган истеъдод соҳибларидандир. Россияда Распутин, Озарбайжонда Анор, Болтиқбўйида Юстинас Марцинкявичюс, Тожикистонда Саттор Турсун каби қалам соҳиблари бўлганидек, Ўзбекистоннинг ҳам ўз Эркин Аъзми бор.

Эркин Аъзамни адабиёт суворийларидан, дейман. Унинг оти – зирҳли, мустаҳкам эгар-жабдуқли, энг муҳими – жиловли ўз қўлида. Эркин Аъзам отининг жиловини бировга бериб қўймаган, яъни сўз санъатини ўткинчи мафжураларга қурбон қилмаган адиблардандир. Бу суворийнинг қўлида қамчиси ҳам бор, қамчиси отига эмас, йўлида учрайдиган нокасларга, фирромларга, қаллобларга, хоинларга, қаззобларга қаратилган.

«Тафаккур» журнали «Муҳаррир саҳифаси»даги сўзлари адибнинг яқка ҳолда улкан ноҳақликларга қарши қилган жангларидир.

Эркин Аъзам асарларига ўзимча муносиб номлар қўйиб чиққанман: «Таваллуд» («Отининг туғилган йили»), «Дунёнинг жаннати қайдадир?» («Жаннат ўзи қайдадир?»), «Ошиқ кўнгли» («Пакананинг ошиқ кўнгли»). Тўғри, мен адибнинг сарлавҳаларини танқид қилганман, лекин бошқа дўстларимиз менинг феълимга тақлид қилмасдан, сеvimли адибимизнинг асарлари билан машғул бўлмоқларини истайман.

Чунки Эркин Аъзам сўз санъати жиҳатидан ҳам, ижтимоий фаолияти ва ёши жиҳатидан ҳам устоз мақомига эришган шахслардандир.

Мирзо КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

2020 йил, 10 август.
1441 йил, 20 зулҳижжа,
душанба кун.

Эркин АЪЗАМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

Зарчопон

Умрингизда зарчопон кийганмисиз? Киймаган бўлсангиз, ёш экансиз. Қўнглингиз тўқ бўлсин. Худо умр берса, ҳали элликка, олтмишларга кирасиз. Ана ўшанда елкангизга, албатта, зарчопон иладилар. Йўқ, хато кетмадик — айнан иладилар. Негаки, уни ўша захоти ечиб, тахлаб кўясиз. Сандиқнинг тубига. Сандиқнинг мулки энди у. Агар кўпайиб, унга сиғмай кетса, ташвишланманг, бунинг йўли осон: яқин биродарингиз эрта-индин элликками, олтмишгами кираман деб турибди!

Зарчопон кийиб кўча-кўйда юрган одамни учратганмисиз? Бирон бир ҳавасманд ажнабий ёки улуснинг анжуманига отланган хонандами, навозандами бўлса керак-да. Уларга майли, уларга ярашар. Сизу биз эса истиҳолага борамиз: кўрган нима дейди? Ҳар бирига алоҳида-алоҳида «Мен элликка ё олтмишга кирдим, биродар, мени муборакбод этинг!» деб изоҳ беролмайсиз-ку!

Дарҳақиқат, заррин тўн кийган одам ўзини камида Амир Олимхондек хис қилса керак. Боз устига, андак сархушроқ бўлса, одми курсини бир тепиб, «Тахтим қани?» дея росмана тахт қидириб қолмоғи ҳам ҳеч гап эмас.

Бу матоҳ ўзи кўп қиммат келади. Зардек ипақдан бино бўлган-да. Меҳнати ҳам сердиққат. Кунда кийгани кўзингиз қиймайди. Кийганда ҳам ёлчимайсиз: ноқулай, иссиқ-илиғи йўқ. Елкага ташлаб суратта тушсангиз энди — бошқа гап. Невара-чеварага эсдалик. Бошқа бирон фазилати йўқдек.

Бор, бор! Боя айтилди-ку — тўй-ҳашамда зўр совға! Аммо тўхфани олган одам уни киймайди-да (буниси ҳам таъкидланди)! Унда ҳам (сандиғида) тўрт-бештаси ётибди. Совғага атаб қўйилган.

Шу ҳисобда денг, биргина тўн бир неча одамнинг елкасини кўради...

Лекин гап фақат зарчопон устида экан-да, деб ўйламанг. Зарчопон — эҳтиром белгиси, қутлуғ удумимиз, албатта. Қолаверса, у ҳали ҳолва. Миллий турмушимизда, афсуски, риёга ўхшаб кетадиган бунақа хужажўрсин сипогарчиликлар бир дунё! Келинчакнинг ҳайитида номчиқарарга юбориладиган беҳисоб, кўпична увол кетадиган, бесамар тоғоралар ҳам шу сирадан.

Ажабо, йигирма биринчи асрга ҳам шу каби ялтир-юлтир «тоғора»лар билан ўтдиг-а! Бу ҳол тараққиётми ёки тушовми?

Элликка кирдингизми, олтмишга? Елкани шайлайверинг...

«Жаннат ўзи қайдадир» асаридан.



Ўзбекистондаги Покистон Миллий банкининг аккредитация сертификати бекор қилинди.

СОЛИҚ

Тадбиркорга солиқ тўловларида имитиёз борми?

Якка тартибдаги тадбиркорман. Карантин сабабли ҳозирда фаолиятимни тўхтатганман. Шу боис солиқларни қатъий белгиланган миқдорда тўлай олмайман. Бу каби ҳолатларда менга солиқ тўловларида энгилликлар бериладими?

Отабек НУРМАТОВ.
Қашқадарё вилояти.



Дилдора ҲОШИМОВА,
Давлат солиқ кўмитаси
катта инспектори:

— Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли фармонида мувофиқ, карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаси ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилади.

Бунинг учун солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали фаолиятинингизни тўхтатган ойни кўрсатган ҳолда ариза беришингиз лозим. Шундан сўнг сизга фаолият юритмаган ойлариингиз учун солиқлар ҳисобланмайди ва сиздан гувоҳномани топширишингиз ҳам талаб этилмайди.

ТРАНСПОРТ

Хорижлик ҳайдовчи қондани бузса, жарима тўлайдими?

Юртимиз ҳудудида ҳаракатланувчи хориж транспорт воситалари ҳам айрим ҳолларда қўпол равишда йўл ҳаракати қондаларини бузишади. Уларга нисбатан қандай чоралар кўрилади? Улар ҳам қондабузарлик учун жарима тўлайдими?

Шерзод СОДИҚОВ.
Самарқанд вилояти.



Фаррух ЖўРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул
ходими:

— 2020 йил 5 августдаги «Йўл ҳаракати қондаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳукумат қарорига кўра Ўзбекистон ҳудудида йўл ҳаракати қондаларини бузган хорижий автотранспорт воситалари ҳайдовчилари ёки бошқа шахслардан тегишли жарималарни ушбу транспорт воситаларини республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётганда божхона органлари томонидан ундириш механизми жорий этилди.

Тегишли жарималар божхона органлари томонидан ички ишлар органлари он-лайн режимда тақдим этган маълумотлар асосида ундирилади. Жарима суммаси тўланмаган тақдирда автотранспорт воситаси далолатнома асосида 60 кунга қадар вақтинча сақловга олинади. Агар жарима суммаси 60 кун ичида ҳам тўланмаса, қарздорлик суммаси мажбурий ижро ва суд органлари билан ҳамкорликда транспорт воситаси ҳисобидан ундириш чоралари кўрилади.

ТАЪЛИМ

Янги ўқув йилида таълим қандай шаклда давом этади?

— Карантин сабаб мактаблар фаолияти эрта ёпилди. Энди эса янги ўқув йили яқин, бундай вазиятда таълим қандай шаклда давом этади? Ёки ўтган сафаргидек телевидение орқали дарслар йўлга қўйиладими?

Нодира АЪЗАМОВА.
Наманган вилояти.



Лайло РУСТАМОВА,
Халқ таълим вазирлиги
масъул ходими:


— Халқ таълими вазирлиги ўз ваколатидан келиб чиқиб, янги ўқув йилини бошлаш бўйича учта сценарий тахлиф қилмоқда. Биринчиси, пандемия ҳолати барқарорлашиб, мактаблар одатий тартибда ўз фаолиятини бошлайди. Халқаро тажриба мактаб ёшлидаги болаларга касаллик кам ҳолатда юқишини, болалардан катталарга юқиш хавфи ҳам камлигини кўрсатмоқда.

Иккинчиси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўзбекистонда болаларда вирус кечиши бўйича хулосаси ижобий бўлмаган тақдирда таълим он-лайн тартибда давом эттирилади. Учунчиси гибрид сценарий бўлиб, мактаблар очилади. Фаолият маълум бир ҳудуд ва мактабдаги карантин ҳолатидан келиб чиқиб олиб борилади. Бунда дастлабки босқичда фарзанди саломатлигидан ҳавотир олган ота-оналарга болани уйда он-лайн ўқитишга имкон берилиши кўзда тутилган, яъни боланинг мактабга давомати эркин бўлади.

ИЖТИМОЙ ИЖТИМОЙ

Кадастр ходими пул талаб қилишга ҳақлими?

— Янги уй қурмоқчиман. Унинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш керак. Айтинг-чи, уйимнинг тарихини чизиб бергани учун кадастр ходими пул талаб қилишга ҳақлими?



Дилмурод ШОТЎРАЕВ.
Сурхондарё вилояти.

Қобил БОБОЖОНОВ,
«Давергеодезкадастр»
кўмитаси бош мутахассиси:

— Уйнинг кадастр ҳужжати, яъни кадастр йиғма жилдини шакллантириш учун мурожаатлар Давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилинади. Кадастр йиғма жилдини шакллантириш натижаси бўйича кадастр паспорти тақдим этилади.

Кўчмас мулк объектларининг кадастр паспортини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўлов миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги қарорига асосан белгиланади. Бунда I ва II гуруҳлар ногиронлари ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун давлат хизматлари нархи хизматлар умумий қийматининг 50 фоизини ташкил қилади. Кадастр тарҳи учун қўшимча тўлов қилинмайди.

ИЖТИМОЙ ИЖТИМОЙ

Оилада пенсионер бўлса, моддий ёрдам берилмайдими?

— Оилада 4 кишимиз. Онам пенсионер, акам, укам ва мен карантин сабабли иштимизни йўқотдик. Айни вазиятда маҳаллага моддий ёрдам сўраб мурожаат қилганмиз. Бироқ маҳалла раиси: «Оилангизда пенсия олувчи бор, шу боис моддий ёрдам берилмайди», деди. Шу тўғрими?

Насиба КОМИЛОВА.
Тошкент шаҳри.



Саодат БОЙМИРЗАЕВА,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги
ахборот хизмати раҳбари:

— Коронавирус пандемияси шароитида ижтимоий аҳоли ва турмуш шароити оғирлашган ва сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратта олинган оилаларни қайд этиш мақсадида «темир дафтар» тизими жорий этилган. У аҳолининг мавжуд 7 та ижтимоий ҳолати инобатга олиниб тузилган ҳамда мазкур тоифага киритилган аҳолига зарур ёрдамлар кўрсатилиши мажбурийдир.

Тоифалар ичида ижтимоий нафақаси реал эҳтиёжларни қопламайдиган, ундан бошқа даромад манбаи бўлмаган ҳамда меҳнатта лаёқатли аъзолари бўлган, бироқ улар ҳеч қерда ишламайдиган ёки пандемия туфайли даромадидан вақтинча маҳрум бўлган мавсумий ишчи, зарур ёрдамга муҳтож оилалар алоҳида белгилаб ўтилган. Бундан хулоса шуки, сизнинг оилангизга ўзингиз яшаб турган фуқаролар йиғини ҳамда ҳудудий сектор томонидан келтириб ўтилган жиҳатларни инобатга олган ҳолда зарур моддий ёрдам кўрсатилиши шарт.

